



**ORGANIZATION FOR SECURITY  
AND CO-OPERATION IN EUROPE  
ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК  
ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ**

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) — хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи минтақавий ташкилот бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг VII бобига мувофиқ, ўз ҳудуди доирасида юзага келувчи низоларнинг олдини олиши, зиддиятларнинг авж олишига йўл қўймаслиги, уларни ҳал этиши, шунингдек унинг фаолият ҳудудида юзага келган низолардан сўнгги тикланиш ишларини амалга ошириш асосий вазифалардир.

ЕХХТ нинг хавфсизликни таъминлашга бўлган ёндашуви кўп йўналишли хусусиятга эга ва у ҳамкорликка асосланади. Ташкилот хавфсизликни янада мустаҳкамлашда, превентив дипломатия, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш чоралари, инсон ҳуқуқлари, демократлаштириш, шунингдек, иқтисодий ва экологик хавфсизлик муаммолари билан шуғулланади.

Шунга мувофиқ иқтисодий ва атроф-муҳит масалалари ҳамisha ЕХХТ кун тартибининг ажралмас қисми бўлиб келган. Унинг иқтисодий ва экологик бирдамлик ҳамда ҳамкорликнинг тинчлик, юксалиш ва барқарорликни таъминлашга қаратилган иқтисодий ва атроф-муҳит масалалари борасидаги фаолиятлари ЕХХТ нинг хавфсизликка бўлган кўп томонлама ёндашувининг бир қисми сифатида намоён бўлади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам юқорида келтирилган тамойилларга хайрихоҳлигини билдириб Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига 1992 йил 30 январда аъзо бўлиб кирган. Мана бир неча йиллар давомида ЕХХТнинг Тошкентдаги Маркази ўз фаолияти доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири — тадбиркорлик субъектларининг бизнес кўникмалари ва ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни мунтазам равишда Ўзбекистондаги иқтисодий шароит ҳамда бизнес олами ўзгаришларидан хабардор қилишдан иборатдир.

Шу боис, ЕХХТ нинг Тошкентдаги Маркази аввалги нашрнинг мантиқий давоми сифатида мазкур қўлланмани Сизга ҳавола этмоқда.

Умид қиламизки, ушбу қўлланма аввалги нашрдан кам бўлмаган даражада бизнесингизни ривожлантиришда Сизга йўл кўрсатувчи ва маслакдош бўлади.

«Тadbиркорлик фаолияти» туркумидаги III-чи нашр Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкентдаги Маркази тақдим этган молиявий кўмак асосида тайёрланди.

**Тузувчилар:**

**Ф. Х. Отахонов, ю. ф. н.;**

**Ғ. А. Саматов, и. ф. д.;**

**К. Ш. Сирожиддинов**

**И. ф. н. А. Э. Шайхонинг умумий таҳрири остида.**

Қўлланманинг асосий мақсади — бизнес субъектлари ва хусусий тadbиркорларни иқтисодий эркинлашуви, тadbиркорликни ривожлантириш ва уларга қулай шарт-шароитларни шакллантириш шароитида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништириш, уларнинг аҳамияти ва фойдаланиш имкониятларини кўрсатишдан иборатдир.

Қўлланмада Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вазифалари, аграр соҳада мулкдорлар синфини шакллантиришни жадаллаштиришнинг асослари, янги ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларининг тadbиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти, маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотиш ва сотиб олишнинг бозор механизмлари, кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш муаммолари ёритилган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент Марказига ушбу қўлланмани нашр қилишда кўрсатган ёрдами учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ушбу нашр тузувчиларининг фикрлари ЕХХТ нуқтаи-назарига ҳамма вақт ҳам мос келмаслиги мумкин.

© Қўлланма бўйича ўз фикрларингизни қуйидаги электрон почта манзилига юборишингиз мумкин. E-mail: ssp\_nashr@mail.ru

**УДК: 336 (075.8) (575.1)**

**ББК 65.9 (5У)09+67.404**

## М У Н Д А Р И Ж А

Кириш..... 8

### I. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси:

#### тадбиркорлик ва хусусий бизнеснинг янги истиқболи

Ўзбекистон Республикасининг 03.12.2004 йилдаги 712-II-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Қонуни ..... 10

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.07.2004 йилдаги ПФ-3453-сонли «Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ..... 16

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2004 йилдаги 441-сонли «Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ..... 19

### II. Хусусий корхона – тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли

Ўзбекистон Республикасининг 11.12.2003 йилдаги 558-II-сонли «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуни ..... 27

Ўзбекистон Республикасининг 11.12.2003 йилдаги 558-II-сонли «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти ..... 33

### III. Аграр соҳада мулкдорлар синфини шакллантириш асослари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2004 йилдаги ПФ-3406-сонли «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ..... 43

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2004 йилдаги ПФ-3406-сонли «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг аҳамияти ..... 45

Фермер хўжаликларида шартномавий муносабатлар ..... 47

Фермер хўжалигида солиқ ..... 60

Фермер хўжаликларида суғурта ..... 66

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 16.04.2004 йилдаги 1337-сонли «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ..... 73

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 16.04.2004 йилдаги 1337-сонли «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорининг фермерликни ривожлантиришдаги аҳамияти ..... 79

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 30.04.2004 йилдаги 1345-сонли «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори .....	81
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 30.04.2004 йилдаги 1345-сонли «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорининг фермерликни ривожлантиришдаги аҳамияти .....	90

#### **IV. Тадбиркорликни ривожлантиришда янги молиявий имкониятлар**

Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом .....	92
Республикамизда фаолият юритаётган ҳалқаро молия институтлари тўғрисида маълумот .....	101
Лизинг .....	109
Кредит уюшмалар .....	120

#### **V. Тадбиркорликни ривожлантиришда маҳсулотларни сотишнинг бозор механизмларини такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги Қарори .....	124
Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси .....	139
Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси .....	142

#### **VI. Тижорат фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олишни такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.2004 йилдаги 387-сонли «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори .....	145
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.09.2004 йилдаги 413-сонли «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларини ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори .....	148

## **VII. Маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2004 йилдаги 318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори .....	162
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2004 йилдаги 318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти .....	178

## **VIII. Экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш**

Ўзбекистонда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартиби .....	182
ИНКОТЕРМС–2000 .....	186

## **IX. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият эркинлигини таъминловчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш**

Тадбиркорлик субъектларининг даъво аризаларини хўжалик судларида кўриб чиқилиши .....	190
Давлат органлари томонидан текширишлар амалга оширилганда тадбиркорлик субъектлари билиши лозим бўлган асосий қоидалар .....	205

## **X. Тадбиркорликни ривожлантиришда янги ахборот технологиялари ва глобал телекоммуникация воситалари**

Ўзбекистон Республикасининг 29.04.2004 йилдаги 613-II-сонли «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти .....	214
Ўзбекистон Республикасининг 29.04.2004 йилдаги 445-сонли «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги Қонунининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти .....	222
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.2004 йилдаги 445-сонли «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори .....	228

## **XI. Замонавий технология ва ускуналар тўғрисида маълумотлар**

Ускуна ва технологиялар ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи миллий корхоналар .....	233
--	-----

## К И Р И Ш

Иқтисодий ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ва мамлакатимизда тўпланган ижобий тажрибалар шуни кўрсатадики, тадбиркорликнинг ривожланиши бу соҳадаги ҳуқуқий-меъерий базани доимий равишда такомиллаштириб бориш билан бир қаторда бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаши лозим бўлган ташкилот ва корхоналарнинг ходимлари ўз ишларига масъуллик билан ёндашиб, миллий манфаатлар йўлида фаолият олиб боришлари, тадбиркорлар эса қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тўлалигича амалга оширилишини талаб этишлари, бу йўлда қатъиятлик билан ҳаракат қилишлари лозим бўлади.

Ҳар иккала томон ўзларининг қобилиятлари, иқтисодий, ҳуқуқий билимлари ва кўникмалари даражасини оширишлари, техника ва технологияларнинг ривожланишини кузатиб боришлари, янги ахборот ва телекоммуникация воситаларидан кенг фойдаланишлари зарур.

Шулардан келиб чиқиб Республиканинг барча ҳудудларида тегишли ташкилотлар томонидан ташкил этилган ўқитиш тизимидан ташқари, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар доирасидаги фаолият ҳам маълум даражада ўзининг натижаларини бериб келмоқда. Ўқув курслари ташкил этиб, тадбиркорлик субъектларини қайта ўқитиш, уларнинг билимларини ошириш шарафли вазифа, лекин бундай курсларнинг қамров доирасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Тадбиркорларга зарур бўлган, маълумотларни ўзида жамлаган бу каби қўлланмаларга бўлган эҳтиёж бугунги кунда ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги меъерий ҳужжатлар мазмунини кенг оммага етказиш мақсадида чоп этилган ушбу қўлланма қайсидир маънода Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг Тошкентдаги Маркази билан ҳамкорликда чоп этилган олдинги қўлланмаларнинг мантиқий давоми бўлиб, янги фармонлар ва қарорлар, уларнинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти, фермер хўжаликларида шартномавий муносабатлар, фермер хўжаликларида солиқ, сўғурта, республикада фаолият кўрсатаётган биржалар тўғрисида маълумот, экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш тартиби, ИНКОТЕРМС-2000, тадбиркорларнинг даъво аризаларини хўжалик судларида кўриб чиқиш тартиби, давлат органлари томонидан текширишлар ўтказилганда тадбиркорлар билиши керак бўлган асосий қоидалар билан бойитилган. Бундан ташқари илк нашрларда тақдим этилган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида лизинг муносабатлари, лизинг компанияларининг шартлари, кредит уюшмалари, замона-

вий технология ва ускуналар тўғрисидаги маълумотларга кенгроқ ёндашилиб, ўтган давр мобайнидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қўшимчалар киритилди.

Аввалги нашрларнинг тақдимотидан кейин тадбиркорлик субъектлари ва омманинг фикрларини ўрганиш натижасида қўлланмалар аксарият ўқувчиларга манзур бўлганлиги маълум бўлди. Мазкур қўлланма аввалги нашрларнинг мукаммалашган мантиқий давоми бўлганлиги туфайли ушбу нашрнинг дизайнида ўхшашлик мавжуд. Бундан ташқари мазмун жиҳатидан замонавий тарбиркорлик фаолиятининг бошқа қирраларини кенг ёритишга ҳаракат қилинди. Энг асосийси, бу нашрда меъёрий ҳужжатлар билан бир қаторда, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Албатта бу каби қўлланмаларнинг кўпайиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ўқитиш тизимининг такомиллаштирилиши, босқичма-босқич амалга ошиб бораётган жараёндин, лекин тадбиркор булардан ўзига керакли маълумотларни ололса, бизнесини ташкил қилишга, ривожлантиришига ва умуман фаолияти давомида юзага келган саволларига мазкур қўлланмалардан жавоб топа олса, ушбу қўлланма тузувчилари ўз мақсадларига эришган бўлар эдилар.

Ушбу қўлланмани чоп эттиришда ЕХҲТ Тошкентдаги марказининг ёрдами салмоқли бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу ташкилотнинг — Иқтисодиёт ва атроф муҳит бўйича бўлимининг ходимларига, яқиндан кўрсатган самимий ёрдамлари учун ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз.

Ўйлаймизки, ушбу қўлланма тадбиркорларнинг кенг оммасига бизнесдаги ўз билимларини ва кўникмаларини такомиллаштиришларида яқин ёрдамчи бўлади.

# **I. ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ: ТАДБИРКОРЛИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛИ**

## ***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ***

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТЎҒРИСИДА**

#### **I. Умумий қоидалар**

##### ***1-модда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси***

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

“Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси” номидан фақат ушбу Қонуннинг қоидаларига мувофиқ тарзда фойдаланилиши мумкин. Бошқа ташкилотлар ўз номларида “савдо-саноат палатаси”, “савдо палатаси”, “саноат палатаси” деган сўз бирикмаларидан ҳамда улар асосида тузилган сўз бирикмаларидан фойдаланишга ҳақли эмас.

##### ***2-модда. Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатлари***

Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### ***3-модда. Палатанинг мақсади***

Палата тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, Палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

##### ***4-модда. Палатанинг вазифалари***

Палатанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни, энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;



тадбиркорларга чет эллик шериклар билан амалий мулоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек рақобатбардош тайёр маҳсулот чиқаришни таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишда кўмаклашиш;

бошқа давлатларнинг савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш;

тадбиркорларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиш, шу жумладан ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва инвестициявий имкониятлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек потенциал шерикларга ва замонавий технологиялар харид қилиш имкониятларига оид маълумотларни ўз ичига олувчи бизнес-каталоглар эълон қилинишини ташкил этиш;

тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш, халқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умум эътироф этилган нормаларини жорий қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш чоратадбирларини кўриш;

тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизими ривожлантирилишини, тадбиркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

### ***5-модда. Палата билан давлат органларининг ўзаро муносабатлари***

Давлат органлари Палатага у ўз вазифаларини бажаришида кўмаклашадилар ҳамда Палатанинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайдилар.

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг Палата фаолиятига ҳамда Палатанинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

## **II. Палатани ташкил этиш тартиби**

### ***6-модда. Палатани ташкил этиш***

Палата муассисларнинг ташаббусига кўра ихтиёрий бирлашиш принципи асосида ташкил этилади.

Палата муассислари Палатанинг таъсис конференциясини чақирадилар, унда Палатанинг устави қабул қилинади ҳамда бошқарув ва назорат органлари тузилади.

### ***7-модда. Палата тизими***

Палата Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ягона тизимни ташкил этади.

### ***8-модда. Палатанинг ҳудудий бошқармалари ва уларнинг филиаллари***

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тегишлича Палатанинг битта ҳудудий бошқармаси тузилиши мумкин.

Палатанинг ҳудудий бошқармаси юридик шахс ҳисобланади ва Палата томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

Палатанинг ҳудудий бошқармалари, заруратга қараб, юридик шахс бўлмаган туман ва шаҳар филиалларини тузиши мумкин.

### ***9-модда. Палатага аъзолик***

Ўзбекистан Республикасининг тадбиркорлик фаолияти субъектлари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тузилган бошқа ташкилотлар Палата аъзоси бўлиши мумкин.

Палата аъзолари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Палатага аъзолик тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаси ёхуд тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тузилган бошқа ташкилот билан Палата ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

### ***10-модда. Палатанинг устави***

Палатанинг уставида қуйидагилар бўлиши лозим:

Палатанинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

Палатанинг мақсад ва вазифалари;

Палатанинг ҳудудий бошқармаларини, шунингдек уларнинг туман ва шаҳар филиалларини тузиш тартиби;

Палатанинг бошқарув ва назорат органларини шакллантириш тартиби ҳамда уларнинг ваколатлари доираси, муддати ва қарорлар қабул қилиш тартиби;

Палата аъзолигига қабул қилиш ҳамда аъзоликдан чиқиш шартлари ва тартиби;

Палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

Палатанинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкани шакллантириш манбалари;

Палата тугатилган тақдирда унинг мол-мулкидан фойдаланиш тартиби;

Палатанинг уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

Палатани қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Палата уставига қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

### ***11-модда. Палатани давлат рўйхатидан ўтказиш***

Палатани давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Палатанинг ҳудудий бошқармаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек уларнинг туман ва шаҳар филиалларини қайд этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Палатанинг уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Палата қандай тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлса, шундай тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

### ***12-модда. Палатанинг бошқарув органлари***

Палатанинг бошқарув органлари қуйидагилардир:

Палата қурултойи;

Палата марказий кенгаши;

Палата ижроия қўмитаси.

Палата бошқарувининг олий органи уч йилда камида бир марта чақириладиган Палата қурултойидир.

Қурултойлар оралигидаги даврда Палата фаолиятига раҳбарликни Палата марказий кенгаши амалга оширади.

Палата фаолиятига жорий раҳбарликни Палата ижроия қўмитаси амалга оширади ва у Палата қурултойи ҳамда марказий кенгашига ҳисобдордир.

## **III. Палата фаолиятининг асослари**

### ***13-модда. Палатанинг ҳуқуқлари***

Палата қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикасида ва чет давлатларда ташкилотлар тузиш, ўз ваколатхоналарини очиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини патентлашда, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ҳудудидан ташқарида кўргазмалар ҳамда ярмаркалар ташкил этиш ва ўтказиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш;

газеталар, журналлар ва бошқа босма материаллар нашр этиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш учун ноширлик ва реклама хизматлари кўрсатиш;

халқаро ва чет эл ташкилотларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ соҳада Палата аъзоларининг манфаатларини ифода этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти масалаларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳофаза қилишда иштирок этиш;

иқтисодий низоларни ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судларини, шу жумладан халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш;

чет эллик шериклар мурожаат этган ҳолларда товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларни тасдиқлаш;

Палата аъзоси бўлмиш тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда иштирок этиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига чет эл ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ҳамда техник ёрдамини жалб этишда кўмаклашиш;

давлат божи тўламасдан судга Палата аъзолари манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этиш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш.

Палата қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### ***14-модда. Палатанинг мулки***

Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлар, қимматли қоғозлар ҳамда ўз уставида белгиланган вазифаларни бажариши учун зарур бошқа мол-мулк Палатанинг мулки бўлиши мумкин.

Палатанинг мулки Қонун билан муҳофаза қилинади.

**15-модда. Палатанинг мол-мулкани шакллантириш манбалари**

Палатанинг мол-мулкани шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари;

Палата тadbиркорлик фаолиятдан оладиган ва фақат ўз уставида белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланадиган даромадлар (фойда);

Палата томонидан ташкил этилган ташкилотлардан ажратмалар;

Грантлар ва ҳомийлардан келадиган маблағлар;

Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

**16-модда. Палата аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари**

Палата аъзолари Палата уставида белгиланадиган тартибда ҳамда миқдорларда кириш ва аъзолик бадаллари тўлайди.

**IV. Яқунловчи қондалар**

**17-модда. Палатанинг халқаро алоқалари**

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Палата халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириши, тўғридан-тўғри халқаро мулоқотлар ва алоқалар олиб бориши, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин.

**18-модда. Низоларни ҳал этиш**

Палатани ташкил этиш ва унинг фаолият юритиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**19-модда. Палата ва унинг аъзолари мажбуриятлари бўйича жавобгарлик**

Палата ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавоб беради. Палата ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Палата аъзолари Палатанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

**20-модда. Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И.Каримов**

712-II-сонли

Тошкент шаҳри,

03.12.2004 й.

2005 йил 4 январдан кучга кирган.

**ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш, республика тадбиркорларининг хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш мақсадида:

1. Тадбиркорлик тузилмалари, кичик бизнес субъектлари ва хусусий корхоналар вакиллари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини қайта тузиш ва унинг асосида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

республикада тадбиркорликнинг, энг аввало кичик ва хусусий бизнеснинг жадал ривожланишига, ҳақиқий мулкдорларнинг кенг қатлами шаклланишига, хусусий секторнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини тубдан оширишга кўмаклашиш;

республика тадбиркорларига хорижий шериклар ва сармоядорлар билан ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришда, мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек, қўшма корхоналар ташкил этиш, энг аввало кичик ва хусусий корхоналарни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш учун республикага тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилишда ёрдам бериш;

бошқа мамлакатлар савдо-саноат палаталари ва тадбиркорларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, Ўзбекистон тадбиркорлари делегацияларининг амалий ташрифларини ташкил этиш ва республикага хорижий тадбиркорларни таклиф қилиш, республикада ва чет элларда тадбиркорларнинг халқаро бизнес-анжуманлари, ишбилармонлар маҳсулотларининг савдо-саноат кўргазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг турда хизмат кўрсатиш, жумладан, ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, мамлакатимиз

ишлаб чиқарувчилари, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва инвестиция имкониятлари, шунингдек, бўлажак шериклар ва замонавий технологияларни харид қилиш имкониятларига оид ахборотни ўз ичига олган бизнес-каталоглар нашр этилишини йўлга қўйиш;

тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бизнес юритишга оид халқаро меъёрлар ва амалиётни республикада жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш борасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яхшилашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, рўйхатга олиш, маҳсулотини сертифицикатлаш ва лицензия бериш, шунингдек, ишларни судларда кўриб чиқиш масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

тадбиркорлик фаолиятига оид таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этишни қўллаб-қувватлаш.

### 3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси:

мамлакатимиз тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан микрофирмалар, кичик ва хусусий корхоналар якка тартибдаги тадбиркорларни ихтиёрий равишда бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир;


Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган ҳудудий тузилмалари билан биргаликда ягона тизимни ташкил этади;

зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни самарали бажариш учун зарур ҳолларда республика туманлари ва шаҳарларида филиаллар тузиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан имзоланган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

### 4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига ҳар томонлама, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари мутахассисларини жалб этиш орқали Палатанинг зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда, бошқа мамлакатлар савдо-саноат палаталари, хорижий сармоядорлар ва шериклар билан амалий алоқалар ўрнатишда, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини сотиш учун чет эл бозорларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ёрдам берсин;



Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда Палатанинг қатор хорижий мамлакатларда ваколатхоналарини очиш ва уларнинг раҳбарларига дипломатик ходим мақомини бериш мақсадга мувофиқлиги хусусидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

мамлакатимиз тадбиркорлари — Савдо-саноат палатаси аъзоларини минтақавий экспорт ва транзит товарлар (иш ва хизматлар) савдо оқимида фаол иштирок этишга жалб қилиш борасидаги ҳамкорлик ишларини ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий тузилмаларига давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектлари — Палата аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини камситувчи хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судларга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилсин. Бунда улар давлат божларини тўлашдан озод этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига «Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш, Палатанинг таъсис съездини ўтказиш, Палата Уставини қабул қилишга оид ташкилий масалаларни ҳал қилишда кўмаклашсин;

бир ой ичида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси иштирокида Ҳукуматнинг Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлашга доир қарорини ишлаб чиқиб, қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12 мартдаги ПФ-1407-сонли «Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. С. Азимов зиммасига юклатилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президентини*

*И. Каримов*

*ПФ-3453-сонли  
Тошкент шаҳри  
07.07.2004 й.*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАЪМИНЛАШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 июлдаги ПФ-3453-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг самарали фаолиятини ташкил этишни таъминлаш, унинг фаолиятига республика тадбиркорларини кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси муассисларининг:

Савдо-саноат палатасининг уч йилда камида бир марта чақириладиган қурултойи Палатанинг юқори бошқарув органи ҳисобланиши;

қурултой делегатлари томонидан сайланадиган Савдо-саноат палатаси Марказий кенгаши қурултойлар ўртасидаги даврда Палатанинг раҳбар органи ҳисобланиши;

ўз фаолиятида Савдо-саноат палатаси Марказий кенгашига бевосита ҳисобот берадиган Савдо-саноат палатасининг Ижро этувчи қўмитаси Палатанинг ижро этувчи органи ҳисобланиши тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Таъсис конференцияси томонидан қабул қилинган Палатанинг бошқарув органлари тузилмаси, ташкилий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 42 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Савдо-саноат палатаси Ижро этувчи қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Савдо-саноат палатаси Марказий кенгаши томонидан лавозимга тайинланадилар;

Савдо-саноат палатаси Ижро этувчи қўмитасини молиялаштириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Марказий кенгаши томонидан тасдиқланади.

3. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Ижро этувчи қўмитаси, республика тадбиркорлик тузилмалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларининг:

қайта ташкил этилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари негизида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 3 ва 3а-иловаларга Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг юридик шахс мақомига эга ҳудудий бошқармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин. Зарурат бўлганда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари шаҳарлар ва туманларда қайта ташкил этилаётган туман (шаҳар) товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари негизида ўз филиалларини ташкил этишлари мумкин;

қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари аъзоларини Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси аъзолари сифатида эътироф этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг даромадлари манбаи этиб белгилансин:

Палатага кириш бадаллари ва аъзолик бадаллари, уларнинг миқдорлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Уставида белгиланади;

давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилаётган маблағларининг беш фоизи, улар фақат бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга мақсадли йўналтирилади;

грантлар ва ҳомийлар маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Олинган даромаддан фақат уставда қайд этилган фаолиятни бажариш учун фойдаланилади ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси аъзолари ўртасида тақсимланмайди.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иқтисодиётни, тадбиркорликни ва ташқи савдони ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ўз раиси иштироки билан қатнашиш;

қонунлар ҳамда Палата ва унинг аъзолари фаолияти масалаларига тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда қатнашиш;

назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган ҳар қандай текширишларда қатнашиш ва ўз аъзоларини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

#### 7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси лавозимига кўра Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши, Бож-тариф кенгаши, Жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга оид қонунчилик базасини такомиллаштириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш комиссияси, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши таркибига;

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси материаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек республикада кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика маълумотлари мажбурий тартибда юбориладиган ташкилотлар рўйхатиغا киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда чет элларда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ваколатхоналарини очиш тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин. Уларга республика тадбиркорларига хорижий шериклар ва инвесторлар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтиришда, Ўзбекистон тадбиркорларининг экспорт маҳсулотлари ташқи бозорларга кириб боришида ҳамда республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда кўмаклашиш вазифалари юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг буюртманомаларига кўра халқаро бизнес-форумлар, савдо-саноат кўргазмалари ва маҳсулотлар ярмаркаларини ўтказишда хорижий тадбиркорлар вакилларига кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Ижро этувчи қўмитаси билан биргаликда Палата доимий жойлашадиган жой масаласини ҳал этишни тезлаштирсин.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар, Бухоро кўчасидаги б-уйга вақтинча жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаларини жойлаштиришда кўмаклашсинлар ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратувчи зарур чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

10. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги илгари Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида ўрнатилган барча алоқа турларини Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида сақлаб қолсин.

11. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича унинг фаолиятини телевидение ва матбуотда кенг ёритсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Вазирлар Маҳкамасининг Раиси***

***И. Каримов***

*441-сонли  
Тошкент шаҳри  
22.09.2004 й.*


**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси  
бошқарув органларининг тузилмаси**




**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси  
Ижро этувчи қўмитасининг тузилмаси**



**Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг  
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий  
бошқармалари намунавий тузилмаси**



**Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳридаги  
ҳудудий бошқармалари намунавий тuzилмаси**





## **II. ХУСУСИЙ КОРХОНА – ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

#### **ХУСУСИЙ КОРХОНА ТЎҒРИСИДА**

##### **I. Умумий қоидалар**

###### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

###### **2-модда. Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

###### **3-модда. Хусусий корхона**

Мулқдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулқдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

###### **4-модда. Хусусий корхонанинг фирма номи**

Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «хусусий корхона» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «хусусий корхона» деган сўзларни ёки «ХК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

###### **5-модда. Хусусий корхонанинг банк ҳисобварақлари**

Хусусий корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк ҳисобварақлари очади.

### ***6-модда. Хусусий корхонанинг муҳри***

Хусусий корхона ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида ифода-ланган ва хусусий корхонанинг жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлиши керак. Муҳрда айна пайтнинг ўзид а унинг фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

### ***7-модда. Хусусий корхонанинг штамплари ва бланкалари***

Хусусий корхона ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда кўзга ташланиб турадиган бошқа идентификация воситаларига эга бўлишга ҳақли.

## **II. Хусусий корхона тузиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш**

### ***8-модда. Хусусий корхона тузиш тартиби***

Хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди.

Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

### ***9-модда. Бошқа юридик шахсларни таъсис этиш.***

#### ***Хусусий корхонанинг ваколатхоналари ва филиаллари***

Хусусий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзгача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар очишга ва филиаллар тузишга ҳақли.

### ***10-модда. Хусусий корхонанинг устави***

Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати унинг уставидир.

Хусусий корхонанинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак: корхонанинг фирма номи;

унинг жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;

асосий фаолият турларининг рўйхати;

мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

устав фондининг миқдори.

Хусусий корхонанинг устави қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

### ***11-модда. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш***

Хусусий корхона давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### ***12-модда. Хусусий корхонанинг устав фонди***

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди.

Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулк хуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга хуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди.

Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантириладиганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

### ***13-модда. Хусусий корхонанинг устав фондиди кўпайтириш ва камайтириш***

Хусусий корхонанинг устав фондиди кўпайтириш ва камайтириш мулкдорнинг қарорига кўра хусусий корхонанинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

Агар иккинчи молия йилининг ва шундан кейинги ҳар бир молия йилининг якунида хусусий корхона соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам эканлиги маълум бўлиб қолса, хусусий корхона ўз устав фондиди ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдорда камайтириши шарт.

Хусусий корхона соф активларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

## **III. Хусусий корхонани бошқариш**

### ***14-модда. Хусусий корхонани якка бошқариш***

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

### ***15-модда. Хусусий корхона мулкдорининг хуқуқлари ва мажбуриятлари***

Хусусий корхона мулкдори қуйидаги хуқуқларга эга:

хусусий корхона уставига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш;

хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этиш.

Хусусий корхона мулкдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Хусусий корхона мулкдори:

устав фондиди шакллантириши;

ўзига қарашли корхонани якка бошқариши шарт.

Хусусий корхона мулкдори зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### ***16-модда. Хусусий корхонани вақтинча бошқариш***

Хусусий корхона мулкдори ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади. Хусусий корхона мулкдори муваққат раҳбарнинг хусусий корхона мол-мулкни тасарруф этишга оид ҳуқуқини чеклаб қўйиши мумкин.

#### ***17-модда. Мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажара олмаслиги***

Вафот этганлиги, муомалага лаёқатсизлиги, муомала лаёқати чекланганлиги ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги оқибатида мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш фуқаролик қонун ҳужжатларига ва хусусий корхонанинг уставига мувофиқ амалга оширилади.

### **IV. Хусусий корхонада меҳнатга оид муносабатлар**

#### ***18-модда. Хусусий корхонанинг иш берувчиси ва ходими ўртасидаги ўзаро муносабатлар***

Хусусий корхона (иш берувчи) ва хусусий корхонанинг ходими ўртасидаги ўзаро муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракт) билан тартибга солинади.

#### ***19-модда. Хусусий корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш***

Хусусий корхона ўз ходимларига меҳнат ҳақи, мукофотлар ва компенсациялар тўлашнинг шакллари, тизими ҳамда миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил белгилайди.

Хусусий корхонада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарафларнинг келишувига кўра, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

**20-модда. Хусусий корхона ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш**

Хусусий корхона ўз ходимларига хавфсиз меҳнат шароитларини, ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаши шарт ва уларнинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Хусусий корхона ўз ходимлари учун қонун ҳужжатларида белгиланганга нисбатан имтиёзлироқ меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни мустақил белгилашга ҳақли.

**V. Хусусий корхона фаолияти эркинлигининг кафолатлари**

**21-модда. Хусусий корхона мол-мулкининг национализация ва реквизиция қилинишига йўл қўйилмаслиги**

Хусусий корхонанинг мол-мулки национализация қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхонанинг мол-мулки реквизиция қилинмайди, хусусий корхонанинг мулкдорига реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг бозор қийматига мувофиқ компенсацияси тўланадиган табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

**22-модда. Хусусий корхона фаолиятининг эркинлиги**

Хусусий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият турларини амалга оширади.

Хусусий корхона битимлар тузишда эркиндир.

**23-модда. Хусусий корхоналарга татбиқ этиладиган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар**

Хусусий корхоналарга тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

**24-модда. Хусусий корхонага солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда хусусий корхоналар учун давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг доимий ставкалари белгиланади.

Хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

**25-модда. Хусусий корхона  
фаолиятини текшириш чекланганлиги**

Хусусий корхона фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**VI. Яқунловчи қоидалар**

**26-модда. Хусусий корхоналарнинг бирлашиши**

Хусусий корхоналар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунга мувофиқ ассоциацияларга (уюшмаларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

**27-модда. Хусусий корхонани бошқа шахсга ўтказиш**

Хусусий корхона мулкдори хусусий корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида сотишга, ҳада қилишга, васият қилиб қолдиришга ёки уни ўзгача усулда бошқа шахсга ўтказишга ҳақли.

Хусусий корхона бошқа шахсга берилган тақдирда ўзининг фирма номидан, товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан ҳамда мазкур хусусий корхона ва унинг маҳсулотини, у бажараётган ишларни ёки кўрсатаётган хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, янги мулкдорга ўтади.

**28-модда. Хусусий корхонани қайта ташкил этиш  
ва тугатиш**

Хусусий корхона унинг мулкдори ёки суднинг қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

**29-модда. Низоларни ҳал этиш**

Хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**30-модда. Хусусий корхона тўғрисидаги  
қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти*

*И. Каримов*

*558-II-сонли*

*Тошкент шаҳри*

*11.12.2003 й.*

## **«ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

### ***«Хусусий корхоналар тўғрисида»ги қонуннинг норматив-ҳуқуқий базаси***

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг турли ташкилий-ҳуқуқий шакллари мавжудки, уларнинг ҳар бири ўзига хос белгилари билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, муассислари доираси, корхона фаолиятида иштирок этиши, жавобгарлиги, улар учун берилган имтиёзлар доираси ва ҳоказолар.

Иқтисодиётнинг ривожланиб бориши натижасида вужудга келган иқтисодий муносабатларнинг турли-туманлиги амалдаги қонунчиликда кўрсатилган тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан ташқари, бошқа янги турларига ҳам эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг сабабларини қуйидагиларда кўрсатишимиз мумкин:

- хусусий мулкка бўлган эгалик муносабатининг шаклланаётганлиги.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда хусусий секторнинг ролини ошиб бориши.
- амалда фойда келтирмаётган акциядорлик жамиятларининг негизда янги шаклдаги корхоналарни ташкил этиш зарурияти.
- корхона бошқаруви билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги.

Бу масалаларни ҳал қилишда, албатта, бошқаларидан фарқ қилувчи ўзига хос бўлган тадбиркорлик субъектининг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2003 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хусусий сектор улушини ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ҳам айнан шу масалага эътибор берилиб, «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги қонунни қабул қилиниши мақсадга мувофиқлиги белгиланди.

Шу кунгача республикамызда хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий тартибга солишнинг норматив ҳуқуқий базаси яратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.1995 йилдаги ПФ-1030-сонли «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони;

Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.1995 йилдаги 55-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида»ги Низом;

Амалдаги қонунчиликка кўра фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш бўлган юридик шахслар тижоратчи ташкилотлар ҳисобланади. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклларда тузилиши мумкин.

Ўз навбатида Халқаро тажрибага кўра хусусий корхона ҳам тижоратчи ташкилотларнинг алоҳида бир тури сифатида қаралади.

Хусусий корхона бошқа тижоратчи ташкилотлардан қатор жиҳатлари билан фарқ қилади.

Реубликамиз қонунчилиги билан рухсат этилган тадбиркорликни ташкилий-ҳуқуқий иккита асосий гуруҳи мавжуд. Булар ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ва ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИдир. Хўжалик жамиятлари АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ, МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ва ҚЎШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТЛАРга бўлинади.

Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҳисобланади. Акциядорлик жамияти ўз навбатида иккига бўлинади: ЁПИҚ ва ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга асосан очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг устав фонди 50 минг АҚШ доллари дан кам бўлмаган миқдорда, ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятида эса устав фонди энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баробаридан кам бўлмаган миқдорда бўлиши белгиланган. Иштирокчилари ўзларига қарашли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга беришлари мумкин бўлган АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ – ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ ҳисобланади. Бундай акциядорлар жамияти ўзи чиқарадиган акцияларга қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган шартлар асосида очиқ обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақли.

Акциялари фақат ўзининг таъсисчилари орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсимланадиган АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ – ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ ҳисобланади. Бундай жамият ўзи чиқарадиган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган доирадаги шахсларга бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли эмас.

Акциядорлик жамияти бир ёки бир неча таъсисчилар томонидан ташкил қилиниши мумкин. Акциядорлик жамиятининг ўзига хос томони шундаки, жамиятнинг даромади акциядорлар томонидан сотиб олинган акцияларнинг турларига ва қийматига қараб ҳар чоракда ёки ҳар йилда тақсим-



лаб борилади. Шунингдек, агар жамият томонидан ўзгача тартиб ўрнатилмаган бўлса, акциядор ўз акцияларини исталган вақтда сотиб юбориши мумкин.

**Жамиятнинг яна бир тури МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ва ҚЎШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТЛАР.**

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ** деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият **ҚЎШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТ** ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган каррали миқдорда, солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади. Яъни бунда жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан иштирокчилар қўшган ҳиссалари, шунингдек жамият мол-мулки етарли бўлмаганда ўз улушларига мувофиқ тарзда қўшимча тарзда жавобгар бўладилар. Демак, масъулияти чекланган жамиятни тузиш муассислар учун фойдали ҳисобланади.

Жамиятларнинг барчаси учун хос хусусият шундаки, унда муассислар ўз улушларини қўшган ҳолда жамият фаолиятида иштирок этмай, фақат ўз улушига мувофиқ даромад олиб бориши, шунингдек жамиятни бошқариш учун четдан одам ёллаши ҳам мумкин.

Хусусий корхонада эса корхона муассиси ягона шахс ҳисобланади ҳамда унинг ўзи бевосита корхонани бошқаради. Шунингдек, хусусий корхона юқорида қайд этиб ўтилган жамиятларнинг устав фондиди шакллантиришда ўз улушлари билан иштирок эта олади. Жамиятлар эса хусусий корхонанинг таъсисчилари бўлиши мумкин эмас. Чунки Қонунда хусусий корхонанинг муассиси фақат жисмоний шахс бўлиши мумкин деган қоида белгилаб қўйилган.

Хўжалик ширкатлари ҳам иккига: ТЎЛИҚ ва КОММАНДИТ ШИРКАТ-га бўлинади.

Иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат ТЎЛИҚ ШИРКАТ ҳисобланади.

Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин. Тўлиқ ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси ширкат номидан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат КОММАНДИТ ШИРКАТ ҳисобланади.

Ширкатларнинг ўзига хос томони шундаки, унинг устав фонди рўйхатдан ўтиш пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баробаридан кам бўлмаслиги лозим, шунингдек ширкатнинг ҳар бир тўлиқ шериги бевосита ширкат фаолиятида иштирок этади. Ширкатнинг ҳар бир тўлиқ аъзоси унинг фаолиятида иштирок этиши, уни бошқаришдаги ишончсизликни ошириши, суистеъмолликларга йўл қўйилиши, бу ўз навбатида ширкатни банкрот ҳолатга келиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Хусусий корхонада эса ягона шахс ҳам муассис, ҳам корхона бошқарувчиси сифатида фақат корхонанинг ривожини учун ҳаракат қилади. Яъни даромад ягона шахс «чўнтагига» тушади.

Демак, юқоридегилардан хулоса қилиб хусусий корхонани тижоратчи ташкилотларнинг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида кўрсатишимиз мумкин. Буни фақат хусусий корхонанинг ўзи учунгина хос бўлган қуйидаги белгилари билан изоҳлаш мумкин:

1. Хусусий корхона ягона жисмоний шахс томонидан ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

2. Хусусий корхона алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулк ва шахсий номулк ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3. Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбурият-

лари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча жавобгар бўлади.

### *Хусусий корхонани тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш*

Хусусий корхона тижорат фаолиятининг уч соҳасида ҳам: ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида тузилиши мумкин. Хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор корхона устав фондини шакллантиради ва уставини тасдиқлайди. Хусусий корхонанинг ўзига хослиги шундаки, корхонани фақат ягона жисмоний шахсгина ташкил этиш имкониятига эга. Бошқа бирон-бир, хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахс бўлсин ўз улуши билан корхона фаолиятида иштирок эта олмайди.

Хусусий корхонани тузишда, амалдаги қонунчиликка кўра, устав фондининг миқдори мулкдор томонидан мустақил белгиланади. Бу ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахсга иқтисодий томондан анча қулайлик туғдиради. Устав фондини шакллантиришга сарф қилиши мумкин бўлган маблағни бошқа ишлар учун харж қилиш имконияти вужудга келади.

Хусусий корхона бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзгача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар очишга ва филиаллар тузишга ҳақли.

Хусусий корхоналар Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан рўйхатдан ўтади. Бунда муассис инспекцияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим бўлади:

1. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза.

2. Таъсис ҳужжатининг нотариал тасдиқланган икки нусхаси. Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати бўлиб, корхона устави ҳисобланади. Уставада қуйидагилар кўрсатилиши керак: корхонанинг фирма номи, унинг жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар, асосий фаолият турларининг рўйхати, мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, устав фондининг миқдори. Хусусий корхонанинг устави қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

3. Почта манзилени тасдиқловчи ҳужжатлар. Бунда хусусий корхонанинг қаерда жойлашганлиги кўрсатилади.

4. Рўйхатдан ўтказиш йиғимини белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлови ҳужжати. Тўланадиган йиғимнинг миқдори Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш йиғимларининг чекланган ставкалари ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

5. Белгиланган тартибда туман, шаҳар статистика органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома.

6. Муҳр, штамп эскизлари уч нусхада.

Хусусий корxonани рўйхатдан ўтказишда объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси) уланиш учун техник шартларни ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни расмийлаштириш ҳам инспекция томонидан амалга оширилади. Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда ишларни мураккаблиги ва сермеҳнатлиги даражасига қараб 7 иш кунидан бир ойгача бўлган муддатда хусусий корхона рўйхатдан ўтказилиб, давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома берилади.

Хусусий корхона ўз фаолиятининг асосий турларини Уставда белгилайди. «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ корхона уставда кўрсатилган фаолият турларидан ташқари бошқа ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиши мумкин. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунга асосан лицензия асосида фаолият юритиши лозим бўлган фаолиятларни лицензия олгандан сўнггина амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

### ***Хусусий корхонада бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари***

«Хусусий корxonалар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ корхона мулкдори корxonани раҳбар сифатида яқка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корxonанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар очади, штатларни тасдиқлайди, корxonанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

*Хусусий корхона мулкдори қўйидаги ҳуқуқларга эга:*

- хусусий корхона уставига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш;
- хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этиш.

Хусусий корхона мулкдори:

- устав фондини шакллантириши;
- ўзига қарашли корхонани якка бошқариши шарт.

Хусусий корхона мулкдори ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади. Хусусий корхона мулкдори вақтинча корхона раҳбари вазифасини бажарувчи шахснинг хусусий корхона мол-мулкни тасарруф этишга оид ҳуқуқини чеклаб қўйиши мумкин.

Вафот этганлиги, ишга лаёқатсизлиги, ишга лаёқати чекланганлиги ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги оқибатида мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш фуқаролик қонун ҳужжатларига ва хусусий корхонанинг уставига мувофиқ амалга оширилади.

Қонунда бундай қониданинг белгиланиши қўйидагиларга имкон беради:

1. Мулкдор ўзи томонидан ишлаб чиқилган стратегик дастурларни бевосита ўзи амалга оширади, яъни узоқни кўзлаб фаолият юритади;
2. Корхонанинг мол-мулки талон-тарож бўлиши олди олинади. Чунки корхонанинг ягона мулкдори ўз мол-мулкига нисбатан албатта яхши муносабатда бўлади;
3. Корхона даромади мулкдор томонидан ўзи истаган мақсадларда ишлатилади;
4. Корхонанинг тақдирини мустақил ҳал қилади, яъни бошқа бирон-бир шахснинг розилиги талаб қилинмайди.

### ***Хусусий корхонанинг афзалликлари***

«Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, янги ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тадбиркорлик субъектининг Ўзбекистон бизнес оламига кириб келишига ҳуқуқий замин яратди.

Хусусий корхона бир қатор ўзига хос афзалликларга эгаки, бундай афзалликлар кўпчилик учун шундай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс тузиш хоҳишини уйғотади. Хусусий корхонанинг афзалликларини қуйидаги мезонлар бўйича ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ташкил этиш билан боғлиқ. Бунда хусусий корхона ягона муассис — жисмоний шахс томонидан ташкил қилинади ва корхонанинг устав фонди миқдори ихтиёрий белгиланади.

2. Бошқарув билан боғлиқ. Корхона фақат ягона шахс- корхона мулкдори томонидан бошқарилади, корхонанинг тақдири у томонидан ҳал қилинади.

3. Солиқ соҳасидаги имтиёзлар. Хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Бу орқали тadbиркордан икки томонлама, ҳам юридик, ҳам жисмоний шахс сифатида солиқ олиншидан сақлайди.

4. Текширувлар соҳасида. Хусусий корхона фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. Хусусий корхона фаолияти текширувларини ўтказишга принципиал ёндашув вақтни бекор сарфланишини камайтириш ҳамда кўпроқ вақтни истеъмол бозорида мавқеини кучайтиришга сарф қилиши учун имконият яратади.

### **III. АГРАР СОҲАДА МУЛҚДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ**

#### ***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ***

#### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари фаолиятини кучайтириш мақсадида:

1. Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратуралари тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил қилинсин ҳамда уларга 48 та қўшимча штат бирлиги, шу жумладан марказий маҳкама учун 3 та штат бирлиги ажратилсин.

2. Ҳудудий прокуратураларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидалар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш;

асосий қишлоқ хўжалик экинлари (пахта ва ғалла) экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб туриш, экин майдонлари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар — фермер ва ширкат хўжаликлари, туман ва вилоятлар томонидан қабул қилинган ҳамда тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлигини танлаб текширишлар ўтказиш;

фермер ва деҳқон хўжаликларига ер ажратиш борасида қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиб бузилишининг олдини олиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда масъул шахслар томонидан хизмат мавқеи суистеъмол қилинишига, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик;

ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғриладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ерлардан мақсадли ва асраб-авайлаб фойдаланишни, уларнинг унумдорлиги сақланиши ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёқилги-мойлаш материалларини ўғирлаб талон-тарож қилиш, гидро-техника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини ишлатишда хўжасизлик фактларини олдини олиш чораларини кўриш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан қонунчиликни кенг кўламда тушунтириш йўли билан шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

3. Мазкур ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, шунингдек вилоят, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар тузилмаси 1—6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Прокуратура тизими (ҳарбий прокуратуралардан ташқари) ходимларнинг чегараланган умумий сони 4641 та штат бирлигидан, шу жумладан бошқарув ходимлари — 3791 штат бирлигидан иборат қилиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (Р.Қодиров) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазири (М.Нурмуродов) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг штатлари рўйхатини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

5. «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 январдаги 33-сон қарорини 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.А. Худойбергенов зиммасига юклатилсин.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти*

*И.Каримов*

*ПФ-3406-сонли*

*Тошкент шаҳри*

*11.03.2004 й.*



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОННИНГ АҲАМИЯТИ**

Мамлакатимиз аграр секторидаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий ҳамда меъёрий ҳужжатларни изчиллик билан амалиётга жорий қилиниши, қишлоқ хўжалигига алоқадор бўлган ҳар қандай ташкилот, идоралар томонидан мавжуд тартибларга сўзсиз риоя қилиниши, албатта, пировардида ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайди. Лекин ҳамма корхона ва ташкилотлар ҳам мавжуд қонунлар талабларига бирдек риоя қиляпти деб бўлмайди. Баъзи бир корхона ва ташкилотлар раҳбар ва мутахассисларининг совуққонлиги, ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳуқуқий билим савиясининг нисбатан пастлиги натижасида амалиётда кўплаб қонун бузилиши ҳоллари учрайди. Ана шундай қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш, барча хўжалик юритиш субъектлари манфаатдорлигини ҳимоя қилишни ташкил қилиш мақсадида юқоридаги Фармон қабул қилинди.

Мазкур Фармонга мувофиқ Республика Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят прокуратуралари таркибида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш учун алоҳида бўлимлар ташкил этилди.

Фармонда фермер хўжаликлари ҳуқуқларини бошқа хўжалик субъектлари олдида ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилган. Шу билан биргаликда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари каби фермер хўжаликлари мажбуриятларини бажариш устидан доимий назорат олиб борилиши ҳам белгиланган.

Фермер хўжалигида ҳам ер, сув, уруғлик, ёқилғи мойлаш материаллари (ЁММ), ўғит ва шу каби моддий техника ресурсларидан мақсадли, самарали ҳамда оқилона фойдаланилиши лозим. Агарда ушбу ресурслардан мақсадсиз фойдаланиб, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳолатлари аниқланса, албатта бунга қарши чора-тадбирлар кўрилиши Фармонда белгилаб қўйилган.

Кейинги йилларда фермер хўжалиklarининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди. Бу ерда бошқа бир муҳим масала ана шу яратилаётган шароитдан тўғри фойдаланишдир. Амалиёт тажрибалари, жойлардаги фермерлар билан учрашувларда

**Моддий-техника ресурслари** (эҳтиёт қисмлар, уруғлик, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқалар) **етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар** бўйича етказиб берувчи ташкилот фермер хўжалигига ўзи ишлаб чиқарадиган ёки харид қиладиган моддий-техника ресурсларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фойдаланиш учун келишилган муддатларда етказиб бериш мажбуриятини олади, фермер хўжалиги эса моддий-техника ресурсларини қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**Хизматлар кўрсатиш** (ишларни бажариш) **юзасидан тузилган шартнома бўйича** хизмат кўрсатувчи ёки иш бажарувчи ташкилот фермер хўжалиги буюртмасига биноан механизациялашган ишларни бажариш, сервис, агрокимё, агротехника хизматлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини олади, фермер хўжалиги эса ушбу ишлар (хизматлар)ни қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Фермер хўжалиги билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган барча турдаги шартномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

### *Шартномаларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари билан тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ташкилотлари ўртасида контрактация шартномалари, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар фермер хўжалигининг бизнес-режаларида назарда тутилган етиштириладиган маҳсулот ҳажми ва унга зарур бўладиган моддий-техника ресурслари ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда, агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календар йил бошланишидан кечикмай тузилади.

Шартномаларда қуйидагилар акс эттирилади:

- шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортимент, миқдори (ҳажми), сифати, нархи (турлари бўйича);
- шартноманинг умумий қиймати (суммаси);
- томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари;

- маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш ва қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари);
- идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар;
- ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклав жўнатиш реквизитлари;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги;
- низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби;
- томонларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда фермер хўжалиги ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг нави ва миқдори ҳам кўрсатилади.

Шартномаларга, шунингдек, аниқ турдаги шартномалар учун ёки уларга нисбатан томонлардан бирининг аризасига кўра ёхуд қонунчиликка мувофиқ келишувга эришилиши керак бўлган шартномалар учун назарда тутилган бошқа муҳим шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Шартномага қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) муддатлари, миқдори ва ассортиментини белгиловчи, иккала томоннинг имзоси билан тасдиқланган ҳамда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланадиган жадвал илова қилинади.

Фермер хўжалигининг бевосита жойлашган жойида тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари агротехника чора-тадбирларини амалга оширишдан бир ой олдин шартнома тузиш учун хўжаликка ўзининг ваколатли вакилини юбориши керак.

Фермер хўжалиги шартнома лойиҳасини тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти вакилидан олган вақтдан бошлаб 7 кун мобайнида уни кўриб чиқиши ва эътирозлар бўлмаган тақдирда лойиҳани имзолаши ва тайёрловчига қайтариши шарт.

Агар фермер хўжалигида шартнома лойиҳаси шартлари бўйича эътирозлар пайдо бўлган тақдирда хўжалик юқорида кўрсатилган муддатларда келишмовчиликлар тўғрисида протокол тузади ва уни тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотига жўнатади, бу тўғрида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимини хабардор қилади.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилоти келишмовчиликлар тўғрисидаги протокол олинган вақтдан бошлаб 7 кун мобайнида уни (зарурат бўлганда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакили билан биргалик-

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Шартномада тайёрлов ташкилотининг қуйидаги ҳуқуқлари акс эттирилади:

- тасдиқланган жадвалга мувофиқ шартномада белгиланган муддатларда муҳсулотларнинг муайян турларини белгиланган миқдорларда ва ассортиментда, тегишли сифат билан ўз вақтида топширишни талаб қилиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аванс суммасида назарда тутилган ҳажмларда топширилмаган тақдирда тузилган шартномага мувофиқ илгари берилган аванс маблағлари қопланишини фермер хўжалигидан талаб қилиш.

Тайёрлов ташкилоти қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

Шартномада тайёрлов ташкилотининг қуйидаги мажбуриятлари акс эттирилади:

- қонун ҳужжатларига мувофиқ фермер хўжалиги билан томонлар келишилган ҳажмларда ўз вақтида шартномалар тузиш;
- фермер хўжалигига шартномада белгиланган даврларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш муддатларига мувофиқ муҳсулотлар қийматининг камида 50 фоизи миқдорида (чорвачилик маҳсулотлари бўйича шартномаларда кўрсатилган ҳажмлар қийматининг 25 фоизи миқдорида) аванс маблағлари тўлаш;
- харид қилинадиган маҳсулотнинг вазни ва сифатини тўғри аниқлаш;
- фермер хўжалиги томонидан етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада назарда тутилган миқдорларда ва муддатларда харид қилиш, уларнинг узлуксиз қабул қилиб олинишини таъминлаш;
- фермер хўжалиги ихтиёрида қоладиган маҳсулотларни шартномада назарда тутилган ҳолларда давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига мувофиқ сақлаш ҳамда уларнинг ҳолати тўғрисида фермер хўжалигига мунтазам равишда хабар қилиб туриш;
- фермер хўжалиги ихтиёрида қолдириладиган маҳсулотлар сифатининг ёмонлашиши оқибатида фермер хўжалигига етказилган зарарни қоплаш;
- агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган жадвалга мувофиқ қабул қилиб олишни ва ташишни таъминлаш;
- харид қилинаётган маҳсулот сифатини амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ аниқлаш, шартномада белгиланган нархларга мувофиқ ва муддатларда маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, ташиш ва қайта ишлашда улар нобуд бўлишининг олдини олиш;
- маҳсулотларни амалдаги стандартларга мувофиқ қайта ишлаш, сотишга тайёрлаш ва уларни сотишга тааллуқли ҳужжатларни расмийлаштириш;
- фермер хўжалигини идишлар, ўраш материаллари ва норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар, маҳсулотларнинг айрим турларини харид қилиш, қабул қилиб олиш, сифатини баҳолашни тартибга солувчи қоидалар) билан шартномаларга мувофиқ таъминлаш;
- шартномаларда назарда тутилган ҳолларда фермер хўжалигини уруғлик ва экиш материаллари билан таъминлаш.

Хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартномаларда хизмат кўрсатиш ташкилотларининг қуйидаги ҳуқуқлари акс эттирилади:

- амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда шартномага мувофиқ етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва якуний ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш;
- тақдим этилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган моддий-техника ресурсларини ва кўрсатиладиган хизматларни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни фермер хўжалигидан талаб қилиш.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

Шартномада хизмат кўрсатиш ташкилотларининг қуйидаги мажбуриятлари акс эттирилади:

- фермер хўжалиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- фермер хўжалигининг буюртмаларига биноан шартномага мувофиқ муддатларда, миқдорда ва сифатда моддий-техника ресурслари етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш);
- етказиб бериладиган моддий-техника ресурсларини, кўрсатиладиган хизматлар сифатининг шартномада белгиланган талабларга шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;
- шартномани бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида фермер хўжалигига етказилган зарарни қоплаш ва бошқа мажбуриятлар.

Бунда тайёрлов ташкилотлари маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги учун мулкӣ жавобгарликдан озод этилмайди.

Тайёрлов ташкилоти томонидан бевосита фермер хўжалигининг ўзида қабул қилинган маҳсулот (картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва резавор мевалар, узум) фермер хўжалиги ҳудудида вақтинча сақланганлиги учун қўшимча ҳақ шартнома шартларига мувофиқ тўланади.

***Фермер хўжалиги билан моддий-техника ресурсларини етказиб берувчи корхоналар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши***

Фермер хўжалиги билан моддий-техника ресурслари етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) тўғрисида қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилган сана шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана деб ҳисобланади, маҳсулот фермер хўжалигининг манзилига юклав жўнатилган тақдирда эса — маҳсулот транспорт ташкилоти вакилига топширилган сана мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана фермер хўжалигининг маҳсулот (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг розилиги билан моддий-техника ресурслари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва фермер хўжалиги томонидан қабул қилинган моддий-техника ресурсларига ҳақ тўланади ва кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобига ўтказилади.

Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номдаги товарлар етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилиши лозим бўлган бошқа турдаги моддий техника ресурсларининг ўрни тўлдирилиши керак, бундай етказиб беришлар фермер хўжалигининг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

Ёрни механизация воситасида шудгорлаш бўйича бажарилган ишлар ва бошқа хизматлар фермер хўжалигининг бевосита масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган ишлар (хизматлар) миқдори, уларнинг сифати, шудгорлари чуқурлиги ва бошқа агротехника кўрсаткичлари кўрсатилади.

Моддий-техника ресурслари етказиб бериш, шартномада назарда тутилган хизматларни (ишларни) кўрсатиш фермер хўжалигининг ёзма буюртманомаси асосида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда хизмат

кўрсатувчи ташкилотлар фермер хўжалигининг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритадилар. Ушбу дафтарларда тақдим этилган буюртманомага мувофиқ маҳсулот етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши (ишлар бажарилиши) тўғрисида ахборот бўлиши керак.

Буюртманома маҳсулот етказиб беришнинг, тегишли хизматлар кўрсатишнинг (ишларни бажаришнинг) тахмин қилинаётган санасидан камида беш кун олдин чопар, почта орқали ёки бошқа тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилот ходими фермер хўжалигида қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

Фермер хўжалиги илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулот етказиб бериш, тегишли хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) санасини ўзгартиришга ҳақлидир, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар бу ҳақда буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида бир кун олдин хабардор қилинади.

### ***Шартномаларнинг бажарилишида мулкӣ жавобгарлик***

Шартнома бўйича томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-339 моддалари талабларига мувофиқ белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини контракция шартномасида белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган фермер хўжалиги тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам фермер хўжалиги томонидан тўланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини контракция шартномасида белгиланган ассортимент, турлар ва муддатларда қабул қилиб олиш рад этилган ҳар бир ҳолат учун тайёрлов ташкилоти томонидан фермер хўжалигига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўланади, тез бузилувчи маҳсулот бўйича эса — унинг тўлиқ қиймати тўланади. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли фермер хўжалиги кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тайёрлов ташкилоти томонидан тўланади.

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА СОЛИҚ

Қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, унумдорлиги турлича бўлган ерлардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини тенглаштириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини молиялаштирувчи махсус жамғармаларни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида Республика Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги «Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 26 декабрда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ягона ер солиғи ундириш тартиблари тўғрисида»ги 539-сонли қарори билан 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари 1999 йилгача кўп турдаги солиқларни тўлаши қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳам, солиқ тўловчилар учун ҳам маълум даражада қийинчилик туғдирар эди. Бу қийинчиликлар қуйидагилардан иборат эди:

- тўланаётган солиқ турларининг кўплиги (фойдадан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи, сувдан ва табиий бойликлардан фойдаланганлиги учун солиқлар ва ҳоказо);
- солиқ миқдорини унинг турлари бўйича аниқлашдаги қийинчиликлар (хўжаликлар ва солиқчилар ишида маълум даражада қийинчиликларни туғдириши);
- баъзи бир солиқ турларининг қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига таъсир кўрсатиш механизмидаги ноаниқликлар;
- солиқ тўлаш учун керакли бўлган ҳужжатларни тайёрлашдаги қийинчиликлар (солиқлар тўланганлиги ҳақидаги ҳисобот учун 30 дан ортиқ турдаги ҳужжатларни тўлдириш керак. Кўпгина ҳолатларда бу ҳужжатларнинг нотўғри тайёрланиши ва ҳоказолар).

Бугун фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи амалда қўлланилиб келинган тўққизта солиқ: даромад солиғи (фойдадан олинадиган солиқ), қўшилган қиймат солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига жорий этилди (1-чизма).

Юқорида келтирилган солиқ турларининг ҳар бири маълум бир вазифани бажариб келган. Ушбу солиқ турларидан ташқари жойларда маҳаллий бюджетни тўлдиришга қаратилган солиқ турлари ҳам мавжуд. Бу турдаги солиқ жойлардаги маҳаллий ҳокимият томонидан жорий қилиниб, унинг миқдори ҳам маҳаллий ҳокимият томонидан белгиланади.





**1-чизма. Солиқ турларининг улуши\***

Шундай қилиб, мамлакатда ягона ер солиғи жорий қилингунга қадар, қишлоқ хўжалиги корхоналари бир неча турдаги солиқларни тўлар эдилар. Ягона ер солиғи жорий этилиши натижасида юқорида санаб ўтилган солиқларнинг 9 таси ягона ер солиғи таркибига киритилди.

Бундан ташқари, икки турдаги солиқлар, жумладан, божхона тўловлари ва лицензия бериш учун олинадиган тўловлар ягона ер солиғи таркибига киритилмади. Чунки бу турдаги тўловлар мамлакатлараро муносабатларда ҳар хил бўлиши ва давлатларнинг келишуви билан олдиндан белгилаб олиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Маълумки, солиқ тўловларининг манбаи учта: бу меҳнатдан (меҳнатга тўланадиган иш ҳақи ва бошқа имтиёзлар) тўланадиган солиқ; капитал (асосий воситалар) ва ресурслардан фойдаланилганлиги учун тўланадиган солиқлар. Ривожланган мамлакатларда солиқ тўлаш базасини меҳнат ва капиталдан, ресурслардан фойдаланганлик учун олинадиган солиқларга ўтказилган. Мамлакатимизда ким табиий ресурслардан кўпроқ фойдаланаётган бўлса, шулар кўпроқ солиқ тўлаши керак. Ривожланаётган давлатларда эса солиқнинг асосий қисми меҳнат ва капитал зиммасига тушади.

Ягона ер солиғига ўтишдан қўйилган асосий мақсадлардан бири, бу солиқнинг асосий қисмини ресурслардан фойдаланиш қисмига ўтказишдан иборат.

Ягона ер солиғи таркибига киритилган солиқлар ва тўловларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳга бевосита ер билан боғлиқ бўлган солиқлар киради ва иккинчи гуруҳга ер билан бевосита алоқадор бўлмаган солиқлар киради.

\* Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. — Тошкент: Тошкент Молия институти нашриёти, 2003. — 248 б.


Ушбу солиқ турлари бўйича тўланадиган умумий солиқ миқдори хўжаликнинг маҳсулот сотишидан тушадиган тушумларининг 11,7 фоизини ташкил қилади. Солиқ миқдорининг бу даражада ўрнатилиши ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига яқин келади.

Эндиликда ягона ер солиғи юқорида санаб ўтилган 9 та солиқларни бирлаштириб, ернинг унумдорлиги — балл-бонитетига қараб белгиландиган бўлди. (Алкогол ичимликларга қўйиладиган солиқ ягона ер солиғига кирмайди.)

Қонун бўйича ягона ер солиғини ердан фойдаланувчилар — уни ижарага олганлар-қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар), фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа шаклдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчилар солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланади, деҳқон хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинган.

Ягона ер солиғининг тўловчилари ичида аксарияти фермер хўжаликлари бўлсада, умумий тушумдаги уларнинг улуши жуда кам.

Кичик қишлоқ хўжалик корхоналарига шунингдек, фермер хўжаликларига солиққа тортиш тизимини танлаш ҳуқуқи берилган. Қишлоқ хўжалик соҳасида кичик корхоналар қаторига таркибида 20 кишигача иш-



**2-чизма. Ягона ер солиғининг таркибий тузилиши\*.**

\* Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. — Тошкент: Тошкент Молия институти нашриёти, 2003. — 248 б.

лайдиган хўжаликлар киради. Фермер хўжалиklarининг кўпчилиги солиқ тўлашнинг икки тизимини танлаб олишлари мумкин:

- *биринчиси*, кичик корхоналар сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги 469-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини асосий кўрсаткичлари истиқболлари ва давлат бюджети тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ кичик корхоналар сифатида ягона солиқ тўлаш;

- *иккинчиси*, ягона ер солиғини тўлаш.

Шунингдек, бошқа соҳадаги кичик корхоналарга ягона солиқ ставкаси тушумдан 12 фоиз белгиланган бўлса, қишлоқ хўжалиги корхоналарига 6 фоиз миқдорида белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари қуйидаги ерларига ягона ер солиғини тўлашдан озод этилган:

а) қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари, қабристонлар;

б) ҳимоя ўрмон дарахтлари эгаллаган ерлар, бунга ёғоч материаллари тайёрлаш учун ўстириладиган теракзорлар кирмайди;

в) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари банд қилган ерлар, она ва болаларни дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санатория-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ қилиш базалари;

г) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар-лойиҳалар назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга;

д) маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари банд қилган ерлар;

е) янги тут дарахтлари ўтказилган ерлар уч йиллик муддатга ва янги боғ ва токзорлар ҳосилга кириш муддатигача.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ягона ер солиғи ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун ҳамда ижарага олинган ер участкалари ҳажмига ва сифатига қараб маълум бир даражада белгиланади ва ер участкасининг жойлашиши, унинг сифати (балл-бонитети), сув билан таъминланганлик ҳолатига қараб мувофиқлаштириш коэффиценти билан ҳисобланади. Ерларнинг балл-бонитетига кўра белгиланган солиқ ставкалари вилоят туманлари бўйича ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова қилинган ҳолда эълон қилиб борилади.

Фермер хўжалиги томонидан ягона ер солиғи йил давомида 3 муддатда тўланади:

- биринчиси 1 июнгача йиллик тўланадиган солиқ суммасининг 20 %,

- иккинчиси 1 сентябргача 30 %,

- учинчиси 1 декабргача қолган 50 %.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ягона ер солиғи қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларига боғлиқ эмас. Демак, қишлоқ хўжалик корхонаси бир ер бирлигидан олаётган даромади қанча бўлса, шу ер бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ миқдори шунча кам бўлади. Бу эса ўз навбатида ерлардан, айниқса, суғориладиган ерлардан унумли фойдаланишни рағбатлантиради. Иккинчидан, ягона ер солиғининг жорий қилиниши қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортиш механизмини соддалаштириш имкониятини беради.

Ягона ер солиғи бўйича юқорида келтирилган омиллардан келиб чиқиб, солиққа тортишнинг бу механизми қуйидаги афзалликларга эга:

- солиқ миқдорини ҳисоблаш ва солиқни йиғиш механизмнинг соддалаштирилганлиги. Солиққа тортиш (солиқ миқдорини ҳисоблаш) конкрет экин майдони бўлганлиги сабабли солиқнинг миқдорини бир текис ушлаб туриш, солиқни тўлароқ йиғиб олиш ва ер участкаси сифатининг яхшиланишига қараб ошириб бориш мумкин;
- ягона ер солиғи миқдори солиқ тўловчиларга тупроқнинг балл-бонитетига қараб ўрнатилиши ва ер участкасининг жойлашиш ҳамда сув билан таъмин қилинганлигига қараб тузатувчи коэффициент билан мувофиқлаштирилиши солиқ миқдорини реал белгилаш имкониятини беради;
- ягона ер солиғидан тушаётган тушумларнинг асосий қисми маҳаллий ҳокимиятлар ихтиёрида қолдирилиши ердан, сувдан самарали фойдаланишни назорат қилиш ва қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришни маблағ билан таъминлашни яхшилаш имкониятини беради;
- солиққа тортишда солиқ миқдорини ернинг сифатига (балл-бонитети) қараб ҳисоблаш ва бу жараёнга табақалаштирилган равишда ёндашилиши муҳим ижтимоий-иқтисодий масала хўжаликларга бир хил иқтисодий шароит яратиб беришни таъминлаш имконияти яратилмоқда. Аввалги солиққа тортиш механизмида бу муаммо ўз ечимини топмаган эди.

Ўтган давр ичида олиб борилган мониторинг натижаларига қараганда ягона ер солиғининг жорий этилиши қишлоқ хўжалик корхоналарида солиқ миқдорини ҳисоблаш механизмини соддалаштириш билан бир қаторда айрим муаммоларни ҳам келиб чиқишига олиб келди, жумладан:

- ягона ер солиғи миқдорини ҳисоблашда асосий кўрсаткич ернинг балл-бонитети бўлиб, солиққа тортиш табақалаштирилган ҳолда ерларнинг балл-бонитетига қараб сакраш ҳар 10 балл оралиғида амалга оширилмоқда. Натижада солиқ миқдори 60 балли ерга 22170,6 сўм, 61 балли ер учун эса 30372,9 сўм ёки 60 балли ерга нисбатан 137,0% ни ташкил қилмоқда, бу солиқ миқдори 70 балли ер учун ҳам ҳисобланмоқда. Бу эса солиқ миқдорини тўғри ҳисоблаш имкониятини бермаётир;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари тупроқ унумдорлигини қанча кўпроқ оширса солиқ миқдори ҳам ошиб боради, бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналарини тупроқ унумдорлигини оширишга интилишини рағбатлантирмайди;

- қишлоқ хўжалик корхоналари ижарага олган ер участкаларига такрий экинлар ҳисобига олаётган даромадни солиққа тортиш механизми ҳам ишлаб чиқилмаган. Кўпгина ҳолларда олинган даромадни, иш ҳақиға тенглаштириб, солиққа тортиш ҳолатлари учрамоқда. Ваҳоланки, ягона ер солиғи тўлангандан сўнг шу ердан йилига икки ёки уч маротаба ҳосил олишидан қатъий назар бошқа солиққа тортилмаслиги лозим.

Дунё амалиётида қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалик корхоналарига белгиланган солиқ миқдори маҳсулот сотишдан олинган даромаднинг 12–15 фоизидан ортмаслиги лозим. Лекин ягона ер солиғи жорий қилинганлигига қарамаздан, қишлоқ хўжалик корхоналарида солиқ тўловлари маҳсулот етиштиришдан олинган даромаднинг 35–40 фоизини ташкил қилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарида ягона ер солиғидан ташқари иш ҳақидан даромад солиғи тўламоқдалар ва бюджетдан ташқари тўловлар 40 фоиз миқдориди ажратилмоқда. Иш ҳақи эса маҳсулот таннархини 30–40 фоизини ташкил қилади, қўл кучи кўпроқ ишлатиладиган соҳаларда эса бу кўрсаткич 50 фоизгача бормоқда. Бу эса ўз навбатида умумий тўланаётган солиқ ва тўловлар миқдорини юқори бўлишига олиб келмоқда.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилда давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 567-сонли қарорига биноан ер участкаларига эга бўлган илмий муассасалар, экспериментал-тажриба хўжаликларига 2004 йил 1 январдан бошлаб ягона ер солиғи жорий қилинган.

Шу билан биргаликда юқорида таъкидлаб ўтилган қарорга мувофиқ 2004 йил 1 январдан бошлаб тажриба тариқасида Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ягона ер солиғи тўлашнинг янги тартиби жорий этилди. Мазкур тартибга кўра бир йилда тўланадиган ягона ер солиғи суммаси ернинг иқтисодий баҳосини 2 фоизи миқдориди белгиланган. Янги тартибга ўтилганда қишлоқ хўжалик корхоналарининг тўлайдиган ягона ер солиқлари миқдори аввалгидан ўртача 3–5 маротаба ортиб кетмоқда ва бу фермер хўжаликлари молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. 2005 йилдан бошлаб бошқа вилоятларда ҳам ана шу тартибда ягона ер солиғини ҳисоблаш кўзда тутилмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда ушбу тартибни қайта кўриб чиқиш ва белгиланган 2 фоизли миқдорни камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА СУГУРТА

Сугурта фермер хўжаликлари фаолиятида муҳим ўрин тутди. Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш жараёнида юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарлардан, шу жумладан, банк муассасаларидан кредит олишда гаровга қўйиладиган мол-мулкни, бўлғуси пахта ва ғалла экинларидан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий зарарини ихтиёрий сугурталаш уларни молиявий жиҳатдан барқарор фаолият юритишининг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги Фармони билан ташкил этилган “Ўзагросугурта” Давлат акциядорлик сугурта компанияси қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шу жумладан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ягона компаниядир.

Ана шу фармонга асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларнинг мол-мулкни, экинлар ҳосили, маҳсулот етиштириш учун аванс тариқасида ажратиладиган маблағлар қайтарилиши учун жавобгарлик, маҳсулот етиштириш учун тижорат банкларидан олинадиган мақсадли кредитларнинг қайтарилиши бўйича жавобгарлик, шунингдек қишлоқ жойлардаги юридик ва жисмоний шахсларга сугурта хизмати кўрсатиш компаниянинг асосий фаолияти сифатида белгилаб берилган.

Кейинги йилларда хўжалик ва фермерлар ҳар хил табиий офатлар тufайли кўрган зарарлари учун сугурта шартномалари асосида сезиларли молиявий ёрдам олмақдалар ва улар сугуртанинг моҳиятини чуқурроқ ҳис этмақдалар. Шу билан бирга аксарият ширкат хўжаликлари ва фермерлар тузилган ихтиёрий сугурта шартномалари бўйича ҳисобланган бадалларни сугурта ташкилоти ҳисобига ўтказиб беришда молиявий етишмовчиликлар мавжудлиги тufайли кўпчилик тузилган шартномалар кучга крмай қолмақда.

Қишлоқ хўжалиги сугурта тизимининг асосий мақсади ва вазифаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаб, уларга табиат инжиқликларига қарши молиявий ҳимояни таклиф этишдан иборат. «Ўзагросугурта» компанияси 40 га яқин сугурта турларини таклиф этади. Қишлоқ хўжалиги сугуртаси бўйича эса компанияда асосан тўрт хил мажбурий ва ўн битта ихтиёрий сугурта турлари мавжуд.

Қуйида келтириб ўтилган сугурта турларидан асосан ихтиёрий сугурта турлари фермерлар фаолиятида кўпроқ зарур бўлади (1-жадвал).

### *Экинлар ҳосили сугуртаси*

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили сугуртаси қишлоқ хўжалигидаги ихтиёрий сугуртанинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

### 1-жадвал. Суғурта турлари

1. Мажбурий тўловлар	Тариф, %
1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича ишларни ўтказиш учун аванс тариқасида бериладиган ва фючерс контрактлари бўйича маблағлар қайтарилишини суғурта қилиш.	1,0
2. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига Давлат эхтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом-ашёси ва ғалла етиштиришнинг маблағ билан таъминлашга бериладиган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича тадбиркорлик хавфини суғурталаш.	1,25
3. Транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш.	0,5-2,0
4. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш.	0,25
2. Ихтиёрий турлар	
1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экинлари ҳосилини ихтиёрий суғурта қилиш	2,5-8,5
2. Қишлоқ хўжалик экинларини қайта экиш натижасида олдиндан кўзда тутилмаган харажатларни ихтиёрий суғурта қилиш	8-10
3. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини табиий офатлар, юқумли касалликлар нағижасида нобуд бўлишини суғурта қилиш	4-8
4. Боғлар ва узумзорлар ҳосилини табиий офатлардан суғурта қилиш	8-12
5. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг табиий пичанзорлари, яйловлари ҳосилини ва тут дарахтлари баргларини суғурта қилиш.	2-3
6. Пилла ҳосилини суғурта қилиш	1-2
7. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг лизингга олинаётган техникаларини суғурта қилиш	0,5
8. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулкни суғурта қилиш	0,5-4,0
9. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан жўнатиладиган юкларни суғурта қилиш	0,4-4,0

Суғурта объекти қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг суғуртаси уларнинг музлаш, гарм-сел, дўл, суғориш манбаларидаги сувсизлик ёки камсувлик сабабли, сув босиш, зараркунандалар, ёнғин натижасида нобуд бўлиш ёки зарарланиши ва кучли шамол ҳамда узоқ давом этган ёнғингарчиликлар натижасида ётиб қолиш каби ҳодисалар юзасидан ўтказилади.

Суғурта шартномаси маҳсулот етиштирувчиларнинг ёзма аризасига асосан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзагросуғурта” ДАСК тасдиқлаган экиш тақвими муддатларидан кечиктирилмаган ҳолда тузилади.

Суғурта мукофотларини ҳисоблаш учун қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг қиймати хўжаликнинг ҳисоб-китоби ва бошланғич ҳисобот ҳужжатлари бўйича мазкур йилда режалаштирилган 1 га экин майдонидан олинадиган ҳосилдорлик (охирги уч йил ичида олинган ўртача ҳосилдорликдан юқори эмас) маҳсулотни сотиш нархи ва экин майдонига асосан ҳисобланади.

Ҳар бир қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг қиймати алоҳида ҳисобланади. Сабзавот, полиз экинлари, экилган ўтлар, резавор мевали дарахтлар, кўчатхоналар, гуллар, манзарали дарахтлар ва баъзи бошқа экинлар ҳосилининг қиймати эса гуруҳлар бўйича аниқланади. Суғурта мукофотлари бўйича тариф (ставка)лари ҳар йили кўрилган зарарга асосланиб, қайта кўриб чиқилади. Суғурта мукофотлари суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурталовчи ҳисоб рақамига тўлиқ тушмаса, у ҳолда суғурта жавобгарлиги тушумга нисбатан олиб борилади. Суғурта мукофотлари белгиланган муддатгача келиб тушмаса, суғурта шартномаси кучга кирмаган деб ҳисобланади ва хўжалик қайтадан суғурта шартномасини тузиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Шартномада кўрсатилган муддатлардан сўнг тушган суғурта мукофотларига суғурталовчи суғурта жавобгарлигини олиб бормайди ва маблағ суғурта қилдирувчига қайтарилади.

Ҳисобланган суғурта мукофотлари суғурта бўлими ҳисобига келиб тушгач, суғурта қилдирувчига суғурта полиси ёзиб берилади. Суғурта полиси суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурта товони тўлаш учун асосий ҳужжатлардан биридир.

Юқорида қайд қилинган ҳодисалар натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини зарарланиши ёки нобуд бўлиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади. Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қилдирувчи бу ҳақда суғурта бўлимига уч кун ичида хабар бериши шарт. Қишлоқ хўжалиги экинлари учун суғурта мукофотлари ҳисоблашда қабул қилинган бир гектар ҳосилнинг қиймати билан ҳисобот йилида бир гектар майдонда етиштирилган ўртача ҳосилдорлик қиймати орасидаги фарқ хўжалик кўрган зарар сифатида ҳисобланади.

Аниқланган суғурта товони хўжалиқдан 29-шаклдаги қишлоқ хўжалиги статистик ҳисоботи олинган 70%, қолган 30% хўжалиқнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангач, тўлаб берилади.

### ***Боғ ва узумзорлар ҳосилини ихтиёрий суғурта қилиш***

Фермер хўжалиқлари ҳосилга кирган уруғли, данакли боғ, ҳосилга кирган узумзорлар ҳосилини музлаш, дўл, гармсел, жала, сел натижасида зарарланиши ёки нобуд бўлишидан ихтиёрий суғурта қилиши мумкин.

Уруғли, данакли мева берувчи ёшдаги боғ ва узумзорлар кейинги уч йил давомида ҳосил бермаган бўлса, 50 ва ундан ортиқ фоизда эскириш вужудга келган бўлса ҳамда қишда кўмилмай қолган узумзорлар (Сурхондарё вилоятидан ташқари) суғуртага қабул қилинмайди.

Боғ ва узумзорлар ҳосилини тўлиқ қийматининг муайян ҳиссасида, аммо 70 фоиздан ошмаган миқдорда суғурта қилинади.



Суғурта мукофотларини ҳисоблаш учун боғ ва узумзорлар ҳосилини қиймати хўжаликнинг ҳисоб-китоб ва бошланғич ҳисобот ҳужжатлари бўйича мазкур йилда режалаштирилган 1 гектар майдондан олинadиган ҳосилдорлик (охирги уч йил ичида олинган ҳақиқий ҳосилдорликдан юқори эмас), келишилган нархлардан келиб чиққан ҳолда ва ҳосил олишга режалаштирилган майдонга асосан ҳисобланади. Суғурта шартномаси тузишда уруғли меваларнинг даврий ҳосил бериши албатта назарда тутилиши шарт.

Агар мазкур йилда режалаштирилган ҳосилдорлик охириги уч йил ичида ҳақиқий ўртача ҳосилдорликдан ортиқ бўлса, суғурта мукофотлари ўртача уч йиллик ҳосилдорлик бўйича ҳисобланади.

Суғурта шартномаси тузилганидан кейин ҳисобланган суғурта мукофотлари ўн банк куни муддатида суғурталанувчи томонидан суғурталовчи ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Суғурта ҳодисалари юз берганда суғурталанувчи томонидан 24 соат давомида суғурта ташкилотига хабарнома берилиши шарт.

Суғурталовчи хабарнома олгандан сўнг, 24 иш соат давомида суғурта объектини ўрганиб ва суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузиши шарт.

Суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бир гектар ҳосил қиймати билан ҳисобот йилида бир гектардан олинган кам ҳосил қиймати орасидаги фарқ суғурта қилдирувчининг боғ ва узумзорлар ҳосилидан кўрган зарари ҳисобланади.

Суғурта товони, боғ ва узумзорлардан ҳосил тўлиқ йиғиштириб олингандан сўнг, суғурта қилдирувчи 29-шаклли қишлоқ хўжалик ҳисоботи бўйича 70%, хўжаликнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангач 30% тўлаб берилади.

### ***Чигитни қайта экиш ихтиёрий суғуртаси***

Ушбу суғурта тури бўйича қайта экилиши керак бўлган ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик экинлари суғурта қилинади.

Қишлоқ хўжалик экинларини қайта экиш суғуртаси совуқ уриши, дўл, жала, сел, суғориш манбаларидаги сувсизлик ёки кам сувлик сабабларидан уларнинг нобуд бўлиши ва зарарланиши суғурта ҳодисаси деб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экинларини қайта экиш суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг жорий йилдаги кўзда тутилган режаси асосида экиладиган қишлоқ хўжалик экинларининг барча майдони учун тузилади. Суғурта шартномалари пленка остига экиладиган чигитлар учун 1 мартдан 25 мартгача, очиқ майдонга экиладиган чигитлар учун 20 мартдан 10 апрелгача тузилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик экинларининг 1 га қайта экиш харажатлари қишлоқ “Агросуғурта” ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Суғурта мукофотлари Бошқарув томонидан ишлаб чиқилган ставка миқдорларига асосан 3 банк куни мобайнида туман суғурта бўлимнинг ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик экинлари табиий офатлардан зарарланган ҳолда бир кеча-кундуз давомида суғурта қилдирувчи ёзма равишда суғурта компаниясига хабар беради.

Қайта экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари нархи 1 га қайта экишга сарф харажатидан келиб чиққан ҳолда барча қайта экилган майдонни суғурта қилган экинлар бўйича суғурта шартномасида келишилган қийматидан ошмаган ҳолда аниқланади.

Зарар миқдори ҳар бир экин тури бўйича алоҳида аниқланади.

### ***Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ихтиёрий суғурталаш***

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари 1 йил муддатга юқумли касалликлардан, табиий офатлар (зилзила, сел, чақмоқ, натижасида ёнғин чиқиши, ток уриши) натижасида нобуд бўлиши ёки мажбурий сўйилиши ҳодисаларидан ихтиёрий суғурталади.

Суғурта объектлари қорамоллар, қўй-эчкилар, уй паррандалари — 6 ойликдан, отлар, туялар, эшаклар ва хачирлар — 1 ёшдан, чўчқалар, қуёнлар ва мўйнали ҳайвонлар — 4 ойликдан суғуртага қабул қилинади.

Суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг ариза берган кунда мавжуд бўлган ҳайвонлар сонидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Суғурта пули миқдори суғурта қилдирувчининг тақдим этган қиймати бўйича белгиланади, лекин у давлат харид нархларининг 80 фоизидан юқори бўлмаслиги керак. Суғурта мукофоти 10 кунда тўланиши лозим.

Ҳайвонларнинг суғуртаси бўйича тариф (ставка) миқдорлари Компания томонидан ишлаб чиқилган.

Суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчи томонидан 16 иш соати давомида суғурталовчига хабарнома бериши шарт. Суғурталовчи хабарномани олгандан сўнг 8 иш соати давомида суғурта ҳодисаси рўй берган суғурта объектини ўрганиб, суғурта ҳодисаси тўғрисида маълумотнома тузади.

Хабарномада баён қилинган суғурта ҳодисасини тасдиқлаш учун мутасадди ташкилотлардан тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиниши шарт.

Суғурта далолатномаси ҳайвонлар ҳалок бўлган ёки мажбурий сўйилган жойда тузилади.

Суғурта қилинган ҳайвонлар нобуд бўлганда суғурта товони шартномада белгиланган суғурта пулидан ошмаган миқдорда тўланади.

Агар мажбуран сўйилган ҳайвоннинг гўшти одамлар истеъмоли учун тўла яроқсиз бўлса, суғурта товони тўлиқ тўланади.

Қуйидаги ҳолларда суғурталовчи суғурта товонини тўлашни рад этиши мумкин:

- ҳайвонлар хўжалик мақсадлари учун сўйилган бўлса;
- суғурта қилдирувчи имконияти бўлган ҳолда суғурта ҳодисаси бўлганлиги тўғрисида хабар қилмаса;
- ҳисобланган суғурта мукофоти табиий офат бўлиб ўтгандан кейин ёки юқумли касалликлар тарқалгандан кейин келиб тушган бўлса;
- суғурта ҳодисаси бўлиб ўтгандан кейин қолган қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сақлаб қолиш учун суғурта қилдирувчи ўз вақтида керакли чора тадбирларни кўрмаса;
- қўшимча зарарланган мол-мулклар учун суғурта товони тўланмайди.

### *Лизинг суғуртаси*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 424-сонли Қарори билан машина трактор паркларига, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)га ва фермер хўжаликларига 7 йил муддатга лизингга бериладиган қишлоқ хўжалик техникаларини (тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси) суғурталаш вазифаси “Ўзагросуғурта” ДАСК зиммасига юклатилган.

Компания томонидан лизингга бериладиган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурталаш қоидалари ишлаб чиқилган ва барча вилоят, туман суғурта бўлимларига етказилган.

Лизинг олувчилар техниканинг 85 % қийматига “Ўзагросуғурта” компанияси билан суғурта шартномасини тузадилар. Суғурта мукофотлари ҳисоблаш учун суғурта тариф(ставка) миқдори техниканинг 85 % қийматидан бир йилга 0,5 %.

Шартнома бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари суғурта компанияси ҳисобига келиб тушгач суғурта полиси расмийлаштирилиб берилди ва суғурта полисида кўрсатилган муддат давомида жавобгарлик олиб борилади.

Лизингга берилган трактор ва ўрим-йиғим техникалари йўл транспорт ҳодисалари, портлаш, табиий офатлар (ёнғин, сув тошқини, сел, чақмоқ уриши, зилзила, довул, бўрон, ер кўчиши), учинчи шахс томонидан атайлаб қилинган ҳаракатлар натижасида, шикастланиши ёки яроқсиз ҳолга келиши суғурта ҳодисалари ҳисобланади.

Суғурта ҳодисалари натижасида лизингга берилган техника шикастланганда суғурта товони лизинг олувчига, техникани қайта тиклаш иложи бўлмаганда эса лизинг берувчига тўлаб берилади.

## *Фермер хўжаликларига суғурта хизматини ташкил қилиш*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги 125-сонли «Ўзагросуғурта» Давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Қарорига асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича агротехник тадбирларни ўтказиш учун аванс тариқасида бериладиган ва фьючерс контрактлари бўйича маблағлар қайтарилишини суғурта қилиш орқали компания республикадаги фермер хўжаликларига биринчидан, транш орқали молиялаштирилишига кафил бўлса, иккинчидан, табиат инжиқликлари ва ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра тайёрлов ташкилотлари олдидаги қарзларини қоплаш борасида бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

2002 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 383-сонли “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Бунга кўра, фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хом-ашёси ва ғалла етиштириш бўйича харажатларни уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизми 2003 йил ҳосили учун синов тариқасида Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларида амалга оширилди.

Тўғридан-тўғри кредитлаш механизми фермер хўжаликларининг маблағлардан самарали фойдаланиш учун иқтисодий жавобгарлик масъулиятини оширади. 2003 йилда фермер хўжаликларининг олган кредит маблағларининг қайтарилиши Компаниянинг жойлардаги суғурта бўлимлари томонидан тўлиқ суғурталанди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли Қарорига асосан 2004 йил ҳосилидан бошлаб Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятларидаги фермер хўжаликларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом-ашёсини етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш жорий қилинган бўлса, 2005 йил ҳосилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги фермер хўжаликлари ҳам ана шу тартибда имтиёзли кредит ола бошлайдилар. Бу ўринда фермерлар шуни билишлари лозимки, берилаётган имтиёзли кредитларнинг қайтмаслик хавфини фермерлар эмас кредит бераётган тижорат банклари суғурталайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН**  
**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА БЎЛҒУСИ ҲОСИЛНИ ГАРОВГА**  
**ОЛГАН ҲОЛДА КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**  
**НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури» ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан 10 кун ўтгач амалга киритилсин.

*Марказий банк Бошқаруви раиси*

*Ф. Муллажонов*

*563-сонли*  
*Тошкент шаҳри*  
*01.03.2004 й.*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан*  
*рўйхатга олинган*

*1337-сонли*  
*Тошкент шаҳри*  
*16.04.2004 й.*

**Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси  
ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**Муқаддима**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит (кейинги ўринларда — кредит) бериш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом асосида кредитлар давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиklarига қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

Давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб бермайдиган фермер хўжалиklarини кредитлаш Марказий банкнинг «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarари, шунингдек кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш Тартиби» (2000 йил 7 март, рўйхат рақами 907-сонли — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 5-сон) асосида амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган фермер хўжалиklarига ғалла етиштириш учун «Ўздонмаҳсулот» тайёрлов корхоналари билан тузилган контрактация шартномаси суммасининг 30 фоизигача миқдориди, ушбу кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олмаган фермер хўжа-

ликларига контракция шартномаси суммасининг 80 фоизгача миқдорида кредит берилиши мумкин.

Жамғарма кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган пахта хом ашёси етиштирадиган фермер хўжаликларига ушбу кредит контракция шартномаси суммасининг 20 фоизгача миқдориди, ушбу кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олмаган фермер хўжаликларига бериладиган кредит миқдори контракция шартномаси суммасининг 70 фоизгача миқдорда берилади.

3. Кредитлар мазкур Низомда белгиланган шартлар асосида кредитни қайтаришга қодир бўлган қарз олувчиларга шартнома асосида 1,5 йилгача (18 ой) бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз миждознинг асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағи жойлашган манзил бўйича берилади.

4. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида белгиланади.

5. Кредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:  
қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар ва ускуналарни харид қилиш;

ёнилғи-мойлаш материалларини харид қилиш;

минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари, ветеринария дори-дармонлари сотиб олишга;

МТП, муқобил МТП, ширкат хўжаликлари, СФУ (Сувдан фойданувчилар уюшмаси), бошқа хўжалик субъектлари хизматларидан фойдаланганлик учун тўловлар;

бевосита ғалла ва пахта хом ашёси ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар учун.

## **II. Кредитларни расмийлаштириш тартиби**

6. Кредит олиш учун фермер хўжалиги унинг асосий депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

кредит олиш учун ариза;

тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контракция шартномалари нусхалари;

пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа;

охирги ҳисобот санасига Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси (1-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), шунинг-

дек, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштириш далолатномалари, молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шакл);

кредитни қайтариш таъминоти.

7. Олинадиган кредитнинг қайтариш таъминоти сифатида қарз олувчи банкка ўзига узоқ муддатга ижарага берилган ердан жорий йилда олинадиган бўлғуси ҳосилни таъминот сифатида тақдим этади.

Бунда банк ва фермер хўжалиги ўртасида бўлажак ҳосилни гарови шартномаси имзоланади. Шартномада гаровга қўйилган ҳосилни «Ўздон-маҳсулот» ва «Пахтасаноат» тайёрлов корхоналарига ва бошқа хўжалик субъектларига сотишдан тушган барча пул маблағлари биринчи навбатда ушбу кредитлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашга йўналтирилиши тўғрисидаги шартлар белгилаб қўйилади.

Шунингдек, гаров шартномасига фермер хўжалиги томонидан бўлғуси ҳосилни кредит берган банк-бенефициар фойдасига ихтиёрий суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полисини илова этиши шарт.

8. Кредит сўраб, мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда, берилган аризининг банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк томонидан кредит бериш ёки рад қилиш ҳақида хулоса бериш муддати 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

9. Кредит шартномаси тузилганидан сўнг кредит бўлими бошлиғи (ҳодими), бериладиган кредитнинг миқдори, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисобварағини очиш тўғрисида бухгалтерияга фармойиш беради.

### **III. Кредитларни бериш, ҳисобини юритиш ва кредитни қайтариш тартиби**

10. Банк ва фермер хўжалиги ўртасида кредит шартномаси имзолашиб, у амалга киритилганидан кейин, банк фермер хўжалиги учун алоҳида ссуда ҳисобварағини очади ва ундан қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида фақат нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш йўли билан берилади.

11. Берилган кредитлар 14301 — «Хусусий корхоналарга, ширкатлар ва корпорацияларга берилган ўрта муддатли ссудалар» баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади.

12. Алоҳида ссуда ҳисобварақлари бўйича берилган кредитлар бўйича муддатли мажбуриятномалар расмийлаштирилади ва улар кредит бўлими ходимининг фармойишига кўра кредит тўла қайтарилгунига қадар 91903 — «Қарз олувчиларнинг ўрта муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» номли, кўзда тутилмаган шароитлар ҳисобварағида ҳисобга олинади.



13. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва у қарз олувчи томонидан унинг лойиҳаси ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилган бўлиши лозим. Банклар томонидан мониторинг амалга оширилиш тартиби, берилган кредитлар бошқа мақсадларда ишлатилган қарздорга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чоралари кредит шартномасида белгилаб қўйилган бўлиши керак.

14. Мониторинг жараёнида фермер хўжалиги томонидан етиштирилаётган экинлар ҳолати ва уларни парваришlash бўйича зарур агротехника ишларининг ўтказилиши ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиш бўйича жойларга бориб ўрганишлар ўтказиб турилади. Экинлар (тўлиқ ёки қисман) мавжуд бўлмаган ёки улар аҳволининг қониқарсизлиги, жумладан, агротехника тадбирларининг муддатида амалга оширилмаслиги, экин майдонини бегона ўтлар босиб кетгани, суғорилмаганлик натижасида экинларни нобуд бўлиш хавфи вужудга келгани ва шунга ўхшаш ҳолатлар сабабли етарли ҳосил тўпланмаслиги хавфи вужудга келса, банк кредитлашни тўхтатади ҳамда берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин ундириб олади. Ушбу ҳолатлар кредит шартномасида келишиб олинган бўлиши лозим.

15. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни ҳисоблаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади, уларни ундириш ойда бир марта, кредит шартномасида келишилган санада амалга оширилади. Олинган кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг қолдиғи ва асосий қарз тўлови қарз олувчининг махсус 23210, 23220-сонли ҳисобварақларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан биринчи навбатда амалга оширилади. Бунда ҳисобланган фоизлар кредит бўйича қарздан олдин ундириб олинади.

Фермер хўжаликлари кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтариш ҳуқуқига эгалар.

16. Қарздорнинг 23210, 23220-сонли махсус ҳисобварағидаги маблағлар олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлмаган тақдирда, фоизлар ва кредит қолдиғини ундириш қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида мавжуд маблағлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган навбат тартибида амалга оширилади.

Бунда ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғи муддати ўтган ссудалар ҳисобварағи орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-картотекага жойлаштирилади

17. Қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғини ундириш учун маблағлар

етарли бўлмаган тақдирда, банк қарздорнинг муддатли мажбуриятномаси асосида унинг барча иккиламчи депозит ҳисобварақлари очилган банкларга ушбу ҳисобварақларда мавжуд пул маблағларини асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказиб беришни сўраб ёзма талаб йўллайди. Қарздорнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи очилган банклар кредитор банкнинг ушбу талабини Фуқаролик кодексининг 784-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, мемориал ордер билан иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи эгасининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт. Бунда қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига келиб тушган маблағлар ҳисобидан фоизлар ва кредит қолдиғи «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан ўчириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномада (1999 йил 30 январь, рўйхат рақами 615-сон) белгиланган календарь навбати тартибида ундирилади. Бунда фоизлар кредитдан олдин қайтарилади.

18. Агар қарздор томонидан етиштирилган ҳосилни сотишдан тушган маблағлар ва унинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги маблағлари банк кредитини ва ҳисобланган фоизлар бўйича тўловларни амалга оширишга етарли бўлмаган тақдирда, банк бўлғуси ҳосилни суғуртаси тўловидан олинган маблағларни кредитни ва ҳисобланган фоизлар тўловини амалга оширишга йўналтиради.

Ҳосилни сотишдан ҳамда суғурта тўловларидан тушган маблағлар ҳисобланган фоизлар ва кредитни қайтаришга етмаган тақдирда банк томонидан кредит ва ҳисобланган фоиз қолдиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабридаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган «Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувчи қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиби»да белгиланган тартибда ундириб олинади.

19. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилди.

**«ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН  
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА БЎЛҒУСИ ҲОСИЛНИ  
ГАРОВГА ОЛГАН ҲОЛДА КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИ ҚАРОРИНИНГ ФЕРМЕРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Ушбу Низом фермер хўжалиklarини кредитлашни бозор томоийллари асосида йўлга қўйиш, уларнинг ишлаб чиқариш учун айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ишлаб чиқилган. Мазкур хужжатнинг амалиётга жорий қилиниши билан фермер хўжалиklarида танлаш имконияти вужудга келади. Эндиликда фермер давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштиришда хоҳласа Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олиши, хоҳласа давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган ҳосилни гаровга қўйиб тижорат банкидан кредит олиши ёки ҳар иккала манбаадан бир вақтнинг ўзида кредит олиш имкониятига эга бўлди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур Низомга асосан кредитлар фақат давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирувчи фермер хўжалиklarига 1,5 йилгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар ва асбоб ускуналар, ЁММ, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (МТП, муқобил МТП, СФУ ва бошқалар) хизматлари учун тўловларни амалга ошириш, пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар учун берилади.

Фермер ўз ҳосилини гаровга қўйиб кредит олиш учун ўз банкига қуйидаги хужжатларни тақдим этиши лозим:

- кредит олиш учун ариза;
- тузилган контракция шартномаларининг нусхалари;
- бизнес-режа;
- туман давлат солиқ хизмати томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), дебитор ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2-а шакл); муддати 90 кундан ўтиб кетган қарздорларнинг солиштирма далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл); кредитни қайтариш таъминоти (гаров).

Албатта бу ерда олинадиган ҳосил таъминот сифатида қабул қилинади. Бунда банк ва фермер хўжалиги ўртасида бўлажак ҳосилни гаровга

қўйиш шартномаси имзоланади ва мазкур шартномага мувофиқ гаровга қўйилган ҳосилни сотишдан тушган барча пул маблағлари биринчи навбатда берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қоплашга йўналтирилади. Шу билан биргаликда гаровга қўйиладиган ҳосил кредит берувчи банк фойдасига суғурталанган бўлиши шарт. Чунки, табиий офат ёки бошқа сабаблар билан режалаштирилган ҳосил олинмаган тақдирда олинган кредитларнинг қайтарилмаган қисми суғурта компанияси томонидан қоплаб берилади. Бериладиган кредит учун йиллик фоизлар банк билан фермер ўртасида тузиладиган кредит шартномасида кўрсатилади.

Фермер кредит олиш учун барча зарурий ҳужжатларни талаб даражасида расмийлаштириб, банкка топширганидан сўнг 10 кун муддат ичида банк фермерга кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида ўз хулосасини беради.

Банк билан фермер хўжалиги кредит шартномаси имзолангандан сўнг банк фермер хўжалиги учун алоҳида ҳисоб варағи очади ва ундан фермер хўжалигининг тўлов топшириқномалари асосида фақат нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш орқали кредит берилади.

Банк томонидан берилган кредитдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида фермер хўжалигининг олинган кредитдан фойдаланиши бўйича мониторинг (кузатув) олиб борилади. Мониторинг давомида кредитдан самарасиз фойдаланиш ҳолати, хусусан экинларни тўлиқ экилмаслиги, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажармаслик ҳолатлари ва бунинг натижасида кредитни вақтида қайтармаслик хавфи борлиги аниқланса, кредитлаш дарҳол тўхтатилади ҳамда берилган кредитни фоизлари билан ундириб олиш чора тадбирлари кўрилади.

Қарз олган фермер хўжалигида етиштирилган ҳосилни сотишдан ҳамда суғурта тўловларидан тушган малағлар олинган кредит ва унинг фоизларини тўлашга етмаслиги кредит ва унга ҳисобланган фоиз қолдиғи белгиланган тартибда фермер хўжалигининг ликвидли мол мулкига қаратиш йўли билан ундириб олинади.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартибини жорий қилиниши фермер хўжаликларини кредитлаш шароитини яхшилаш учун қўйилган дастлабки қадамлардан биридир. Албатта бу тартиб келгусида такомиллаштириб борилиши ва давлат буюртмасига кирмаган маҳсулотларни етиштириш учун ҳам фермерларга мана шу тартибда кредит ажратишни жорий этилиши фермерликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ФЕРМЕР**  
**ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЕР УЧАСТКАСИНИ ИЖАРАГА ОЛИШ**  
**ҲУҚУҚИНИ ГАРОВГА ОЛГАН ҲОЛДА КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ**  
**ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида низо» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан 10 кун ўтгандан сўнг кучга киритилсин.

*Марказий банк Бошқаруви раиси*

*Ф. Муллажонов*

*564-сонли*

*Тошкент шаҳри*

*01.03.2004 й.*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан*  
*рўйхатга олинган*

*1345-сонли*

*Тошкент шаҳри*

*30.04.2004 й.*

**Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarининг ер  
участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда  
кредитлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**Муқаддима**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Ер кодекслариغا, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Гаров тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида” ПФ-3342-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 476-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш учун қулай шароитларни барпо этишга йўналтирилган.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартибини изга солади. Кредит беришни тижорат банклари ажратилган кредитларни қайтариш, тўлаш, таъминлаш, муддатга амал қилиш ва мақсадли фойдаланиш шартларида амалга оширади.

2. Тижорат банклари қарз олувчиларга кредит беришни шартнома асосида, гаровга ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга тақдим этган ҳолда, амалга оширади.

Бунда ер участкасини ижарага бериш муддати кредит шартномасида белгиланган, таъминланиши учун у гаровга қўйилаётган кредитни қайтариш муддатидан камида беш йилга кўп бўлиши керак.

3. Кредит бериш муддатлари кредитланаётган тадбирнинг қопланиш муддатларига боғлиқ бўлади, хусусан:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга доир айланма маблағларни тўлдиришга кредит одатда 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади;

фермер хўжаликларига инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун кредитлар муддатни кечиктириш ҳуқуқсиз 5 йилгача бўлган муддатга берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғланмаган фермер хўжаликларининг айланма маблағларини тўлдиришга доир бошқа кредитлар бўйича, уларнинг кредитлардан фойдаланиши энг кўп муддати, узайтиришни ҳисобга олганда, 12 ойдан ортиқ қилмасдан белгиланади.

4. Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича банклар кредитлашнинг имтиёзли даврини белгилаши мумкин.

5. Кредитдан фойдаланиш учун фоиз ставкасининг миқдори қарз олувчи билан банкнинг ўзаро келишуви бўйича кредит шартномаси асосида белгиланади.

6. Кредит бериш қарз олувчининг талаб қилиб олингунигача асосий депозит ҳисобварағи жойлашган жой бўйича амалга оширилади.

7. Зарар кўриб ишлаётган, ноликвид балансга эга бўлган қарз олувчиларга кредит берилмайди, илгари берилган ссудалар эса белгиланган тартибда муддатидан олдин ундиришга тақдим этилади. Ушбу қоида кредит шартномасида албатта таъкидланиши керак.

## **II. Кредитларни расмийлаштириш тартиби**

8. Кредит олиш учун қарз олувчилар банкка қуйидаги ҳужжатларни (кредит пакетини) тақдим этадилар:

- кредит буюртманомаси;
- қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумларининг (пул оқимининг) прогнози албатта кўрсатилган бизнес-режа;
- давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи томонидан тасдиқланган, охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия балансининг нусхаси (1-сон шакл) ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2а-сон шакл), шунингдек 90 кундан ортиқ бўлган қарзга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл);
- фермер хўжалиги томонидан ер участкаси узоқ муддатли ижарага олиш шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- ижарага берувчи (туман ҳокими)нинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга бериш учун розилиги;
- ер участкасининг чизмаси.

9. Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Гаров тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, шунингдек мазкур Низомга мувофиқ тузиладиган, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш кредит қайтарилишининг таъминоти бўлиб ҳисобланади.

10. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг қийматини баҳолаш Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 13 мартдаги 6/17-сонли қарори (рўйхат рақами 1336, 2004 йил 8 апрель, ЎзР ҚТ, 14-сон, 176-модда) билан тасдиқланган Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади ҳамда гаров берувчи ва гаров олувчининг келишуви билан расмийлаштирилади.

Бериладиган кредитнинг суммаси ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматининг 80 фоизидан ошиши мумкин эмас.

Сўралаётган кредит суммасининг қайтарилишини таъминлаш сифатида ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг қиймати етарли бўлмаган тақдирда қарз олувчи ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишга қўшимча тарзда таъминотнинг бошқа шаклларини тақдим этишга ҳақлидир. Кредит қайтарилишининг қўшимча таъминоти сифатида мол-мулк ва қимматли қоғозларнинг гарови, олинган кредитнинг қайтарилмаслик хатарини суғурталаш, учинчи шахсларнинг кафилиги, шунингдек таъминотнинг бошқа турлари тақдим этилиши мумкин.

11. Фермер хўжалиги буюртманомасининг банк томонидан кўриб чиқилиш муддати, мазкур Низомнинг 8-бандида келтирилган барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кредит олиш учун ариза топширилганидан кейин 10 иш кунидан ошмаслиги керак. Банкнинг кредит қўмитаси кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда банк фермер хўжалигига асосланган ёзма жавоб бериши шарт.

12. Банкнинг кредит қўмитаси томонидан кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганидан кейин, банк кредит қўмитаси қарор қабул қилганидан кейинги кундан кечиктирмай қарз олувчи билан кредит шартномасини тузади.

Кредит шартномаси тузилганидан кейин банк бўлимининг раҳбари ёки кредит бўлимининг бошлиғи (ходими), ўз ваколатлари доирасида, бухгалтерияга муддат ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда ссуда ҳисобварағини очиш тўғрисида фармойиш беради.

13. Кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда қарз олувчига кредит карточкаси очилиб, кредит устидан назорат унга асосан амалга оширилади.

14. Қурилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишга тақдим этилган кредитлар ҳисобига молиялаш Ер кодексига, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Экология тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ барча зарур лойиҳа-смета ҳамда ўзга ҳужжатлар банкка тақдим этилганидан кейин очилади.



### **III. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишни расмийлаштириш тартиби**

15. Фермер хўжалигининг раҳбари кредит олиш учун туман ҳокимига фермер хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишга розилик бериш илтимос қилинган ариза юборади.

16. Туман ҳокими фермер хўжалиги раҳбарининг аризасини белгиланган тартибда кўриб чиқиб, уч кун ичида ёзма шаклда фермер хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишга ўз розилигини беради ёки рози эмаслиги тўғрисида асосланган рад жавоби беради.

17. Агар гаровга ер участкасининг бир қисмини ижарага олиш ҳуқуқи берилса, бу ҳолда фермер хўжалигининг раҳбари туман ер ресурслари хизматига гаровга таклиф қилинаётган ер участкасининг режасини тузиш учун мурожаат қилади.

18. Туман ер ресурслари хизмати ўн кун ичида бутун ер участкасини суратга олиб, гаровга бериладиган қисмини ажратади. Ишлар буюртмачининг маблағлари ҳисобига бажарилади.

19. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномада Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 13 мартдаги 6/17-сонли қарори (рўйхат рақами 1336, 2004 йил 8 апрель, ЎзР ҚТ, 2004 йил, 14-сон, 176-модда) билан тасдиқланган ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ белгиланган, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг қиймати кўрсатилиши керак.

20. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш шартномасига, унинг ажралмас қисми сифатида, туман ер ресурслари хизматининг раҳбари тасдиқлаган, унинг гаровга қўйилаётган қисми киритилган ер участкасининг чизмаси ва ушбу ҳуқуқни гаровга қўйишга туман ҳокимининг ёзма аризаси илова қилинади.

21. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Кредит шартномаси нотариал тасдиқланган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш шартномаси ҳам албатта нотариал тасдиқланиши керак.

22. Гаров берувчининг аризасига асосан туман ер ресурслари хизмати ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишни давлат рўйхатидан ўтказишни ариза берилган кундан бошлаб уч кундан ошмайдиган муддатда амалга оширади ва рўйхатдан ўтказиш ёзувини қайд этиш санаси ва унинг рақамини кўрсатган ҳолда гувоҳнома беради.

фоизлар, жарималарни муддатидан олдин сўндириш чораларини кўради. Бу чора-тадбирларнинг ҳаммаси кредит шартномасида таъкидланиши керак.

32. Берилган кредитлардан мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган тақдирда банк кредитнинг мақсадга мувофиқ фойдаланилмаган қисмини қарзга олувчининг талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварағидан муддатидан олдин ундириш ҳуқуқига эгадир.

## **V. Гаров тутувчининг талабларини қаноатлантириш тартиби**

33. Ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйган қарз олувчилар кредит шартномасида белгиланган муддатда гаров тутувчининг талабини қаноатлантириши керак.

34. Қарз олувчининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаганида банк муддатли мажбурият асосида бошқа банкларга қарз олувчининг иккиламчи депозит ҳисобварақларида бўлган маблағларни талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига ўтказиш тўғрисида талабнома юборади. Қарз олувчининг талаб қилиб олингунгача иккиламчи депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар, Фуқаролик кодексининг 784-моддасида белгиланган ҳисобдан чиқаришлар навбатидан келиб чиқиб, бу талабларни бажариши ва кўрсатилган маблағларни қарз олувчининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига мемориал ордерлар билан ўтказиши шарт.

Иккиламчи депозит ҳисобварақларида бўлган маблағларни қарз олувчининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига кирим қилгандан кейин, ушбу маблағларни ҳисобдан чиқариш Хўжалик юритувчи субъектларининг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 615, 1999 йил 30 январь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

35. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйган фермер хўжалиги тугатилганда гаров тутувчи ер участкасини ижарага олишнинг гаровга қўйилган ҳуқуқини ундиришга муддатидан олдин қаратиш ҳуқуқини олади.

36. Банк суд қарорига кўра ўз талабларини ер участкасини ижарага олишнинг гаровга қўйилган ҳуқуқи ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 280-моддаси билан белгиланган тартибда қаноатлантира олади.

37. Ундириш қаратилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олишнинг қарз олувчи томонидан гаровга қўйилган ҳуқуқларининг амалга оширилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий савдоларни ташкил этиш йўли билан бажарилади.

38. Оммавий савдоларда ўз зиммасига ер участкасига доир бевосита белгиланган ҳуқуқлар олинганидан кейин ундан фойдаланиш мажбуриятини қабул қиладиган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин.

39. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини оммавий савдоларда оладиган юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқларининг ижара муддати тугашига қадар тўхтатилишига фавқулодда ҳолларда, фақат унга етказилган зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла қопланганидан кейин йўл қўйилади.

40. Ер участкасини ижарага олишнинг гаровга қўйилган ҳуқуқини сотишдан олинган маблағлар етарли бўлмаган тақдирда кредитни сўндириш учун банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган “Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиби”га мувофиқ банк ундиришни қарз олувчининг ликвидли мол-мулкига қаратишга ҳақлидир.

41. Мазкур Низом Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюشمаси билан келишилган.

## IV. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ МОЛИЯВИЙ ИМКОНИАТЛАР

**Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 декабрдаги «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3367-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 декабрдаги 563-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом **собиқ «Бизнес-фонд»га тегишли бўлган маблағларнинг** акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанка ўтказиб берилган қисми ҳисобидан Тадбиркорбанк томонидан тижорат банклари ва лизинг компанияларида кредит линиялари очиш ҳамда ушбу кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналарга дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

**микрофирма** — банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишидан; хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида 10 кишидан; улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида 5 кишидан ошмайдиган корхона;

**кичик корхона** — банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони энгил ва озиқ-овқат саноатида, металлга қайта ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида 100 кишидан; машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш,

қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида 50 кишидан; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғуртадан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида йигирма беш кишидан ошмайдиган корхона;

**деҳқон хўжалиги** — оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалиги;

**фермер хўжалиги** — ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик товар маҳсулотлари ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир;

**дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар** — микрофирмалар ва юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда бўладиган кредит шаклларида бири;

**кредит линияси** — Тадбиркорбанк томонидан фақат мақсадли ишла-тиш асосида, унинг суммасини банкларнинг ва лизинг компанияларининг балансида акс эттирган ҳолда кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун тижорат банкларига ва лизинг компанияларига ажратиладиган маблағлар.

3. Тижорат банклари томонидан собиқ «Бизнес-Фонд»га тегишли кредит линиялари маблағларини Тадбиркорбанкка қайтарилиши натижасида шаклланадиган имтиёзли кредит ресурслари микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликларининг (кейинги ўринларда — кичик бизнес субъектлари) дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантиришга кредитлар бериш учун тижорат банкларида ҳамда лизинг компанияларига кичик бизнес субъектларига лизинг хизматлари кўрсатиш учун кредит линияларини (кейинги ўринларда — Тадбиркорбанк кредит линиялари) очишга йўналтирилади.

4. Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган кичик бизнес субъектлари кредитланади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар устав капитали шакллангандан кейин ташкил этилиш муносабати билан уларга ушбу кредитлар берилмайди.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар янги барпо этилаётган, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатига олингандан кейин олти ойдан кечиктирмаган даврда кредит олиш учун тегишли ариза топширган кичик бизнес субъектларига 3 йилгача муддатга, кредитларни қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

14. Тадбиркорбанк томонидан тижорат банкларига кредит линияси очиш учун тақдим этилган маблағларнинг ҳисоби Тадбиркорбанкда 13301 — «Бошқа банкларга берилган ўрта муддатли ссудалар» ҳисобварағида, лизинг компанияларига кредит линияси очиш учун тақдим этилган маблағларининг ҳисоби эса кредит линияси муддатига мос равишда очиладиган 14401 — «Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилладиган ўрта муддатли ссудалар» ҳисобварақларида юритилади.

Тижорат банклари эса Тадбиркорбанк кредит линияларидаги маблағларни, кичик бизнес субъектларини кредитлаш муддатларига боғлиқ ҳолда 21806 — «Бошқа банклардан олинган ўрта муддатли ссудалар» баланс ҳисобварағида юритилади.

15. Тадбиркорбанк томонидан лизинг компанияларига кичик бизнес субъектларига лизинг хизмати кўрсатиш мақсадида очилган кредит линияларидаги маблағлар ҳисоби лизинг компанияларининг балансида қонунчиликда белгиланган тартибда юритилади.

16. Тадбиркорбанк кредит линияларидаги маблағларга тижорат банклари ва лизинг компаниялари томонидан маржаси чегириб ташланган ҳолда ҳисобланган фоизлар тўлови кичик бизнес субъектларидан берилган кредитлар ва кўрсатилган лизинг хизматлари учун фоизларни ҳақиқатда ундириб олинганлигидан қатъи назар, кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

17. Тижорат банклари томонидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитларни бериш учун очилган кредит линиялари бўйича ҳисобланган фоизлар тўловини ушбу кредитлар кичик бизнес субъектларига берилган кундан 12 ой ўтганидан кейин амалга оширадилар.

Лизинг хизмати кўрсатиш учун очилган кредит линиялари маблағлари учун фоизлар тўлови кичик бизнес субъектларига лизинг хизмати кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади ва унинг тўлови ҳар ойда амалга оширилади.

18. Тижорат банклари ва лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линияси маблағларининг кредит шартномасида белгиланган муддатларда ишлатилмаган қисмига кредит шартномаси шартларига мувофиқ Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдорида фоиз тўлайдилар.

19. Тадбиркорбанк билан тижорат банки ёки лизинг компаниялари ўртасида кейинги кредит линиялари очилганда янги кредит линияларининг суммалари кўрсатилган ҳолда қўшимча кредит шартномаси расмийлаштирилади.

20. Кредит линиясининг амал қилиш муддати туганидан кейин бош тижорат банки ёки лизинг компанияси Тадбиркорбанкка кредит линияси

маблағларини, тўланмаган фоизлар қолдигини қўшиб ҳисоблаган ҳолда, қарздор томонидан олинган кредитларни ёки лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларини ҳақиқатда қайтарилишидан қатъий назар, кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтариб бериши шарт.

21. Тадбиркорбанк тижорат банки ёки лизинг компаниясида очилган кредит линияси маблағларини мақсадли ишлатилишини кредит йиғма-жилдини ёки лизинг бўйича йиғмажилдни ўрганиш йўли билан, шунингдек, тижорат банкининг ёки лизинг компаниясининг вакили билан жойига чиқиб, кичик бизнес субъектларига Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобига берилган кредитлардан ёки лизинг объектдан мақсадли фойдаланиши юзасидан мониторингни амалга оширишга ҳақлидир.

Ушбу кредитлардан мақсадга номувофиқ фойдаланиш ҳоллари аниқланганда Тадбиркорбанк тижорат банкидан ёки лизинг компаниясидан кредит линиясининг тегишли қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади. Тадбиркорбанкнинг шу ҳақдаги тўлов талабномасини тижорат банклари ва лизинг компаниялари ўртасида кредит линияси очиш борасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланган тартибда ижро этишлари шарт.

22. Тижорат банклари ва лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линияларини ўзлаштиришнинг аҳволи тўғрисида ҳар чоракда Тадбиркорбанкка ушбу кредитларни олган ёки лизинг хизмати кўрсатилган кичик бизнес субъектлари рўйхатини илова қилган ҳолда ахборот тақдим этадилар. Ушбу ахборотлар маълумотлари бўйича ҳар чоракда тижорат банки ёки лизинг компанияси билан Тадбиркорбанк ўртасида маблағларни ишлатишни солиштириш далолатномалари тузилади.

### **III. Тижорат банклари томонидан Тадбиркорбанк кредит линиялари бўйича кредитлар бериш тартиби**

23. Кичик бизнес субъектлари Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан дастлабки (бошланғич) сармойани шакллантиришга кредит олиш учун уларнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи тижорат банкига мурожаат қилишлари лозим.

24. Тадбиркорбанк кредит линияси ҳисобидан кредит олиш учун кичик бизнес субъектлари тижорат банкларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- кредит бериш тўғрисида ариза;
- бизнес-режа;
- кредитнинг қайтарилиш таъминоти.

25. Олинган кредитнинг қайтарилмаслик хавфини олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминот турларини банкка тақдим этиши мумкин:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- учинчи шахснинг кафилиги;
- суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.

26. Лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобига лизинг операцияларини амалга оширишни қонунчиликда ва қонун ости ҳужжатларида ўрнатилган тартиб асосида амалга оширадилар.

27. Тижорат банкларининг филиаллари уларга бош банк томонидан берилган ваколат доирасида кредитлар бериш тўғрисидаги аризага мазкур Низомнинг 24 ва 25-бандларида кўзда тутилган ҳужжатлар илова қилингандан кейин 10 иш кунидан кечиктирмай уларни кўриб чиқишлари ва кредитни бериш ёки берилмаслиги тўғрисида якуний қарор қабул қилишлари лозим.

Кредит берилиши тўғрисида якуний қарор қабул қилингандан кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда банк ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

Кредит берилиши рад этилган тақдирда, банк томонидан кредитнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма жавоб берилади.

28. Тижорат банки (филиали) кредит қўмитасининг қарори якуний ҳисобланади ва Тадбиркорбанкнинг кредит линияси ҳисобига кредитлар бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

29. Агар тижорат банки филиалининг кредит қўмитаси томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаси маъқулланганидан кейин Тадбиркорбанк кредит линиясида маблағлар мавжуд бўлмаса, тижорат банки бўлими шу куннинг ўзида вилоят (бош) банкига мазкур кредит линияси бўйича қўшимча ресурслар ажратиш тўғрисида ариза йўллайди.

Банк филиалининг аризасига асосан вилоят (бош) банки ариза олинган кундан кейинги кундан кечиктирмай Тадбиркорбанк кредит линияси ҳисобидан сўралаётган суммани ажратади.

Агар Тадбиркорбанкнинг бош тижорат банкида очилган кредит линиясида маблағлар мавжуд бўлмаса, бош банк ўша куннинг ўзида бу ҳақда банк филиалига маълум қилади ва айна вақтда Тадбиркорбанкка тегишли маблағлар ажратилиши ҳақида буюртма йўллайди.

30. Тижорат банки (филиали) Тадбиркорбанкнинг кредит линиясида маблағлар вақтинча йўқлиги тўғрисида хабар олинганидан кейин бу ҳақда қарз олувчига ушбу хабар олинганидан кейинги кундан кечиктирмай маълум қилади. Айна вақтда банк (филиал) кредит қўмитаси томонидан инвестиция лойиҳалари маъқулланган қарз олувчиларининг календарь навбат тартибидаги рўйхати тузилади.

Кредит олишга навбатда турганлар рўйхатининг банк (филиали) раҳбари имзолаган ва юмалоқ муҳри қўйилган нусхаси банк (филиали) то-



монидан Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси ҳамда тижорат банкнинг вилоят бошқармасига назорат учун тақдим этилади ва бир нухаси операциялар залига кўринарли жойга илиб қўйилади.

Тадбиркорбанкдан маблағ келиб тушганидан кейин ушбу кредит линияси ҳисобига кредит берилиши қатъий равишда навбат рўйхатига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

31. Қарз олувчилар инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослантирилганлиги, банкка тақдим қилинган бизнес-режа, бошқа ахборот ва ҳисоботлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, лойиҳаларнинг бизнес-режа асосида амалга оширилиши бўйича қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

#### **IV. Кредитларни бериш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш мониторинги тартиби**

32. Кредитлар алоҳида ссуда ҳисобварағини очиш орқали товар-моддий бойликлар учун қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида тўловни амалга ошириш йўли билан берилади.

Кредит умумий суммасининг 50 фоизини нақд пул билан фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжалиқларига 1,5 йил (18 ой) муддатгача фақат аҳолидан чорва, парранда, кўчат ва уруғлик сотиб олиш учун беришга йўл қўйилади.

Кичик бизнеснинг бошқа субъектларига кредитлар фақат нақд пулсиз шаклда берилади.

Нақд пул билан берилган кредитларни қайтариш ва улар бўйича фоизлар тўлаш мажбурий тартибда нақд пул билан амалга оширилади.

33. Кредит бўлими бошлиғи (ходими)нинг фармойишига кўра алоҳида ссуда ҳисобварақлари бўйича берилган ссудалар муддатли мажбуриятнома билан расмийлаштирилади, у кредитлаш муддатларига боғлиқ ҳолда 91903 — «қарз олувчиларнинг ўрта муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» ва 91905 — «қарз олувчиларнинг узоқ муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида тўлиқ қайтарилгунгача ҳисобга олинади.

34. Қайтариш муддати келганда ва қарз олувчида пул маблағлари бўлмаганда кредит муддати кечиктирилган ссудалар ҳисобварағи орқали ундиришга тақдим этилади, унга доир муддатли мажбуриятлар 2-сон картотекага жойлаштирилади ва календарь навбати тартибида ижро этилади.

35. Тижорат банклари кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторингни амалга оширадилар. Мониторинг қарз олувчи лойиҳасини ва кредит шартномаси шартларини амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга йўналтирилиши керак.

36. Мониторинг жараёнида мижознинг хўжалик-молиявий фаолияти, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда ҳажмлари, ўз айланма маблағлари мавжуд бўлиши динамикаси, товар-моддий бойликлар заҳиралари аҳволи, айланма маблағларнинг муомалада бўлиши таҳлил қилинади. Банк қарз олувчининг кредитга қодирлик бўйича доимий мониторингини амалга оширади ва уни қарз олувчининг махсус маълумотлар йиғмажилдида тизимга солади.

Банкка тақдим этилган гаров ҳолати ҳамда кредитдан самарали ва мақсадли фойдаланилиши жойида ўрганилади.

37. Кредитдан фойдаланиш муддати тугагач, қарз олувчи олинган кредитни банкка ўз муддатида ва шартномада назарда тутилган тартибда қайтариши шарт.

38. Қарз олувчи берилган кредитдан мақсадга кўра фойдаланмаганлиги аниқланган тақдирда банк қарз олувчига бундан кейин кредит беришдан бош тортишга, қарз олувчидан кредит суммасини кредит шартномасида белгиланган тартибда муддатидан олдин қайтаришни ва ҳисобланган фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

39. Қарз олувчи томонидан кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаган тақдирда, банк гаров предметини мустақил равишда, судга мурожаат этмасдан, Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган «Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш Тартиби»да белгиланган тартибга мувофиқ ундиришга ҳақлидир.

40. Қарздор кредит шартномаси шартларига биноан кредитни қайтаришдан ва унга ҳисобланган фоизларни тўлашдан ёки шартнома шартларига мувофиқ гаров предметини банк тасарруфига топширишдан бош тортган тақдирда, банк хўжалик судига тегишли даъво билан мурожаат этиши лозим.

***Марказий банк, Молия вазирлиги ва Давлат Мулк Қўмитаси томонидан тасдиқланган***

*247-В 45 01/06-03-сонли*

*Тошкент шаҳри*

*13.03.2004 й.*

## РЕСПУБЛИКАМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ

**Республикамиз Банкларида очилган хорижий кредит линиялари  
ва уларнинг шартлари тўғрисида маълумотлар**

### 1-жадвал. Европа тараққиёт ва тикланиш банки

<i>Кредитлардан мақсадли фойдаланиш</i>	Энг замонавий ва юксак хорижий технология ва ускуналарни харид қилишга доир инвестиция лойиҳаларини, хорижий валютадаги айланма маблагларни шакллантиришга доир харажатлар қопланишини молиялаш.
<i>Лойиҳа</i>	Иқтисодиёт барча тармоқлари
<i>Кредит олувчи</i>	Ўзбекистон Республикаси қўнунларига мувофиқ хусусий, кичик корхоналар ёки хусусийлаштириш арафасида турган, давлат ташкилотлари.
<i>Кредитлаш муддати</i>	Энг узоқ муддат 5 йил, кўпи билан 2 йил имтиёзли муддат берилади
<i>Энг кўп кредит миқдори</i>	1 млн. АҚШ доллари, лекин лойиҳа умумий қийматининг 75%идан кўп бўлмаслиги керак.
<i>Энг кам кредит миқдори</i>	100 минг АҚШ доллари
<i>Ўз капитали</i>	Лойиҳа дастлабки баҳосининг 25%идан кам бўлмаслиги керак. Ўз капитали сифатида кредит олувчи бинолар, жойҳозлар, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган машина ва ускуналар кўринишида 25% га тенг маблағ жалб қилиши мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқариш давридаги айланма капитал ва харажатларни қоплаш учун зарур маблаглар ҳам бўлиши мумкин.
<i>Гаров таъминоти</i>	Ҳукумат, 1-даражали банклар, 3-шахслар кафолати кўринишидаги кредит суммасининг 120%и, кредитнинг сундирилмаслигидан сугурта васиқалари, мулкни баҳрлаш қийматининг 70%игача (бинолар, иншоотлар, кредит ҳисобидан олиннадиган ускуналар ва бошқа кўринишдаги активлар) гаровга қўйиш.
<i>Кредитга қўйиладиган фозилар:</i>	Ҳар-бир лойиҳа учун алоҳида-алоҳида, ЛИБОР*+ЕТТБ маржаси+банк маржаси
<i>Кредитни ташкил этиш учун 1 марта тўланадиган воситачилик ҳақи</i>	Кредит миқдорининг 1%и ЭКВ да
<i>Мажбурият учун олинадиган воситачилик ҳақи</i>	Йилга 0,5% ҳисобида, Кредит шартномаси имзоланган пайдан то маблагларни тўлиқ ишлатиб бўлганига қадар олинади
<i>Техник хизмат кўрсатиш учун комиссия тўловлар</i>	Тўлов кўнунининг жорий курси бўйича, миллий валютада, кредит суммасининг йиллик 0,5%
<i>Кредитни бошқариш бўйича комиссия тўлов</i>	Тўлов кўнунининг жорий курси бўйича, миллий валютада, кредит суммасининг йиллик 0,15%
<i>Тўлов даври</i>	Ҳар 6 ойда

**Либор** — Банклараро фозиз ставкаси Британия Банклар Уюшмаси (ББУ) томонидан аниқланган (ХМК кредит линияси бўйича ҳар 6 ойда аниқланган).

### Европа тараққиёт ва тикланиш банки кредит линияси бўйича хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг манзиллари

№	Банк	Манзили	Тел.факс
1	ТИФ Миллий Банк	Тошкент ш., А.Темур кўч., 101-уй	137-59-15, 137-59-47
2	Асака Банк	Тошкент ш., Нукус кўч., 67-уй	120-81-11, 120-81-17
3	Пахта Банк	Тошкент ш., Муқимий кўч., 43-уй	120-88-01, 78-12-96

## 2-жадвал. Халқаро молия корпорацияси

<i>Кредитлардан мақсадли фойдаланиш</i>	Энг замонавий ва юксак технологияли ускуналарни ва технологияларни харид қилишга доир инвестиция лойиҳаларини, хорижий валютадаги ишчи капиталини шақллантиришга доир харажатлар қопланишини молиялаш.
<i>Лойиҳа</i>	Иқтисодийнинг барча тармоқлари
<i>Кредит олувчи</i>	Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ хусусий, кичик корхоналар.
<i>Кредитлаш муддати</i>	Қўпи билан 7 йил, 2 йиллик имтиёзли давр билан бирга.
<i>Кредитнинг максимал суммаси</i>	2 млн. АҚШ доллари, лекин лойиҳа умумий қийматининг 75% идан кўп бўлмаслиги керак.
<i>Кредитнинг минимал суммаси</i>	50 минг АҚШ доллари
<i>Ўз капитали</i>	Лойиҳага қилинадиган дастлабки харажатларнинг 25% идан кам бўлмаслиги керак. Ўз капитали сифатида кредит олувчи бинолар, жиҳозлар, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган машина ва ускуналар кўринишида 25% га тенг маблағ жалб қилиши мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқариш давридаги айланма капитал ва харажатларни қоплаш учун зарур маблағлар ҳам бўлиши мумкин.
<i>Гаров таъминоти</i>	Ҳукумат, 1-даражали банклар, 3-шахслар кафолати кўринишидаги кредит суммасининг 120% и, кредитнинг сўндирилмаслигидан суғурта васиқалари-бинолар, иншоотлар, мулкни баҳолаш қийматининг 70% и гача, ускуналар-баҳолаш қийматининг 60-70% гача.
<i>Кредитга қўйиладиган физлар:</i>	Ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида-алоҳида. ЛИБОР+ХМК маржаси+Банк маржаси
<i>Кредитни ташкил этиш учун 1 марта тўланадиган воситачилик ҳақи.</i>	ЭКВдаги кредит суммасининг 1%
<i>Мажбурият учун воситачилик ҳақи</i>	ЭКВдаги кредитнинг фойдаланилмаган суммасидан йилига 0,5% ҳисобида.
<i>Кредитни бошқариш учун воситачилик ҳақи</i>	Тўлов кундаги жорий курс бўйича маҳаллий валютадаги кредит суммасидан йилига 0,15%
<i>Тўлов муддатлари:</i>	Ҳар 6 ойда

### Халқаро молия корпорацияси кредит линияси бўйича хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг манзиллари

№	Банк	Манзили	Тел.факс
1	ТИФ Миллий Банк	Тошкент ш., А.Темур кўч., 101-уй	137-59-24, 137-59-20
2	Асака Банк	Тошкент ш., Нукус кўч., 67-уй	120-81-11, 120-81-17
3	Пахта Банк	Тошкент ш., Муқимий кўч. 43-уй	120-88-11, 78-09-41

### 3-жадвал. Осиё тараққиёт банки

<i>Кредитлардан мақсадли фойдаланиш</i>	Энг замонавий ва юксак хорижий ускуналар ва технологияларни харид қилишга доир инвестиция лойиҳаларини, кичик ва хусусий корхоналарнинг айланма маблағларини қисман молиялаштириш, ҳамда янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни молиялаш.
<i>Лойиҳа</i>	Барқарор валютада фойда олишга мўлжалланган экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босувчи лойиҳалар.
<i>Кредит олувчи</i>	Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ хусусий, ючк корхоналар.
<i>Кредитлаш муддати</i>	Энг узоқ муддат 8 йил, кўпи билан 3 йил имтиёзли муддат берилади
<i>Кредитнинг максимал миқдори</i>	3 млн. АҚШ доллари, лекин лойиҳа бошланғич қийматининг 75%идан кўп бўлмаслиги керак.
<i>Кредитнинг минимал миқдори</i>	50 минг АҚШ доллари
<i>Ускуналарни етказиб берувчи:</i>	Осиё тараққиёт банкига аъзо мамлакатлар (56та, Осиё давлатлари, АҚШ, Канада, Фарбий Европа давлатлари, Австралия, Туркия билан биргаликда. Яқин Шарқ давлатлари, МДҲ (Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан бошқа), Шарқий Европа ва бошқа давлатлардан ташқари).
<i>Ўз капитали</i>	Лойиҳа дастлабки баҳосининг 25%идан кам бўлмаслиги керак. Ўз капитали сифатида бинолар, жиҳозлар, лойиҳани амалга ошириш учун зарур машина ва ускуналардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқариш давридаги айланма капитал ва харажатларни қоплаш учун зарур маблағлар ҳам бўлиши зарур.
<i>Гаров таъминоти</i>	Кредит миқдорининг 120% дан кам бўлмаган миқдорда.
<i>Кредитга қўйиладиган фойзлар:</i>	Ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида-алоҳида. ОТБ фоизининг умумий ставкаси + Банк маржаси
<i>Кредитни ташкил этиш учун 1 марта тўланадиган воситачилик ҳақи</i>	ЭКВдаги кредит суммасининг 1 фоизи
<i>Мажбурият учун олинадиган воситачилик ҳақи</i>	ЭКВдаги кредитнинг фойдаланилмаган суммасидан йилига 0,75% ҳисобида.
<i>Хизмат кўрсатиш учун комиссия тўловлари</i>	Тўлов кундаги жорий курс бўйича миллий валютадаги кредит суммасидан йилига 0,15%
<i>Тўлов муддатлари:</i>	Ҳар 6 ойда.

### Осиё тараққиёт банки кредит линияси бўйича хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг манзиллари

№	Банк	Манзили	Тел.факс
1	ТИФ Миллий Банк	Тошкент ш., А.Темур кўч., 101-уй.	137-59-24, 137-59-20
2	Ипак Йўли Банк	Тошкент ш., Фарҳод кўч., 12-уй.	76-85-52, 76-82-29
3	Ўзуйжойҳамгармабанк	Тошкент ш., Пушкин кўч. 17-уй.	136-32-31, 132-13-12, 133-92-08, 133-82-72

#### 4-жадвал. Германиянинг тараққиёт ва тикланиш банки

<i>Кредитлардан мақсадли фойдаланиш</i>	Энг замонавий ва юксак хорижий усқуналар ва технологияларни харид қилишга доир инвестиция лойиҳаларини, айланма маблағларни лойиҳа қийматининг 25% гача молиялаш.
<i>Лойиҳа</i>	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан ташқари.
<i>Кредит олувчи</i>	Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ хусусий, кичик корхоналар.
<i>Кредитлаш муддати</i>	Энг узок муддат 5 йил, кўпи билан 1,5 йил имтиёзли муддат берилади
<i>Энг кўп кредит миқдори</i>	1 млн. АҚШ доллари, лекин лойиҳа умумий қийматининг 75%идан кўп бўлмаслиги керак.
<i>Ўз маблавларини жалб қилишнинг минимал миқдори.</i>	Лойиҳа бошланғич қийматининг 25% дан кам бўлмаслиги керак. Кредит олувчи 25% қўйилма ҳисобида лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган бинолар, иншоотлар, машина ва усқуналар бошқа кўринишдаги активлар, ишлаб чиқаришнинг бошлаш учун зарур айланма маблағлар.
<i>Гаров таъминоти</i>	Ҳукумат, 1-даражали банклар, 3-шахслар кафолати кўринишидаги кредит суммасининг 120%и, кредитнинг сўндирилмаслигидан суғурта ва сиқалари, мулкни баҳолаш қийматининг 70% игача (бинолар, иншоотлар, кредит ҳисобидан олинadиган усқуналар ва бошқа кўринишдаги активлар) гаровга қўйиш.
<i>Кредитга қўйиладиган фоизлар:</i>	EURIBOR+K fw маржасит+банк маржаси
<i>Кредитни ташкил этиш учун 1 марта тўланадиган воситачилик ҳақи</i>	ЭКВдаги кредит суммасининг 0,75%
<i>Мажбурият учун олинadиган воситачилик ҳақи</i>	ЭКВдаги кредитнинг фойдаланилмаган суммасидан йилига 0,25% ҳисобида ҳар чорак.
<i>Кредитни бошқариш бўйича комиссия тўлов</i>	Тўлов кунининг жорий курси бўйича, миллий валютада, кредит суммасининг йиллик 0,15%
<i>Тўловлар даврийлиги</i>	Ҳар 6 ойда

#### Германиянинг тараққиёт ва тикланиш банки кредит линия бўйича хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг манзиллари

№	Банк	Манзили	Тел.факс
1	ТИФ Миллий Банк	Тошкент ш., А.Темур кўч., 101-уй.	137-59-24, 137-59-20

## 5-жадвал. ОПЕК фонди

<i>Кредитлардан мақсадли фойдаланиш</i>	Энг замонавий ва юксак ускуна ва технологияларни харид қилишга доир инвестиция лойиҳаларини, хорижий валютадаги ишчи капиталини шакллантиришга доир харажатлар қоплашинини молиялаш.
<i>Лойиҳа</i>	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари
<i>Кредит олувчи</i>	Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ хусусий, кичик корхоналар.
<i>Кредитлаш муддати</i>	2 йиллик имтиёзли давр билан бирга кўпи билан 7 йил
<i>Кредитнинг максимал суммаси</i>	1 млн. АҚШ доллари, лекин лойиҳа умумий қийматининг 75%идан кўп бўлмаслиги керак.
<i>Кредитнинг минимал суммаси</i>	100 минг АҚШ доллари
<i>Ўз маблавларини жалб қилишнинг минимал миқдори.</i>	Лойиҳа бошланғич қийматининг 25% дан кам бўлмаслиги керак. Кредит олувчи 25% қўйилма ҳисобида лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар бошқа кўринишдаги активлар, ишлаб чиқаришнинг бошлаш учун зарур айланма маблағлар.
<i>Гаров таъминоти</i>	Ҳукумат, 1-даражали банклар, 3-шахслар кафолати кўринишидаги кредит суммасининг 120%и, кредитнинг сўндирилмаслигидан суғурта ваסיқалари, мулкни баҳолаш қийматининг 70% игача (бинолар, иншоотлар, кредит ҳисобидан олинadиган ускуналар ва бошқа кўринишдаги активлар) гаровга қўйил.
<i>Кредитга қўйилadиган фoизлар:</i>	Ҳар-бир лойиҳа учун алоҳида-алоҳида ЛИБОР+ОПЕК фонди маржаси + банк маржаси
<i>Кредитни ташкил этиш учун 1 марта тўланадиган воситачилик ҳақи</i>	ЭКВдаги кредит суммасининг 1%
<i>Мажбурият учун олинadиган воситачилик ҳақи</i>	ЭКВдаги кредитнинг фойдаланилмаган суммасидан йилига 0,5% ҳисобида.
<i>Тўловлар даврийлиги</i>	Ҳар 6 ойда

### ОПЕК фонди кредит линияси бўйича хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг манзиллари

№	Банк	Манзили	Тел.факс
1	ТИФ Миллий Банк	Тошкент ш., А.Темур кўч., 101-уй.	137-59-24, 137-59-20

## 6-жадвал. Италиянинг «НАЦИОНАЛЕ ДЕ ЛАВОРО» банки

<i>Кредитлардан мақсадли фойдаланиш</i>	Технологик ускуна шартномаси суммасининг 85%ини молиялаштириш.
<i>Сувурта таъминоти</i>	"Casse" ("Sadie") экспорт кредит агенглиги
<i>Сувурта таъминотининг максимал суммаси</i>	10 млн. АҚШ доллари
<i>Ускуна етказиб берувчилар</i>	Италия кичик корхоналари бўлиши керак.
<i>Хорижий маҳсулотларнинг максимал рўхсат этилган миқдори</i>	Шартнома суммаси 7,9 млн АҚШ долларидан ошмаслиги шарти билан Европа Иттифоқи давлатлари учун 15% ва 40%.
<i>Қарз олувчи</i>	Ўзбекистон корхоналари
<i>Кредитлаш муддати</i>	Шартнома суммасига боғлиқ (100 000 АҚШ долл - 3 йил, 250 000 АҚШ долл-4 йил, имтиёзли муддат 6 ой, 350 000 - 5 йил)
<i>Энг кўп кредит миқдори</i>	5 млн. АҚШ доллари.
<i>Энг кам кредит миқдори</i>	100 000 АҚШ доллари
<i>Гаров таъминоти</i>	Кредит суммасининг 120%идан кам бўлмаган.
<i>Фоизлар</i>	LIBOR/EURIBOR+хорижий банк маржаси+ТИА МБ маржаси
<i>Кредитни ташкил этиш учун 1 марта тўланадиган воситачилик ҳақи</i>	ЭКВдаги умумий кредит суммасининг 0,5%
<i>Мажбурият учун олинадиган воситачилик ҳақи</i>	ЭКВдаги кредитнинг фойдаланилмаган суммасидан йилига 0,25% ҳисобида.
<i>Кредитни бошқариш бўйича комиссия тўлов</i>	Тўлов кунининг жорий курси бўйича, миллий валютада, кредит суммасининг йиллик 0,08%
<i>Сувурта взноси</i>	Кредитнинг умумий суммасидан 8%
<i>Тўловлар даврийлиги</i>	Ҳар 6 ойда

### Италиянинг «Национале де лаворо» банки кредит линияси бўйича хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг манзиллари

№	Банк	Манзили	Тел.факс
1	ТИФ Миллий Банк	Тошкент ш., А.Темур кўч., 101-уй.	137-59-15, 137-59-47



**7-жадвал. Чехиянинг «ОБХОДНИЙ» банки**

<i>Кредитлардан мақсадли фойдаланиш</i>	Технологик ускуна шартномаси суммасининг 85%ини молиялаштириш.
<i>Сувурта таъминоти</i>	"Эгап" экспорт кредит агентлиги.
<i>Сувурта таъминотининг максимал суммаси</i>	10 млн. АҚШ доллари
<i>Ускуна етказиб берувчилар</i>	Чехия компаниялари бўлиши керак.
<i>Хорижий маҳсулотларнинг максимал рухсат этилган миқдори</i>	40% дан кам бўлмаган.
<i>Қарз олувчи</i>	Ўзбекистон корхоналари
<i>Кредитлаш муддати</i>	3,5 йилдан кўп бўлмаган, имтиёзли муддат 6 ой
<i>Энг кўп кредит миқдори</i>	10 млн. АҚШ доллари.
<i>Энг кам кредит миқдори</i>	200 000 АҚШ доллари
<i>Гаров таъминоти</i>	Кредит суммасининг 120%идан кам бўлмаган
<i>Фоизлар</i>	LIBOR+ жамғарма маржаси+ Банк маржаси
<i>Кредитни ташкил этиш учун 1 марта тўланадиган воситачилик ҳақи</i>	Ҳар бир лойиҳа учун алоҳида.
<i>Мажбурият учун олинадиган воситачилик ҳақи</i>	Ҳар бир лойиҳа учун алоҳида.
<i>Кредитни бошқариш бўйича комиссия тўлов</i>	Ҳар бир лойиҳа учун алоҳида.
<i>Сувурта вазноси</i>	Кредитнинг умумий суммасидан 7%
<i>Тўловлар даврийлиги</i>	Ҳар 6 ойда

**Чехиянинг «Обходний» банки кредит линияси бўйича хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг манзиллари**

№	Банк	Манзили	Тел.факс
1	ТИФ Миллий Банк	Тошкент ш., А.Темур кўч., 101-уй.	137-59-15, 137-59-47

## 8-жадвал. АҚШнинг экспорт-импорт банки (ЭКСИМБАНК)

<i>Кредитлардан мақсадли фойдаланиш</i>	Фақат Америка маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олишни молиялаштириш (1-иловада келтирилган товар ва хизматлардан ташқари).
<i>Лойиҳа</i>	1-иловада келтирилган товар ва хизматлардан ташқари, барча лойиҳалар.
<i>Кредит олувчи</i>	Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ хусусий, кичик корхоналар.
<i>Кредитлаш муддати</i>	7 йил.
<i>Энг кўп кредит миқдори</i>	5 млн. АҚШ доллари, лекин лойиҳа умумий қийматининг 85%идан кўп бўлмаслиги керак.
<i>Энг кам кредит миқдори</i>	100 000 АҚШ доллари.
<i>Ўз маблавларини жалб қилишнинг минимал миқдори.</i>	Лойиҳа бошлангич қийматининг 25% дан кам бўлмаслиги керак. Кредит олувчи 25% қўйилма ҳисобида лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар бошқа кўринишдаги активлар, ишлаб чиқаришнинг бошлаш учун зарур айланма маблағлар.
<i>Гаров таъминоти</i>	Ҳукумат, 1-даражали банклар, 3-шахслар қафолати кўринишидаги кредит суммасининг 120%и, кредитнинг сундирилмаслигидан сўғурта вашиқалари, мулкни баҳолаш қийматининг 70% игача (бинолар, иншоотлар, кредит ҳисобидан олинadиган ускуналар ва бошқа кўринишдаги активлар) гаровга қўйиш.
<i>Кредитга қўйиладиган фоизлар:</i>	ЛИБОР+0,2% ТИА Миллий Банки маржаси.
<i>Кредитни ташкил этиш учун 1 марта тўланадиган воситачилик ҳақи</i>	Кредит суммасининг 0,1%, лекин 5000 АҚШ долларидан кам бўлмаган.
<i>Табаккачиликни қоплаш учун АҚШ Экспорт-Импорт Банкига комиссия тўловлари.</i>	Кредит ҳажми ва қайтариш муддатидан келиб чиқиб (5 йил ичида қайтариладиган кредитлар учун 9,94% ҳисобида).
<i>Келишилган суммани тўлаш учун комиссия тўловлари</i>	Кредит суммасидан тўлиқ 0,0625%.
<i>Кредитни бошқариш бўйича комиссия тўлов</i>	Кредит суммасининг йиллик 0,15%
<i>Тўловлар даврийлиги</i>	Ҳар 6 ойда

### ЭКСИМБАНК кредит линияси бўйича хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг манзиллари

№	Банк	Манзили	Тел.факс
1	ТИФ Миллий Банк	Тошкент ш., А.Темур кўч., 101-уй.	137-59-15, 137-59-47

## ЛИЗИНГ

Одатда инсонлар тадбиркорликка илк қадам қўйганларида ёки мавжуд бизнесини кенгайтиришларида албатта молиявий маблағлар тақчиллиги муаммосига дуч келадилар.

Шунда тадбиркорлар тижорат банклар, кредит уюшмалар, инвестициявий компаниялар ва бошқа молия институтларига бориб ўз лойиҳасини молиялашга уларни ундаш тадбирларини бошлайдилар. Ушбу жараёнда кўпчилик «лизинг» деган сўзни эшитадию, лекин бу тушунча ҳақида тўлатўкис маълумотга эга бўлмаганлиги туфайли «лизинг» назардан ташқарида қолади. Бизнинг мақсадимиз ушбу материалда, аввалги нашрдагидек, лизинг берувчилар ва уларни лизинг олувчиларга нисбатан шартлари ҳамда лизингни кредитга нисбатан афзалликлари ва камчиликлари ҳақидаги маълумотларни Сизга етказишдан иборат. Албатта бу маълумотлар ҳар бир тадбиркорга асқотади деб бўлмайди, лекин саросимада юрган, ўз корхонаси ёки янги бизнеси учун шиддат билан сармоя қидираётган тадбиркорларга озми-кўпми ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Қувонарлиси шундаки, республикамызда лизинг бозори йил сайин кенгайиб бормоқда. Масалан, 2003 йилда лизинг битимларини молиялаш билан 17 та лизинг компаниялари ва тижорат банклари шўғулланган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони 22 тага етди. Умуман олганда, 2002 йилга қадар республикамызда лизинг жуда суст ривожланган. Унинг ривожланишини жадаллашишига асосий туртки бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3122-сонли «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бўлди. Жумладан, ушбу Фармонда лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан, лизинга бериладиган ускуналар эса божхона тўловларидан озод этилган.

Охирги йиллар давомида мамлакатимиз Парламенти томонидан лизинг билан боғлиқ бўлган барча норматив ҳужжатларига 40 дан зиёд ўзгартиришлар киритилди. Бу эса республикамызда тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектларга лизинг операцияларидан кенг кўлламда фойдаланишга асос бўлди. Аввалги нашрда лизингдан фойдаланувчилар учун белгиланган асосий имтиёзлар ҳақида тўхталиб ўтган эдик.

Келинг **«ЛИЗИНГ НИМА?»** деган саволга яна бир бор жавоб берамиз.\*  
**ЛИЗИНГ** — лизинг олувчи (юридик шахс ёки тадбиркор) лизинг берувчи (лизинг компанияси, банк ёки бошқалар)нинг маблағлари ҳисоби-

---

\* Халқаро Молия Корпорациясининг (IFC) Ўрта Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси маълумотларидан фойдаланилган.

дан харид қилинган мол-мулкни эгалик қилиш ва фойдаланаши учун олади ҳамда шу мулкдан фойдаланиш орқали даромад ола бориб, секин-аста ундан қарзини узади. Лизинг муддати тугаганидан сўнг мол-мулк лизинг олувчининг ўз мулкига айланиши мумкин.

Албатта бу ерда «Нега кредит олмасдан лизингдан фойдаланишим керак?» деган савол туғилиши мумкин. Авваламбор ҳар бир тадбиркор бу масалани ўзи ҳал қилиши керак. Чунки ҳар бир тадбиркор ўзига яраша турли имкониятга эга. Шуни инобатга олган ҳолда биз фақат лизингни кредитга нисбатан айрим афзалликлари ҳамда камчиликлари тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Буни қуйидаги мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

Масалан, «ХХХ» корхонаси тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш учун кредит эвазига 10,0 млн. сўмлик ускуна харид қилди. Ўз навбатида «ҲҲҲ» корхонаси худди шу суммадаги усқунани лизингга олди.

Иккала корхона ҳам лизинг ёки кредитдан фойдаланганлиги туфайли кредит бўйича тижорат банкга ва лизинг бўйича лизинг берувчига йиллик 20% миқдорида фоиз тўловларини тўлайди. Натижада биринчи йилдаги фоиз тўловлар иккала корхонада ҳам 200 000 сўмни (яъни  $10,0 \text{ млн. сўм} \times 20\% / 100 = 200\,000 \text{ сўм}$ ) ташкил этади.

Икала корхона ҳам ўз ишлаб чиқаришини ташкил этганидан сўнг, уларнинг фаолияти давомида солиқ тўлашидаги баъзи бир фарқлари мавжуд. Масалан:\*

### *Мулк солиғи*

Ўзбекистон Республикасида асосий воситаларга қўйиладиган мулк солиғи 3,5% ташкил этади.

Жумладан, «ХХХ» корхонаси биринчи йил якунида амортизация тўловларини тўлаганидан сўнг усқунанинг қолдиқ қийматига нисбатан 315 000 сўм миқдорида (яъни,  $10,0 \text{ млн. сўм} - 1,0 \text{ млн. сўм (амморт. тўлови)} = 9,0 \text{ млн. сўм}$ ;  $9,0 \text{ млн. сўм} \times 3,5\% / 100 = 315\,000 \text{ сўм}$ ) мулк солиғи тўлайди.

«ҲҲҲ» корхонаси эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3122-сонли Фармонида асосан мулк солиғини тўлашдан озод этилган.

---

\* «Зомин-Инвест» лизинг компанияси маълумотлари асосида тайёрланган.

## *Даромад солиғи*

Ўзбекистон Республикасида корхоналарнинг даромад солиғи 18% деб белгиланган. Бизнинг мисолимиздаги корхоналар даромад солиғини умумтадбиқ этилган солиқ тизими бўйича тўлайдилар (яъни ягона солиқ тўламайдилар).

Айтайлик, тадбиркорлик фаолияти натижасида ҳар бир корхона 3,0 млн. сўм миқдориди (хом-ашё, иш ҳақи фонди, транспорт учун, коммунал хизматлари ва бошқа харажатларни чегириб ташлаган ҳолда) даромад кўради. Натижада, ҳар бир корхона даромад солиғини қуйидагича тўлайди:

- «ХХХ» корхонаси 540 000 сўм миқдоридидаги (3,0 млн. сўм x 18% солиқ / 100 = 540 000 сўм) даромад солиғини тўлайди.
- «ҲҲҲ» корхонаси 504 000 сўм миқдоридидаги (3,0 млн. сўм — 200 000 сўм лизинг бўйича фоиз тўлови x 18% солиқ / 100 = 504 000 сўм) даромад солиғи тўлайди.

Сабаби, лизинг олувчининг даромад солиғи бўйича солиққа тортилдиган базаси белгиланаётганда уни жами даромаддан лизингга оид фоизлар чегириб ташланади. Ҳолбуки, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизлар чегирилмайди.

Бундан ташқари, жами даромаддан лизингга олинган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари ҳам чегириб ташланади.

## *Қўшилган қиймат солиғи*

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи 20%ни ташкил этади. Натижада, ҳар бир корхона қўшилган қиймат солиғини қуйидагича тўлайди.

- «ХХХ» корхонаси кредит асосида ускунани 20% миқдоридида қўшилган қиймат солиғини тўлаган ҳолда харид қилади. Натижада, ускунани сотиб олиш нархи 20% ортади.
- «ҲҲҲ» корхонаси эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3122-сонли Фармонида асосан қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилган.

## *Кредит ёки лизингни олишда гаров таъминоти*

Юқоридаги мисоллар ёрдамида лизингни кредитдан афзаллигини фақатгина солиқ тизимида кўриб чиқдик. Тадбиркорлик субъектларининг кредит ёки лизингни олиш жараёнида тижорат банк ёки лизинг берувчига тақдим этиладиган гаров бўйича ҳам ўзаро фарқлари мавжуд. Масалан, «ХХХ» корхонаси сотиб оладиган ускуна учун банкдан кредит

олиш жараёнида кредит суммасининг 120% миқдоридаги гаров таъминотини банкга тақдим этиши шарт.

«ҲҲҲ» корхонаси эса худди шу ускунани лизингга олиш жараёнида 50% (ҳар бир лизинг берувчида ушбу талаб турли хил равишда қўйилади. Талаб қилинадиган гаров таъминотининг ўртача фоиз ставкаси 50% ташкил этади) миқдоридаги гаров таъминотини лизинг берувчига тақдим этган.

Лекин, «ҲҲҲ» корхонаси лизингга ускунани олишдан олдин лизинг қийматининг 30% (ҳар бир лизинг берувчида ушбу талаб турли хил равишда қўйилади. Талаб қилинадиган бўнак тўловининг ўртача фоиз ставкаси 30% ташкил этади) миқдоридаги суммани лизинг компаниясига «Бўнак тўлови» сифатида тўлайди.

Ўз навбатида, «ХХХ» корхонаси эса банкга кредит олишдан олдин ҳеч қандай «Бўнак тўлови» тўламайди.

Лизинг ва кредитни қайтариш услублари деярли бир хил. Тадбиркорга кредит берувчи тижорат банки ҳамда лизинг берувчи ўз маблағларини қайтариш режасини кредит ёки лизинг олувчини имкониятлари ҳамда фаолият турига қараб мослаштирадilar.

#### Сизга **ЛИЗИНГ** қулайми ёки **КРЕДИТМИ?**

Ҳар бир лизинг берувчининг (лизинг компания, банк ва ҳ. к.) алоҳида кредит стратегияси мавжуд бўлиб, улар лизинг истеъмолчиларининг маълум бир гуруҳига (сегментига) хизмат кўрсатишни ўз олдларига мақсад қилиб оладилар. Одатда лизинг берувчилар ўз йўналишларига асосан турли ускуна ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар билан яқиндан ҳамкорлик қиладилар. Агар Сизни бирор бир ускуна қизиқтираётган бўлса ва бу ускунани қаердан олишингизни билмасангиз мазкур қўлланмада келтирилган ҳар хил турдаги ускуна ва технологиялар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар билан биргаликда тўғридан-тўғри лизинг берувчиларга ҳам мурожаат этишингиз мумкин.

Юқоридаги келтирилган мисоллар албатта лизингни кредитдан фарқига умумлашган фикрлар сифатида берилган.

Хуллас ҳар бир тадбиркор ўз имконияти ва солоҳиятидан келиб чиқиб ўзи қарор қабул қилиши лозим.

Авваламбор лизинг берувчиларнинг шартларини Сизларга ҳавола этишдан олдин қуйидаги сўз ибораларига диққатингизни тортмоқчимиз.\*

---

\* «Зомин-Инвест» лизинг компанияси маълумотлари асосида тайёрланган.

**ЛИЗИНГ МУДДАТИ** — лизинг берувчилар ўз кредит сиёсатига асосан лизинг битимини қандай муддатга тузадилар.

**ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИНГ ҚИЙМАТИ** — лизинг берувчилар ўз кредит сиёсатига асосан қандай суммадаги лизинг объектини молиялаш имкониятига эга.

**БЎНАК ТЎЛОВИ** — лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига лизинг операцияси амалга оширилишидан аввал тўланадиган сумма (асосан лизинг объектига нисбатан % ҳисобида бўлади).

**ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИНГ ТАЪМИНОТИ** — лизинг операцияларини амалга ошириш жараёнида лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларини тўламаслик хавфини камайтириш мақсадида лизинг берувчи томонидан талаб қилинадиган гаров таъминоти (асосан лизинг объектига нисбатан % ҳисобида бўлади).

**ЛИЗИНГ ТЎЛОВЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДАВРИЙЛИГИ** — лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларини бирор-бир давр оралигида тўлаб бориши (улар асосан ҳар ойда, ҳар чоракда, ҳар 6 ойда бўлиши мумкин).

**ВОСИТАЧИЛИК ЙИФИМЛАРИ** — лизинг берувчига лизинг битими устида ишланганлиги (ускунани топиш, лойиҳани ўрганиш, маъмурий харажатлар) учун лизинг олувчи томонидан лизинг операцияларини бошладан олдин тўлайдиган тўловлар (асосан лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида бўлади).

## Лизинг операцияларини амалга оширувчи молия институтлари ҳақида қисқача маълумот

№	Лизинг берувчилар	Раҳбарининг исми шарифи	Манзили
<b>Лизинг компаниялар</b>			
1	Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг	Ахметов А.А.	700011, Тошкент ш., Абай кўч., 4А. Тел.: (99871) 144 62 73. Факс: (99871) 144 51 03.
2	Ўзбеклизинг Интернейшнл	Мустафоев З.Б.	700003, Тошкент ш., Туроб Тула кўч., 1. Халқаро банк ва молия маркази. Тел.: (99871) 139 16 54. Факс: (99871) 120 67 29. E-mail:uzlease@ishonch.uz, Web-site:www.uzbekleasing.com
3	Барака	Мўминов А.Г.	700027, Тошкент ш., А. Хўжаев кўч., 1А. Тел.: (99871) 138 69 23. Факс: (99871) 138 69 13. E-mail: barakalk@sarkor.uz
4	Осиё-Европа траст компанияси	Хакимов М.Д.	700077, Тошкент ш., М. Жалил тор кўч., 4 Тел.: (998712) 67 74 39. Факс: (998712) 67 73 46.
5	Зомин-инвест	Жумаев Б.О.	700081, Тошкент ш., Наққошлик кўч., 15. Тел.: (99871) 116 38 84. Факс: (998712) 79 24 16. E-mail: info@zomin-invest.uz
6	Қорақалпоғистон Республикаси тадбир- кор аёллар уюшмаси	Ниязова Д.А.	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус ш., Дўстлик Гузари кўч., 96. Тел.: (99861) 222 96 57. Факс: (99861) 222 96 57. E-mail: a_asat@mail.ru
7	Қорақалпоғистон Республикаси Бизнес инкубатори	Бабашев М.Ш.	Қорақалпоғистон Республикаси, 742000, Нукус ш., А.Темур кўч., 112а. Тел.: (99861) 222 19 02. Факс: (99861) 222 03 08. E-mail: kkrbi@rol.ru
8	Қурилиш лизинг	Рустамов Ш.Л.	700027, Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 16, (3 қават). Тел.: (99871) 139 49 95. Факс: (99871) 139 12 75.
9	Пойтахт лизинг	Цой Л.	700015, Тошкент ш., Нукус кўч., 79А. Тел.: (99871) 120 77 00. Факс: (99871) 120 77 12.
<b>Тижорат банклар</b>			
10	Пахта банк	Тошматов Қ.Ф.	700096, Тошкент ш., Муқимий кўч., 43. Тел.: (998712) 78 12 96. Факс: (99871) 173 25 06. E-mail: headoffice@pakhtabank.com
11	Асака банк	Жўраев Ш.Ж.	700015, Тошкент ш., Нукус кўч., 67. Тел.: (99871) 120 81 83. Факс: (99871) 120 81 73.
12	Алоқа банк	Йўлдошев Ф.Т.	700000, Тошкент ш., Толстой кўч., 1. Тел.: (99871) 137 49 35. Факс: (99871) 136 76 22.
13	Бизнес банк	Исроилов М.И.	700083, Тошкент ш., Магбоутчиар кўч., 32. Тел.: (99871) 133 86 65. Факс: (99871) 133 86 76.
14	Галла банк	Йўлдошев Ф.Х.	700060, Тошкент ш., Шахрисабз кўч., 36. Тел.: (99871) 136 15 01. Факс: (99871) 136 11 05.
15	Капитал банк	Норматов Б.У.	700077, Тошкент ш., Х. Абдуллаев кўч., 52Б. Тел.: (998712) 68 17 58. Факс: (998712) 169 00 15.
16	Ипак Йўли банк	Рахимбеков Р.Р.	700135, Тошкент ш., Фарход кўч., 12. Тел.: (998712) 76 86 33. Факс: (99871) 116 58 44.
17	Тадбиркорбанк	Турсунюв К.Т.	700047, Тошкент ш., С. Азимов кўч., 52. Тел.: (99871) 133 18 75. Факс: (99871) 133 81 00.
18	Турон банк	Орифжонов Д.Б.	700011, Тошкент ш., Навоий кўч., 44. Тел.: (99871) 144 33 94. Факс: (99871) 144 88 65.
19	Уйжойжамгармабанк	Хамидов Б.С.	700000, Тошкент ш., Пушкин кўч., 17. Тел.: (99871) 136 32 31. Факс: (99871) 133 30 89.
20	Саноатқурилишбанк	Рустамов К. К.	700000, Тошкент ш., Шахрисабз кўч., 3. Тел.: (99871) 133 90 61. Факс: (99871) 133 32 40. E-mail: kanc@uzpsb.com
21	Халқ банк	Хайдаров А.М.	700017, Тошкент ш., Қатортол кўч., 46. Тел.: (99871) 173 66 08. Факс: (99871) 173 69 13.
22	Ҳамкорбанк	Ибрагимов И.И.	710011, Андижон ш., Бобур кўч., 85. Тел.: (99874) 224 70 39. Факс: (99874) 224 75 31.



## 1-жадвал. Лизинг берувчилар ва лизинг битимларини молиялаш шартлари\*

№	Лизинг берувчиларнинг шартлари	Ўзбекистон Интернет ширкати	Ўз қишлоқ хўжалик-машлизи	Пойтахт-лизинг	Осиё-Европа траст компанияси
1	Лизингга берилмаган асосий воситалар турлари	асосий воситалар, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари и/ч ускуналаридан ташқари	қишлоқ хўжалиги техникаси	авто мобиллар, ташкилий техника, телекоммуникация ускуналари	технологик ускуналарнинг барча турлари
2	Лизинг олувчиларга қўйилмаган талаблар (мулкчилик шакли, корхона ҳажми ва ҳ.к.)	устав фондидаги давлат улуши 25% дан ошмайдиган корхоналар	қишлоқ хўжалигида банд бўлган ёки қ/х пудратчи корхоналар	чекланмаган	кичик бизнес субъектлари
3	Лизинг объектининг қиймати (миллий валютада)	\$10 000 - \$500 000 экв.	1,5-120,0 млн сўм	10,0 млн. сўм ва ундан ортиқ	3,0-50,0 сўм
4	Лизинг объектининг қиймати (хорижий валютада)	\$ 50 000 - \$1 200 000	йўқ	\$10 000 ва ундан ортиқ	\$10 000- \$200 000
5	Лизинг муддати (миллий валютада)	1 - 3 йил	18 ой-7 йил	2 йил ва ундан ортиқ	13 ой - 3 йил
6	Лизинг муддати (хорижий валютада)	1 - 5 йил	йўқ	2 йил ва ундан ортиқ	2-3 йил
7	Бўнак тўлови миқдори, лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида	3 ой учун лизинг тўловлари	15-30%	10-30%	30-50%
8	Гаров, лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида	камида 50%	70-85%, агар лизинг олувчининг кредит қобилияти 3-даражага мос келса	келишувга қараб	50% гача
9	Фоиз ставкаси, йиллик • миллий валютада • хорижий валютада	16-20% 12-15%	Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50-30% гача	24-30%	20-30% 8-20%
10	Воситачилик йиғимлари, лизинг объекти қийматига нисбатан % да	0,75%	йўқ	йўқ	1-10%
11	Бошқа шартлар	корхона активлари лизинг объектининг қийматидан 2 баравар ортиқ бўлиши керак			ҳар бир битим бўйича алоҳида
12	Лизинг тўловларини амалга ошириш даврийлиги	ҳар ойда, ярим йиллик	ҳар ойда	келишувга кўра	ҳар ойда, ҳар чорақда

\* Халқаро Молия Корпорациясининг (IFC) Ўрта Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси маълумотлари асосида тайёрланган.

## 2-жадвал. Лизинг берувчилар ва лизинг битимларини молиялаш шартлари\*

№	Лизинг берувчиларнинг шартлари	Қорақолпоғистон Республикаси Бизнес инкубатори	"Қурилиш лизинг"	"Зомин-инвест"	"Бизнес-лизинг"	Барака
1	Лизингга бериладиган асосий воситалар турлари	қ/х техникаси, ташкилий техника маиший хизмат кўрсатиш, озик-овқат маҳсулотларини и/ч, қурилиш, и/ч ускуналари	қурилиш техникаси, кичик механизация воситалари, махсус транспорт ва улар учун эҳтиёт қисмлар	чекланмаган	чекланмаган	чекланмаган
2	Лизинг олувчиларга қўйиладиган талаблар (мулкчилик шакли, корхона ҳажми ва ҳ.к.)	устав фондидаги давлат улуши 25% даношмайдиган корхоналар	мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб пудратчи қурилиш ташкилотлари	чекланмаган	чекланмаган	чекланмаган
3	Лизинг объектининг қиймати (миллий валютада)	\$ 10 000 экв. гача	чекланмаган	\$30 000- \$5 000 000 экв.	\$ 10 000- \$200 000 экв.	чекланмаган
4	Лизинг объектининг қиймати (хорижий валютада)	\$ 10 000 гача	чекланмаган	\$30 000- \$5 000 000	\$ 10 000- \$200 000	чекланмаган
5	Лизинг муддати (миллий валютада)	1-3 йил	1-5 йил	1-4 йил	1-3 йил	1-3 йил
6	Лизинг муддати (хорижий валютада)	1-3 йил	1-5 йил	1-4 йил	1-3 йил	1-3 йил
7	Бўнак тўлови миқдори, лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида	йўқ	камида 15%	50% гача	қўшимча таъминот бўлмаганда 30% гача	10-20%
8	Гаров, лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида	йўқ	лизинг олувчининг кредит тарихи ва қобилиятига қараб	лизинг объектининг ликвидлигига қараб	бўнак тўлови бўлмаганда 30% гача	лизинг олувчининг кредит қобилиятига қараб лекин кўпи билан 50%
10	Воситачилик йиғимлари, лизинг объекти қийматига нисбатан % да	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	Марказий банк қайта молиялаш ставкасига қараб
11	Бошқа шартлар	кредит бўйича қарздорлик йўқлиги ва зарар кўрилмагани			ҳар бир битим бўйича алоҳида	йўқ
12	Лизинг тўловларини амалга ошириш даврийлиги	ҳар чоракда	ҳар чоракда, ярим йиллик	ҳар ойда, ҳар чоракда, ярим йиллик	ҳар бир битим бўйича алоҳида	

\* Халқаро Молия Корпорациясининг (IFC) Ўрта Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси маълумотлари асосида тайёрланган.

### 3-жадвал. Лизинг берувчилар ва лизинг битимларини молиялаш шартлари\*

№	Лизинг берувчиларнинг шартлари	Пахта банк	Алоқа банк	Асака банк	Бизнес банк	Фалла банк
1	Лизингга бериладиган асосий воситалар турлари	қ/х техникаси, автотранспорт, ишлаб чиқариш ускуналари	чекланмаган	чекланмаган	чекланмаган	чекланмаган
2	Лизинг олувчиларга қўйиладиган талаблар (мулкчилик шакли, корхона ҳажми ва ҳ.к.)	юридик шахслар	чекланмаган	юридик шахслар	Ўз.Р. резиденти бўлган, и/ч ва аҳрлига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган юридик шахслар	чекланмаган
3	Лизинг объектининг қиймати (миллий валютада)	чекланмаган	чекланмаган	камида \$10 000 экв.	1,0 млрд. сўмгача	чекланмаган
4	Лизинг объектининг қиймати (хорижий валютада)	йўқ	йўқ	камида \$10 000	\$1 000 000 гача	йўқ
5	Лизинг муддати (миллий валютада)	3-6 йил	чекланмаган	1-5 йил	1-5 йил	2,5-10 йил
6	Лизинг муддати (хорижий валютада)	йўқ	йўқ	1-5 йил	1-5 йил	йўқ
7	Бунак тўлови миқдори, лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида	лизинг тўловларининг йиллик ҳажмида	йўқ	йўқ	йўқ	20% гача
8	Гаров, лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида		Лизинг объектининг ликвидлигига қараб, 1 йил тўловлари ҳажмида таъминот талаб қилиниши мумкин	камида 20% гарови ёки 30% бошқа таъминот тури сифатида	лизинг битими шартларига қараб	120%
9	Фоиз ставкаси, йиллик миллий валютада хорижий валютада	20-25%	келишувга кўра	22-27% 12-15%	25-28% 10-12%	10-30%
10	Воситачилик йиғимлари, лизинг объекти қийматига нисбатан %да	йўқ	келишувга кўра	келишувга кўра	лизинг битими шартларига қараб, лекин кўпи билан 1%	йўқ
11	Бошқа шартлар				лизинг олувчининг лойиҳага қўшадиган улуши камида 25%	
12	Лизинг тўловларини амалга ошириш даврийлиги	ҳар чорақда	келишувга кўра	келишувга кўра	лизинг битим шартларига қараб	келишувга кўра

\* Халқаро Молия Корпорациясининг (IFC) Ўрта Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси маълумотлари асосида тайёрланган.

#### 4-жадвал. Лизинг берувчилар ва лизинг битимларини молиялаш шартлари\*

№	Лизинг берувчиларнинг шартлари	Ипак йўли банк	Тадбиркор банк	Турон банк	УйжойжамгармаБанк
1	Лизингга бериладиган асосий воситалар турлари	технологик ускуналар, ташкилий техника, автотранспорт	қишлоқ хўжалиги техникаси	чекланмаган	чекланмаган
2	Лизинг олувчиларга қўйиладиган талаблар (мулкчилик шакли, корхона ҳажми ва ҳ.к.)	чекланмаган		юримдик шахслар	чекланмаган
3	Лизинг объектининг қиймати (миллий валютада)	чекланмаган	220,0 минг 22,0 млн сўм	чекланмаган	чекланмаган
4	Лизинг объектининг қиймати (хорижий валютада)	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ
5	Лизинг муддати (миллий валютада)	13 ой-2,5 йил	1-3 йил	1-10 йил	1-5 йил
6	Лизинг муддати (хорижий валютада)	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ
7	Бўнак тўлови миқдори, лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида	10-30%, қўшимча таъминот бўлмаганда	йўқ	камида 15%	йўқ
8	Гаров, лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида	25%, бўнак тўлови бўлмаганда	125%	лизинг олувчининг кредит тарихи ва кредит қобилиятига қараб	
9	Фоииз ставкаси, йиллик миллий валютада хорижий валютада	24-30%	30-32%	Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича	15-30%
10	Воситачилик йўғимлари, лизинг объекти қийматига нисбатан % да	мажбурият учун воситачилик ҳақи лизинг учун фоииз ставкасига тенг ҳажмида	йўқ	йўқ	кклишувга кўра
11	Бошқа шартлар	лойиҳага қараб			лизинг олувчининг лойиҳага қўшадиган улуши камида 20%
12	Лизинг тўловларини амалга ошириш даврийлиги	ҳар ойда, ҳар чорақда	ҳар чорақда	лизинг объектига ва лизинг олувчининг тўлов қобилиятига қараб	ҳар ойда (айрим холларда лойиҳага қараб)

\* Халқаро Молия Корпорациясининг (IFC) Ўрта Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси маълумотлари асосида тайёрланган.

**5-жадвал. Лизинг берувчилар ва лизинг битимларини молиялаш шартлари\***

№	Лизинг берувчиларнинг шартлари	Саноатқурилишбанк	Халқ банк	Капитал банк	Хамкорбанк
1	Лизингга бериладиган асосий воситалар турлари	асосий воситалар, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари и/ч ускуналаридан ташқари	қ/х техникаси, автотранспорт, ишлаб чиқариш ускуналари	ускуналарнинг барча турлари	чекланмаган
2	Лизинг олувчиларга қўйладиган талаблар (мулкчилик шакли, корхона ҳажми ва ҳ.к.)	устав фондидаги давлат улуши 25% дан ошмайдиган корхоналар	юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар	тадбиркорлик субъектлари	чекланмаган
3	Лизинг объектининг қиймати (миллий валютада)	\$50 000 \$1 000 000 экв.	1,5-100,0 млн. сўм	10-225 млн. сўм	чекланмаган
4	Лизинг объектининг қиймати (хорижий валютада)	\$50 000 \$1 000 000	йўқ	\$10 000 \$210 000	\$10 000- \$500 000
5	Лизинг муддати (миллий валютада)	1-5 йил	13 ой-5 йил	14 ой-5 йил	1-5 йил
6	Лизинг муддати (хорижий валютада)	1-7 йил	йўқ	14 ой-5 йил	1-5 йил
7	Бўнақ тўлови миқдори, лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида	таъминотга қараб	таъминотга қараб	йўқ	3 ой учун лизинг тўловлари
8	Гаров, лизинг объекти қийматига нисбатан % ҳисобида	камида 40%	120-130%	лизинг битими шартларига қараб	30-100%
9	Фоиз ставкаси, йиллик миллий валютада хорижий валютада	15-24% 10-15%	Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича	28-32% 12-16%	20-30% 10-15%
10	Воситачилик йиғимлари, лизинг объекти қийматига нисбатан % да	1%	йўқ	йўқ	1%
11	Бошқа шартлар	лизинг олувчининг лойиҳага қўшадиган улуши камида 30%		лизинг олувчининг лойиҳага қўшадиган улуши камида 25%	лизинг олувчининг лойиҳага қўшадиган улуши камида 25%
12	Лизинг тўловларини амалга ошириш даврийлиги	ҳар ойда, ҳар чорақда	ҳар ойда	келишувга кўра	ҳар ойда

\* Халқаро Молия Корпорациясининг (IFC) Ўрта Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси маълумотлари асосида тайёрланган.

## КРЕДИТ УЮШМАЛАР

Мамлакатимизда йилдан-йилга Кредит Уюшмаларига қизиқиш ортиб бормоқда. Фаолият кўрсатаётган Кредит уюшмалари сафига яқинда қўшилган Сирдарё вилоятидаги «Омад», Андижон вилоятидаги «Аср», Тошкент шаҳридаги «Финанс плюс», «Имкон», «Университет», Бухоро вилоятидаги «Авиценна», Фарғона вилоятидаги «Нурафшон» каби Кредит Уюшмалари бунинг яққол исботидир. Аввалги нашрда биз Кредит Уюшмалар ва уларни тадбиркорларга берадиган кредитлари ҳақида асосий тушунчаларини бериб ўтган эдик.

Мазкур қўлланмада янги ташкил этилган кредит уюшмалари тўғрисидаги маълумотлар билан биргаликда Кредит Уюшмаларини ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш каби масалаларга тўхтатиб ўтилади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган Кредит Уюшмалари Ўзбекистон Республикасининг «Кредит Уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг норматив ҳужжатлари асосида фаолият олиб боради. Жорий этилган норматив базага мувофиқ Кредит уюшмалари қуйидаги ўзига хос жиҳатларига эга.

- Кредит уюшмалари қарз олувчиларнинг фақатгина бир гуруҳини (Кредит Уюшмаси Аъзоларини) таъминлаш мақсадида, уларга Кредит Уюшмаси низом жамғармасининг 25% дан ошмаган миқдордаги кредитлар ажратиши мумкин;
- Кредит уюшмалари ишонч кредитларини қарз олувчиларнинг фақатгина бир гуруҳига (Кредит Уюшмаси Аъзоларига) Кредит Уюшмаси низом жамғармасининг 10% дан ошмаган миқдорда ажратиши мумкин;
- Кредит Уюшмаси аъзоларининг акция ва қўйилмаларидан гаров сифатида фойдаланиш мумкин;
- Кредитлар нақд пул кўринишида берилиши мумкин.

### *Кредит Уюшмаларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш*

**Кредит Уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш.** Кредит уюшмалари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқини оладилар. Кредит Уюшмасининг фаолияти лицензия асосида амалга оширилади.

Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Кредит Уюшмаси давлат рўйхатидан ўтказилиши ва унга лицензия берилиши учун қуйидагилар тақдим этилади:

- рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;
- муассислар умумий йиғилишининг Кредит Уюшмасини тузиш тўғрисидаги баённомаси;
- Кредит Уюшмасининг низоми;
- Кредит Уюшмаси фаолиятининг бизнес-режаси;
- юридик шахслар-муассисларнинг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Кредит Уюшмасининг низом жамғармаси шаклланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;
- рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

Ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз календар кун ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит Уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказди ва бир вақтнинг ўзида унга лицензия беради.

Низомга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар (Низом жамғармасини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисидаги ўзгартиришлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Кредит Уюшмасини давлат рўйхатига олганлик учун йиғим миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Кредит Уюшмасига лицензия берганлик учун тўлов олинмайди.

### ***Кредит Уюшмасининг Низоми***

Низомда қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:

- Кредит Уюшмасининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган ери (почта манзили);
- Кредит Уюшмасининг фаолият соҳаси ва мақсади;
- низом жамғармасининг Кредит Уюшмаси ташкил этилган пайтдаги миқдори;
- пай бадалининг энг кам ва энг кўп миқдори;
- низом жамғармасини кўпайтириш ва камайтириш тартиби;
- даромадни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;
- заҳираларни шакллантириш тартиби;
- Кредит Уюшмаси аъзосининг ўз пай бадалини бошқа шахсга ўтказиш тартиби;
- Кредит Уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- Кредит Уюшмасини бошқариш тузилмаси, шунингдек кенгаш, кредит қўмитаси, Кредит Уюшмаси ижро этувчи органи ва тафтиш комиссияси аъзоларининг сони, уларни сайлаш (тайинлаш) тартиби, ушбу органларнинг ваколатлари;

- йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;
- Кредит Уюшмасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Низомда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

### ***Кредит уюшмасининг низом жамғармасини шакллантириш***

Кредит Уюшмаси аъзолари пай бадалларининг умумий суммаси низом жамғармаси ҳисобланади. Низом жамғармаси фақат пул маблағларидан шакллантирилади.

Низом жамғармасининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Кредит Уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш пайтада низом жамғармаси тўлиқ тўланган бўлиши керак.

Низом жамғармаси Кредит Уюшмасига янги аъзолар кириши ёки пай бадаллари миқдорини ошириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Низом жамғармаси Кредит Уюшмаси аъзолари уюшмадан чиққан ёки аъзоликдан чиқарилган ҳолларда ёхуд пай бадаллари миқдорини камайтириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Агар аъзолар Кредит Уюшмасидан чиқаётганда ёки аъзоликдан чиқарилаётганда пай бадалларининг қайтарилиши низом жамғармасининг миқдори белгиланган энг кам миқдоридан камайишига сабаб бўлса, бундай Кредит Уюшмаси қайта ташкил этилади ёхуд тугатилади.

Низом жамғармасини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисидаги ва Низомга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор кенгаш томонидан қабул қилинади.

Низом жамғармаси кўпайтирилган ёки камайтирилганда Низомга киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига маълум қилинган пайдан бошлаб кучга киради.

### ***Кредитлар бериш***

Кредит Уюшмаси ўз аъзоларига шартнома асосида, Низомда қайд этилган шартларда, қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда муддатли, қайтарилмайдиган ва ҳақ эвазига берилмайдиган кредитлар беради.

Кредит Уюшмаси мулкӣ таъминланган кредитлар, шунингдек ўзаро ишончли (бланкда қайд этиладиган) кредитлар бериши мумкин.

Кредит уюшмасининг аъзосига берилмайдиган кредит мазкур Кредит Уюшмаси бошқа аъзосининг пай бадали ёки депозити асосида унинг кафолати билан таъминланиши мумкин. Кредитни Кредит Уюшмасининг аъзоси бўлмаган шахслар кафолати билан таъминлашга йўл қўйилмайди.

Қуйида Кредит Уюшмалари тўғрисида умумий маълумот билан бирга, уларнинг манзиллари ва алоқа телефонлари келтирилган.



## Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кредит уюшмаларининг манзиллари ва алоқа телефонлари\*

Кредит уюшмасининг номи	Кенгаш раҳбари	Кредит уюшмасининг манзили
"Шердор"	Жафарова Хадича Мусаевна	703015, Самарқанд ш., Гагарин кўч., 54-уй Тел.: (3662) 34-34-93, 34-85-44, 34-05-31. E-mail: osusam@rol.ru
"Умид"	Ахмедова Дилбар Буроновна	700057, Бухоро ш., Мустақиллик кўч., 10-уй Тел.: (3652) 23-58-77, 23-67-64. E-mail: toshova_rano@mail.ru
"Марвел"	Йоост Хейи	716008, Наманган ш., Ибрат кўч., 46-уй Тел.: 152-71-76, 152-71-77, 152-52-77. Наманган (3692) 26-47-80. E-mail: gtca@mail.ru
"Ласточка"	Расулова Жамила Исломовна	706800, Навоий ш., Толстой кўч., 14а-уй Тел.: (4362) 25-46-00, 25-45-8. E-mail: osunav@rol.ru
"Ишонч"	Ҳамдамова Сайёра Убайдуллаевна	708000, Жиззах ш. Қурувчилар кўч., 7/1-уй. Тел.: (37222) 6-62-63, 2-40-51. E-mail: ishonch2004@rambler.ru
"Таянч"	Каримов Икромжон	716003, Наманган ш., Банк кўч., 9-уй Тел.: (36922) 6-15-33, 26-50-19. E-mail: tayanch1@rol.uz
"Хазина"	Ахмеджанов Фарход Қодирович	703000, Самарқанд ш., Ш. Рашидов кўч., 53а-уй Тел.: (3662) 33-14-11, 33-37-12. E-mail: bas@rol.uz, E-mail: bashuhra@intal.uz
"Мадакдор"	Ҳотамов Ҳалилулло Ҳотамович	Андижон тумани, Куйган-ёр ш., У. Юсупов кўч., 1-уй Тел.: (3742) 37-72-83, 23-25-34.
"Барака"	Махмудова Гулнора Ғулмоназаровна	702163, Тошкент ш., Фурқат кўч., 1а-уй Тел.: 144-84-11, 42-70-69.
"Бухоро тадбиркори"	Аитов Нишон Рахмонович	705000, Бухоро ш., Хавзи Нав кўч., 21-уй Тел.: (3652) 23-28-10, 24-22-88. E-mail: btku@mail.ru
"Тараққиёт"	Каримов Мухтор Акбарович	702163, Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Мухиддинова кўч., 1-уй Тел.: 169-15-33,97, 162-39-66.
"Олтин водий"	Эргашева Соҳиба Маҳкамовна	713000, Фарғона вилояти, Қўқон ш., Жаҳнобод кўч., 1-уй. Тел.: (37355) 2-25-71, 2-31-48.
"Омад"	Мирбаратова Мавжуда Пулатовна	Сирдарё вилояти, Гулистон ш., Бизнес-марказ, 3-қават, 71-хона. Тел./факс (3672) 26-34-67.
"Аср"	Мухитдинова Саида Файзиевна	Андижон ш., Фитрат кўч., 52-уй Тел.: (374) 22-22-54, 90-65-95, 114-65-95. E-mail: asrc@mail.ru
"Финанс Плюс"	Жўраев Муродхон Каримович	700174, Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги кўч., 7-уй Тел.: 173-85-35. E-mail: finanse_plus@mail.ru
"Авиценна"	Фаттахов Тимур Шарифович	Бухоро ш., Хўжа Порсо кўч., 3-уй. Тел.: (3652) 24-60-49.
"Нурафшон"	Бекмирзаева Ҳамзахон	713410, Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон кўч., 3-уй
"Имкон"	Асритдинов Жамолиддин	700174, Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўч., 33-уй Тел.: 133-84-33, 133-84-03.
"Университет"	Ваҳобов Абдураҳим Васиқович	700174, Тошкент ш., Университет кўч., 1-уй Тел.: 118-85-52, 182-66-28, 333-99-77. E-mail: rdalimov@list.ru

\*Бутунжаҳон Кредит уюшмалари Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (WOCU) маълумотлари асосида тайёрланган.

# **V. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

## ***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ***

### **МАҲСУЛОТЛАР, ХОМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ЮҚОРИ ЛИКВИДЛИ ТУРЛАРИНИ СОТИШНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Маҳсулотларни сотишнинг бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш, марказлаштирилган тақсимлаш тизимини тугатиш, мулкчилик шаклларида қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, бозор нархлари шакллантирилиши механизмлари такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

#### **1. Қуйидагилар:**

- республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни тақсимлаш тугатиладиган маҳсулотлар турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;
- махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;
- Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;
- Маҳсулотларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш чоратадбирлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Пахта толасини бозор талабларидан келиб чиқиб сотиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмлари такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3-июндаги 240-сонли қарори билан белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### **2. Белгилансинки:**

- 1 ва 2-иловаларга мувофиқ рўйхат бўйича маҳсулотларни биржа ва кимосди савдоларига қўйиш белгиланган тартибда тасдиқланадиган тегишли моддий балансларда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган ҳажмларга мувофиқ йил давомида тенг равишда амалга оширилади;
- биржалар 1 ва 2-иловаларга мувофиқ сотилган маҳсулотларнинг ўртача биржа нархи котировкаларини, кимосди савдоларида шаклланган нархларни эса савдо яқунларига кўра ҳар ҳафтада очиқ матбуотда ва Интернет тармоқларидаги ўз саҳифаларида эълон қилишлари шарт;

- монополист корхоналарнинг 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотлари ички бозорда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича охириги санада эълон қилинган биржа (кимовшди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича сотилиши мумкин;

- монополист корхоналар томонидан монопол маҳсулотлар биржа савдолари ва кимовшди савдолари орқали, шунингдек биржа (кимовшди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган тақдирда эълон қилинган чекланган нархни ошириб юборганликлари учун уларга монополияга қарши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жазолар қўлланилмайди.

Биржа савдоларида (кимовшди савдоларида) ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиб олинган 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маҳсулотларга (электр энергияси ва табиий газ бундан мустасно) шартномалар ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаш ёки товарларнинг етказиб бериладиган ҳар бир туркуми учун чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шартларида тузилади.

3. 2004 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидагича тартиб жорий этилсин, унга кўра:

- табиий газ истеъмолчилари (аҳоли, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва 5-иловага мувофиқ корхоналардан ташқари) тузилган шартномаларга мувофиқ берилган табиий газ ҳақини тўлиқ тўлаган ҳолда, навбатдаги календарь ой бошлангунга қадар шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 30 фоизи учун аванс тариқасида ҳақ тўлайдилар;

- бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва 5-иловага мувофиқ корхоналар тузилган шартномаларга мувофиқ олинган ресурслар ҳақини тўлиқ тўлаган ҳолда, навбатдаги календарь ой бошлангунга қадар шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 15 фоизи учун аванс тариқасида ҳақ тўлайдилар;

- аҳоли истеъмол қилинган табиий газ учун ой тугагандан кейин 10 кун мобайнида, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича ёки белгиланган нормативлар бўйича ҳақ тўлайди.

Белгилаб қўйилсинки, 5-иловага мувофиқ корхоналарга ҳақи тўланмаганлиги учун табиий газ беришни қисқартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, табиий газ беришни тўлиқ узиб қўйиш эса фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

4. Белгилаб қўйилсинки, истеъмолчилар томонидан 2-иловага киритилган, белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган маҳсулотдан фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва улар қайта сотилмайди.

Белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган ресурслар истеъмолчилар томонидан қайта сотилиши ҳоллари аниқланган тақдирда қайта сотишдан олинган даромад бюджетга олиб қўйилади ва олинган даромад суммасининг 100 фоизи миқдориди жарима солинади, жарималар суммаси бюджетга ўтказилади.

Ресурсларни қайта сотиш ҳолларига йўл қўйган корхоналар раҳбарлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортиладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзиккиламчиранглиметалл» очик акциядорлик жамияти, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзэлтехсаноат» ва «Ўзпахтасаноат» уюшмалари, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда бир ой муддатда 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотларнинг ҳар қайси тури бўйича маҳсулотни биржа ва кимошди савдоларига қўйиш ва сотишнинг пухталаштирилган тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Бунда тартибда шартнома мажбуриятлари бажарилиши, ўз вақтида ҳақ тўланиши ва шартнома интизомини бузганлик учун жарима белгиланиши устидан қатъий назорат қилиш механизми назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси лицензия битимларига мувофиқ биржа котировкалари ва кимошди савдолари нархлари ҳар ҳафтада оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида эълон қилиниши ва уларнинг ишончилиги устидан қатъий назоратни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. Каримов**

57-сонли  
Тошкент шаҳри  
05.02.2004 й.

*Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги  
57-сонли қарорига 1-илова*

**Республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни  
тақсимлаш тугатиладиган маҳсулотлар турлари  
РЎЙХАТИ**

1. Иккиламчи алюминий
2. Тозаланган мис
3. Металл рух
4. Кабель-сим маҳсулотлари
5. Чигит шулхаси
6. Шрот (кунжара)
7. Ем бўладиган дон
8. Оқишоқ
9. Қанд-шакар
10. Ун (2004 йил II ярим йиллигидан бошлаб)
11. Ўсимлик мойи

*Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги  
57-сонли қарорига 2-илова*

**Махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган  
моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари  
РЎЙХАТИ**

1. Электр энергияси
2. Табiiй газ
3. Автомобиль бензини
4. Дизель ёқилғиси
5. Ёқилғи мазути
6. Авиация керосини
7. Кўмир
8. Пахта момифи
9. Минерал ўғитлар
10. Қора металллар прокати

**Моддий-техника ресурслари стратегик  
турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.04.2004 й. 204-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом рўйхати Қарорга 2-иловада келтирилган моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартибини назарда тутди.

2. Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари белгиланган тартибга мувофиқ тасдиқланадиган моддий балансларда белгиланади ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- экспортга етказиб бериш;
- давлат эҳтиёжлари учун, шу жумладан махсус истеъмолчиларга етказиб бериш;
- давлат стратегик захирасини тўлдириш ва янгилаш учун етказиб бериш;
- белгиланган тартибда тасдиқланган давлат буюртмаси ҳажмларига мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етказиб бериш;
- ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқ ичидаги эҳтиёжлари учун ҳажмлар;
- истеъмолчиларнинг алоҳида тоифаларига лимитлар;
- маҳсулотларни биржа ва ким ошди савдоларида сотиш ҳажмлари;
- истеъмолчиларга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича етказиб бериш.

3. Давлат эҳтиёжлари таркибида, моддий-техника ресурслари спецификасига кўра, бюджет ташкилотларининг уларга ажратилган бюджет маблағлари доирасидаги эҳтиёжлари, белгиланган нормативлар ва ажратилган бюджет маблағлари доирасида давлат стратегик захирасини тўлдириш ва янгилаш, белгиланган тартибда тасдиқланган давлат буюртмаси ҳажмларига мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобга олинади.

4. Маҳсулотлар давлат эҳтиёжлари, давлат стратегик захираси ресурсларини тўлдириш ва янгилаш, давлат буюртмасига мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқ ичидаги эҳтиёжлари

учун, истеъмолчиларнинг айрим тоифаларига лимитлар бўйича, электр энергияси, табиий газ ва авиакеросин эса шунингдек истеъмолчилар билан тузиладиган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган (эълон қилинган ёки белгиланадиган) нархлар бўйича сотилади.

5. Амалдаги Қонун ҳужжатларида монопол маҳсулот сифатида белгиланган маҳсулотларни биржа (кимошди) савдоларига қўйиш Қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган белгиланган нарх даражасидаги бошланғич нарх билан амалга оширилади.

Маҳсулотлар биржа ва кимошди савдоларида талаб ва таклифнинг бозор нархлари бўйича сотилади. Биржалар ҳар ҳафтада очиқ матбуотда ва Интернет тармоқларидаги ўз саҳифаларида сотилган маҳсулотнинг ўртача биржа нархи котировкаларини (кимошди савдоси нархларини) эълон қилишлари шарт.

Маҳсулотларни биржа ва кимошди савдолари орқали сотишда бошланғич нархдан ортиқча олинган пул маблағлари ишлаб чиқарувчи корхоналар тасарруфига ўтади.

6. Монополист корхоналарнинг маҳсулоти тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, охири санада эълон қилинган биржа (кимошди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича сотилади (электр энергияси ва табиий газдан ташқари).

7. Монопол маҳсулотни биржа ва кимошди савдолари орқали, шунингдек биржа (кимошди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотадиган монополист корхоналарга монополияга қарши Қонун ҳужжатларида назарда тутилган эълон қилинган ёки белгиланган чекланган нархларни ошириб юборганликлари учун жазолар қўлланмайди.

8. Биржа савдоларида (ким ошди савдоларида) ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиб олинган маҳсулотлар (электр энергияси ва табиий газ бундан мустасно) юзасидан шартномалар ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаш ёки етказиб бериладиган товарларнинг ҳар бир туркуми учун чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шартлари билан тузилади.

9. Қарорда белгиланган шартларда ҳақини тўлашни ёки аккредитив қўйишни рад этиш «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ харидор томонидан сотувчи фойдасига тўланадиган жарима жазолари қўлланишига олиб келади.

## II. Электр энергиясини сотиш тартиби

10. Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш истеъмолчилар ва энергия сотувчи ташкилотлар ўртасида календарь йил учун тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, истеъмолчиларнинг буюртманомаларига мувофиқ чораклар бўйича тақсимлаган ҳолда, бюджетдан молиялаштириладиган истеъмолчилар учун эса ажратиладиган бюджет маблағларига мувофиқ амалга оширилади.

11. Электр энергиясини истеъмолчиларнинг барча тоифаларига етказиб бериш белгиланган тарифларга мувофиқ амалга оширилади.

12. Электр энергиясини истеъмолчиларнинг барча тоифаларига (аҳолидан ташқари) навбатдаги ой учун етказиб бериш тегишли ой учун шартномада назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 30 фоизи учун ҳақ аванс тариқасида тўлангандан кейин, ўтган даврда истеъмол қилинган электр энергияси учун 60 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш шarti билан амалга оширилади.

13. Аҳоли истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ҳақини ой тугагандан кейин 10 кун мобайнида ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича тўлайди.

14. Электр энергияси истеъмолчи айби билан шартномада кўрсатилган миқдордан кам истеъмол қилинган тақдирда аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди, улар кейинги истеъмолда ҳисобга олинади.

15. Истеъмолчилар (аҳолидан ташқари) билан энергияни сотувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларда шартномада кўрсатилганидан 5 фоиздан 10 фоизгача ортиқча истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида энергияни сотувчи ташкилотлар фойдасига жарима жазолари тўлаш ҳамда шартномада кўрсатилганидан 10 фоиздан ортиқ миқдорда истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 100 фоизи миқдорида жарима жазолари тўлаш назарда тутилади, ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

16. Истеъмолчилар билан энергия сотиш ташкилотлари ўртасидаги шартномаларда бир чоракда электр энергияси шартномадаги миқдордан 5 фоиздан кўп миқдорда олинмаганда (давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ва аҳолидан ташқари) ва тўлиқ берилмаган тақдирда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ жарима жазолари назарда тутилади.



17. Истеъмолчининг таклифига кўра мўлжалланаётган ўзгартиришлар-гача 10 кундан кеч бўлмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги ҳажмларининг ўзгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

18. Электр энергияси беришни тўхтатиш шартлари шартномалар ту-зишда Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда назарда тutilади.

19. Электр энергиясини ҳақини тўламаганлик учун саноат корхонала-рига беришни тўхтатиб қўйиш белгиланган тартибда энергия билан таъ-минлашнинг технологик ва авария брони-гача, тўлиқ узиб қўйиш эса фа-қат суд Қарори бўйича амалга оширилиши мумкин.

### **III. Табиий газни сотиш тартиби**

20. Истеъмолчиларнинг барча тоифаларига табиий газ етказиб бериш газ билан таъминловчи ташкилотлар билан тузилган тўғридан-тўғри шарт-номалар бўйича истеъмол қилиш лимитларини белгиламасдан истеъмол-чиларнинг буюртманомалари асосида, бюджетдан молиялаштириладиган истеъмолчилар учун эса ажратиладиган бюджет маблағларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Табиий газни истеъмолчиларнинг барча тоифаларига етказиб бе-риш белгиланган нархларга мувофиқ амалга оширилади.

22. Истеъмол қилинган табиий газ ҳажми ҳақини ўз вақтида тўлайди-ган аҳолига табиий газ етказиб бериш чеклашларсиз амалга оширилади.

23. Табиий газ истеъмолчилари (аҳоли, бюджетдан молиялаштирила-диган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва Қарорга 5-иловада кўрсатилган корхоналардан ташқари) берилган табиий газ ҳақини тузилган шартномаларга мувофиқ тўлиқ тўлаган ҳолда шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 30 фоизининг ҳақини навбатдаги календарь ой бошлангунгача аванс тариқасида тўлайдилар.

24. Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва 5-иловада кўрсатилган корхоналар олинган ресурслар ҳақини тузилган шартномаларга мувофиқ тўлиқ тўлаган ҳолда шартномаларда на-зарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 15 фоизининг ҳақини навбат-даги календарь ой бошлангунгача аванс тариқасида тўлайдилар.

25. Аҳоли истеъмол қилинган табиий газ ҳажми ҳақини ой тугагандан кейин 10 кун мобайнида ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ва бел-гиланган нормативлар бўйича тўлайди.

26. Табиий газ истеъмолчи айби билан шартномада кўрсатилган миқ-дордан кам истеъмол қилинган тақдирда аванс тариқасида тўланган маб-

лағлар қайтариб берилмайди, улар кейинги истеъмол қилишда ҳисобга олинади.

27. Газ истеъмолчилар томонидан етказиб берувчи билан келишиб олмасдан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинishi етказиб берувчига ортиқча олинган газ учун Қонун ҳужжатларида белгиланган ва шартномаларда кўрсатиб ўтилган миқдорларда оширилган ҳақ тўланишига олиб келади.

28. Истеъмолчининг таклифига кўра мўлжалланаётган ўзгартиришларгача 10 кундан кеч бўлмаган муддатда киритилган табиий газнинг навбатдаги ой (чорак) учун ҳажмлари ўзгартирилиши табиий газнинг кўрсатилган ҳажмлари бўйича ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

29. Табиий газ шартномадаги миқдордан кам берилган тақдирда истеъмолчилар ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасида шартномаларда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ жарима жазолари назарда тутилади.

30. Истеъмол қилишнинг ҳисобланган даври бошлангунгача олдиндан ҳақ тўлашни таъминламаган ёки якуний ҳисоб-китоб қилишни шартномаларда белгиланган муддатларда ўз вақтида амалга оширмаган улгуржи истеъмолчиларга табиий газ бериш тўхтатилади.

Табиий газни, шу жумладан аҳолига беришни тўхтатиш шартлари шартномалар тузишда назарда тутилади.

#### **IV. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси сотиш тартиби**

31. Автомобиль бензинини ажратилган лимитлар бўйича давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари учун қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига, стратегик давлат захирасини тўлдириш ва янгилаш учун сотиш истеъмолчилар ва нефть базалари ўртасидаги шартномалар бўйича белгиланган нархларга биноан ҳақини 100 фоиз олдиндан тўлаган ҳолда, дизель ёнилғисини эса ҳақининг 30 фоизини олдиндан тўлаб, етказиб берилган ресурслар учун тўлиқ ҳақни 60 кун мобайнида тўлаган ҳолда амалга оширилади.

32. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасига «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси томонидан сотиш ҳақи-

ни 100 фоиз олдиндан тўлаган ҳолда ёки чақириб олинмайдиган аккредитив остида белгиланган нархлар бўйича буюртма берилган эҳтиёжга мувофиқ нефть базалари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширилади.

33. Нефть маҳсулотлари экспортга, қоидага кўра, ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан балансларда тасдиқланган ҳажмлар доирасида сотилади.

34. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси, мазкур Низомнинг 31-33-бандларида назарда тутилган ҳажмлардан ташқари, ёпиқ (бозор фонди) ва очиқ биржа савдолари орқали сотилади.

35. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғисига ёпиқ биржа савдолари Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида ташкил этилади. Бозор фонди ресурслари «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг нефть базалари томонидан уларнинг ўзларининг брокерлик ўринлари орқали савдога қўйилади. Тегишли лицензияларга эга бўлган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари харидорлар ҳисобланади.

Ёпиқ биржа савдоларида бошланғич нарх нефть базаларининг эълон қилинадиган чекланган устамалари қўшилган ҳолда нефтни қайта ишлаш заводларининг эълон қилинган чекланган нархлари даражасида белгиланади. Савдо натижалари бўйича шартномалар нефть базалари ва автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари ўртасида ҳақи 100% олдиндан тўланиши шартлари билан тузилади.

Автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини аҳолига белгиланган нархлар бўйича нақд пулга сотади.

36. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси ресурслари товар-хом ашё биржаларининг очиқ биржа савдоларига «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг нефть базалари томонидан уларнинг ўзларининг брокерлик ўринлари орқали қўйилади. Очиқ биржа савдоларида автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини харид қилиш республика истеъмолчиларининг барча тоифалари томонидан тегишли брокерлар орқали амалга оширилади.

Очиқ биржа савдоларидаги бошланғич нарх нефть базаларининг чекланган устамалари ҳисобга олинган ҳолда нефтни қайта ишлаш заводларининг эълон қилинадиган чекланган нархлари даражасида белгиланади.

Очиқ биржа савдолари натижалари бўйича шартномалар нефть базалари ва бевосита истеъмолчилар ўртасида ҳақи 100% олдиндан тўланиши шартлари билан тузилади ҳамда етказиб бериш ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш шартларини ўз ичига олади.

Очиқ биржа савдоларида сотиб олинган автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси қайта сотилиши мумкин эмас.

## **V. Ёқилғи мазутини сотиш тартиби**

37. Ёқилғи мазути давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга, «Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компанияси корхоналари, Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик компаниясига, «Иссиқлик манбаи» минтақавий ишлаб чиқариш бирлашмаларига, «Тошиссиқликмарказ» бирлашмасига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича етказиб берилган ресурслар учун 60 кун мобайнида тўлиқ ҳақ тўланган ҳолда 30 фоизи олдиндан тўланадиган белгиланадиган нархлар бўйича сотилади.

38. Республика истеъмолчилари учун балансда назарда тутилган ҳажмларда ёқилғи мазути, мазкур Низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳажмлардан ташқари, истеъмолчиларга биржа савдолари орқали сотилади. «Ўзнефтваҳсулот» акциядорлик компаниясининг нефть базалари савдолардаги сотувчилар ҳисобланади. Биржа савдоларида ёқилладиган мазут республика истеъмолчиларининг барча тоифалари томонидан тегишли брокерлар орқали сотиб олинади.

Биржа савдоларига қўйиладиган ёқилғи мазутининг бошланғич нархи эълон қилинадиган нарх даражасида белгиланади.

Биржа савдоларида сотиб олинган ёқилғи мазути қайта сотилиши мумкин эмас.

## **VI. Кўмир сотиш тартиби**

39. Балансдаги тасдиқланган ҳажмларга мувофиқ кўмир сотиш бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларга, «Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компаниясига етказиб берилган кўмир учун 60 кун мобайнида тўлиқ ҳақ тўланган ҳолда ҳақи 30% олдиндан тўланиши шarti билан бошқариладиган нархлар бўйича кўмир сотадиган ташкилотлар билан тузиладиган тўғридан-тўғри шартномаларга кўра амалга оширилади.

40. Кўмир, мазкур Низомнинг 39-бандида назарда тутилган ҳажмлардан ташқари, тузилган шартномага мувофиқ ҳақи 100% олдиндан тўланган ҳолда биржа савдолари орқали сотилади. Биржа савдоларида кўмир қазиб олувчи корхоналар сотувчилар, вилоят кўмир сотиш ташкилотлари (аҳолига сотиш учун) ва республиканинг бошқа истеъмолчилари харидорлар ҳисобланади.

Кўмирни биржа савдоларига қўйишда унинг бошланғич нархи белгиланган нарх даражасида кўрсатилади.

## **VII. Пахта линтини сотиш тартиби**

41. Пахта линти экспортга ташқи савдо компаниялари томонидан балансларда назарда тутилган ҳажмларда сотилади.

42. Пахта линти республиканинг норезидентларига эркин муомаладаги валютага, шу жумладан экспортга «Ўзаукционсавдо»нинг кимошди савдоларида балансларда тасдиқланган ҳажмлар доирасида сотилади.

43. Пахта линти Кўрлар жамияти корхоналарига, Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш бош бошқармасига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Давлат белгиси» Давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасига балансларда назарда тутилган ҳажмларга мувофиқ, ҳақи камида 30% миқдоридан олдиндан тўланган ва етказиб берилгандан кейин 60 кун мобайнида тўлиқ тўланган ҳолда прејскурант нархлардан 5% ортиқ бўлган нархлар бўйича сотилади.

44. Пахта линти республика истеъмолчиларига Ўзбекистон Республика Товар-хом ашё биржаси орқали кимошди савдолари орқали миллий валютага сотилади. Кимошди савдоларида пахта линтининг бошланғич нархи прејскурант нархдан паст бўлмаган даражада белгиланади.

45. Пахта линти республика корхоналарига ҳам тўғридан-тўғри шартномалар, ҳам кимошди савдоси натижалари бўйича камида 30 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақини тўлаш ва етказиб берилгандан кейин 60 кун мобайнида тўлиқ ҳақ тўлаш шарти билан сотилади.

## **VIII. Минерал ўғитларни сотиш тартиби**

46. Минерал ўғитлар:

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг балансларда назарда тутилган ҳажмларда давлат эҳтиёжлари учун шартнома мажбуриятларини бажариши учун «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари орқали:

давлат эҳтиёжлари учун шартнома мажбуриятлари билан қамраб олинмаган маҳсулотлар етиштириш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари орқали бевосита биржа савдоларида биржа нархлари бўйича ва минерал ўғитларни биржа савдоларида сотиб олувчи ихтисослаштирилган улгуржи корхоналарга ҳақи 100% олдиндан тўланган ҳолда сотилади.

Минерал ўғитларни сотишнинг мазкур тартиби давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари билан қамраб олинмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига аммиакли селитра сотишга татбиқ этилмайди. (ЎЗР ВМ 30.04.2004 й. 204-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

47. Давлат эҳтиёжлари учун шартнома мажбуриятларини бажариш учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитлар сотиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ўзларининг туманлараро ва туман филиаллари орқали ҳудуд бўйича реал талабни ўрганадилар, буюртманомалар тўплайдилар ва минерал ўғитларнинг аниқ турларини етказиб бериш учун пировард истеъмолчилар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан шартномалар тузадилар;

б) «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг буюртманомаларини умумлаштириш асосида ҳар йили, 1 октябрдан кечикмай республика вилоятлари бўйича минерал ўғитларга бўлган эҳтиёж прогнозини тузадилар ва уни мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчи корхоналарида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича келгуси йилга дастурни ўз вақтида тайёрлаш учун «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига тақдим этадилар;

в) ишлаб чиқарувчи корхоналардан минерал ўғитларни харид қилиш «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари томонидан ҳар йили ўтказиладиган ярмарка савдоларида ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг эълон қилинган нархлари бўйича амалга оширилади;

г) минерал ўғитлар етказиб бериш тўғрисидаги шартномага маҳсулот учун етказиб берилгандан кейин 60 кун мобайнида узил-кесил ҳисоб-китоб қилган ҳолда маҳсулотнинг етказиб бериладиган ҳар бир туркуми учун олдиндан 30% ҳақ тўлаш шартларида етказиб беришнинг ойма-ой жадвали илова қилинади;

д) «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари минерал ўғитларни пировард истеъмолчиларга қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига етказиб беришни шартномаларнинг ажралмас қисми ҳисобланган етказиб беришнинг ойлик жадваллари асосида амалга оширадилар. Етказиб бериш маҳсулот учун етказиб берилгандан кейин 60 кун мобайнида узил-кесил ҳисоб-китоб қилган ҳолда етказиб бериладиган маҳсулотнинг ҳар бир туркуми учун олдиндан 30 фоиз ҳақини тўлаш шартларида амалга оширилади.

Аванс тўлови ва (ёки) етказиб берилган минерал ўғитлар учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш кечикишининг барча ҳолларида минерал ўғитларни кейинги етказиб бериш қарз тўлиқ тўлангунгача тўхтатилади.

Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари билан қамраб олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига аммиакли селитра сотиш «Қишлоқхўжаликкимё» ҳуду-

дий акциядорлик жамиятлари томонидан, ярмарка савдолари ўтказилмасдан амалга оширилади. (ЎзР ВМ 30.04.2004 й. 204-сон Қарори тахриридаги хат боши)

48. Минерал ўғитлар экспортга, қоидага кўра, ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тасдиқланган баланслардаги ҳажмлар доирасида сотилади.

49. Технология эҳтиёжларига мўлжалланган минерал ўғитлар балансларда назарда тутилган ҳажмларда ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, 100% миқдоридан олдиндан ҳақ тўланган ҳолда Қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган белгиланган нархлар бўйича сотилади.

50. Мазкур Низомнинг 47, 48, 49-бандларида санаб ўтилганлардан ташқари минерал ўғитлар ҳажми биржа савдоларида 100% олдиндан ҳақ тўланган ҳолда сотилади.

Минерал ўғитларни ишлаб чиқарувчи заводлар биржа савдоларида сотувчилар сифатида иш кўради. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари хўжаликларнинг барча тоифаларига кирувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун минерал ўғитлар сотувчи ихтисослаштирилган улгуржи корхоналар биржа савдоларида харидорлар сифатида иш кўради. Минерал ўғитларни биржа савдоларига қўйишдаги бошланғич нарх белгиланган (эълон қилинадиган) нарх даражасида белгиланади.

51. Белгиланган нархлар бўйича тўғридан-тўғри шартномаларга кўра харид қилинган минерал ўғитлар ресурслари қайта сотилиши мумкин эмас.

Биржа савдоларида сотиб олинган минерал ўғитлар ресурсларидан фақат республика ҳудудида фойдаланилади ва улар экспортга етказиб берилиши мумкин эмас.

## **IX. Қора металллар прокатини сотиш тартиби**

52. Балансда ажратилган лимитлар бўйича қора металллар прокатини сотиш тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар учун, шу жумладан касбхунара коллежлари ва академик лицейлар қуриш учун сақлаб қолинади.

Истеъмолчиларнинг ушбу тоифаларига қора металллар прокати 100% олдиндан ҳақ тўлаган ҳолда Қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган белгиланган нархлар бўйича тўғридан-тўғри шартномаларга кўра сотилади.

Биржа мулкчилик шакли, ҳудудий ва тармоқ тегишлилиги катта-кичик-лигидан қатъий назар барча корхоналарнинг биржа савдоларида қатнашишда тенг ҳуқуқлиликини таъминлайди. Операциявий харажатлар қийматининг пастлиги ва шартномалар амалга ошишининг тезлиги ЎзРМХБ савдоларида қатнашаётган корхоналар сонининг кундан-кунга ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Биржа савдоларининг сезиларли афзаллиги республиканинг барча ҳудудларидаги корхоналарнинг савдоларда бир вақтдаги иштирокини таъминловчи умуммиллий электрон савдо тизимининг мавжудлигидир. Тадбиркорлик тузилмаларининг сезиларли қисми учун биржа савдолари моддий-техник таъминот ва ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишнинг асосий дастаги бўлиб қолди. Биржа савдоларида фирмалар ўз эҳтиёжлари учун металл прокати, пахта толаси, линт, чигит шроти ва шелухаси, нефт маҳсулотлари, қурилиш материаллари, ускуналар ва бутловчи қисмлар сотиб олишга эришмоқдалар.

Бундан ташқари, электрон савдолар шарофати билан тадбиркорлар ўз маҳсулотларини дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларига сотишга эришмоқдалар. Бунда биржа маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг хоҳишига кўра биржа шартномалари бўйича томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларига кафолат сифатида ҳам қатнашиб келмоқда.

Биржада қўлланиладиган асосий технологиялар:

- биржа электрон савдо тизими (савдо асбоблари билан шартномалар тузиш учун талабномаларни йиғиш ва қондиришнинг автоматлаштирилган электрон савдо тизими.)
- кўргазма-ярмарка савдоларининг электрон савдо тизими
- масофадан кириш ҳолатида электрон савдо тизими билан ишлаш имконияти.

ЎзРМХБ йирик биржа марказлари, шу жумладан МДХ даги биржа марказлари билан муносабатларни йўлга қўйишдан манфаатдор.

Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси ҳамдўстлик мамлакатлари корхоналари учун шартномалар тузиш тезлигини ва иштирокчилар томонидан ягона савдоларда тузилган шартнома шартларининг бажарилишини таъминлайдиган ягона биржа маконини ташкил этиш учун ҳамкорликка чақиради.

ЎзРМХБнинг шўба корхоналари ва унга қарашли корхоналар қуйидагилар:

- «Биржасервисмарказ» ОАЖ (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри; Ўзбекистоннинг йирик логистик компанияси);
- «Ўзаукционсавдо» ШК (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри; асосий фаолият тури-аукцион савдоларни ташкил этиш);



- «Электрон биржа савдолари Маркази» (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри; асосий фаолият тури-электрон савдоларни таъминлаш);
- ЎзРМХБнинг 12 та филиаллари (Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида; асосий фаолият тури-ҳудудий биржа марказларида корхоналарнинг электрон савдоларида қатнашишларини таъминлаш).

**Манзили:** *Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 53-уй.*

**Алоқа реквизитлари:**

**Тел.:** *(7 99871) 139-83-77, 139-83-78.*

**Факс:** *(7 99871) 139-83-92*

**Электрон почта:** *info@uzex.com,*

**Интернет сайти:** *www.uzex.com*

**ЎзРТХБ — товарлар бозорида хусусий корхоналар ва бизнес субъектлари муваффақиятининг калитидир!**

## РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ (РКТАСБ)

Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси ўзининг илк биржа савдосини 1991 йил 25 декабрда Тошкент шаҳрининг «Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси»да ўтказган.

*Асосий ихтисослашув йўналиши:*

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва ундан қайта ишланган товарларни ички ва ташқи бозорларга сотиш;

- тадбиркорларни, деҳқон хўжаликларини, фермерларни ва товар ишлаб чиқарувчиларни уларга зарур бўлган хом-ашё, материаллар билан, қишлоқ хўжалиги техникаси, ускуналар, кичик технологиялар ва халқ эҳтиёжи моллари билан таъминлаш.

РКТАСБ ўзининг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан 28 март 2003 йилда берилган 3-рақамли лицензия асосида амалга оширади.

Агросаноат биржаси ўз ишида Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунидан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 апрел 1999 йилдаги 174-сонли «Биржа ва ярмарка савдолари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 6 май 1999 йилдаги 223-сонли «Ўзбекистон Республикасида биржа ва ярмарка савдоларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва биржа савдоларини ривожлантиришга, товар хом-ашё биржалари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширади.

*РКТАСБ орқали қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:*

- экспортга товарларни сотиш ва сотиб олиш, миллий валюта сўмда, ҳамда ЭКВда;

- импорт бўйича товарларни сотиб олиш ва сотиш ҳисоб (клиринг) палатаси орқали чет эл валютасисиз, фақатгина Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси бўлган сўмга;

- эҳтиёжни ўрганиш (товар маркетинги);

- кўчмас мулк билан операциялар ўтказиш;

- фьючерс, форвард, опцион, толлинг ва транзит битимларини амалга ошириш;

- божхона, омборхона, юк ташиш ва реклама хизматлари;

- нарх котировкалари бўйича маълумотларни олиш;

- биржа фаолиятига таълуқли маслаҳатлар олиш, республикамызда ва хорижда ишбилармон, тадбиркор бўлган ҳамкорларни излаб топишда, товар, хом-ашёларни ва бошқа хизмат турларини излаб топишда қўмак олиш;

- РКТАСБнинг сайтларига ва Интернетдаги бошқа сайтларга ўз товарлари бўйича таклиф ва эҳтиёж маълумотларини чиқаришлари.

Агросаноат биржаси ишлаш бўйича савдо қоидалари ва товар хом-ашё биржаларида экспорт-импорт шартномаларини амалга ошириш бўйича услубий қўлланмалар меёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган, ушбу қўлланмаларга қизиққан шахслар биржадан олишлари ёки биржа сайтларида танишишлари мумкин. Қўлланмаларда товар хом-ашё биржаларида ишлаш тартиби, зарур ҳужжатлар, расмийлаштириш ва ҳужжатлардан намуналар батафсил берилган. Шунингдек улар бевосита биржанинг етакчи мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишлари ва улар билан электрон почта орқали ёзишиб фаолиятларига тегишли бўлган маслаҳатларни олишлари мумкин.

Агросаноат биржасида мулкий шаклидан қатъий назар барча фаолият туридаги ҳуқуқий ва жисмоний шахслар иш олиб боришлари мумкин.

РКТАСБ Республикамиз вилоятларида ҳудудий савдо майдончаларига эга, улар Фарғона, Бухоро, Термиз, Андижон, Шахрисабз ва Наманган шаҳарларида фаолият кўрсатишмоқда. Агросаноат биржаси 2002 йил 1 январдан буён ҳозирги кунга қадар ўз савдоларини электрон тизимда ўтказмоқда ва уни йилдан-йилга такомиллаштириб бормоқда.

Республикамизнинг бошқа вилоятларидаги, Агросаноат биржасининг савдо майдончалари мавжуд бўлмаган ҳудудларидан ҳам, тадбиркорлар биржа савдосида иштирок этишлари мумкин, бунинг учун улар биржадан брокерлик ўрнини сотиб олишлари ва товар хом-ашё биржаларида брокер сифатида ишлаш учун Давлат мулк қўмитаси томонидан бериладиган шаҳодатномаларга эга бўлишлари шарт.

Агросаноат биржасида нафақат ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи корхоналарга қурилиш молларини сотиш ва харид қилишлари учун имтиёзлар берилган, балки ўзининг асосий йўналиши бўлган агрокомплекс корхоналарига ҳам биржа фаолиятини олиб боришлари учун кенг шароитлар ва имкониятлар яратилган.

Бунда деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳам бу имтиёزلардан кенг фойдаланишлари мумкин. Агросаноат биржасида савдолар электрон тизимда ўтказилиши туфайли, агарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва тайёрловчи корхона ва шахслар Агросаноат биржасида брокерлик ўринларига эга бўлмасалар ҳам, Республикамизнинг қайси ерида жойлашганликларидан қатъий назар ўз ҳудудлари ва корхоналаридан чиқмасдан биржа савдоларининг бориши билан танишиб боришлари, барча биржа янгиликлари билан танишиб бориш ва бу маълумотлардан ўз фаолиятларида фойдаланиш имкониятига эгалар.

Бунда улар учун: биржа нарх котировкалари, товарлар бўйича берилаётган таклифлар ва эҳтиёжларни кўриб боришлари, биржа фаолиятида кўмак берадиган брокерларнинг боғлиниш алоқа телефонлари, товарларни экспорт ва импорт қилиш билан боғлиқ бошқа меъёрий ҳужжатлар билан доимий равишда танишиб чиқиш имкониятлари мавжуд. Шунингдек бошқа МДҲдаги йирик товар ва агросаноат биржаларининг таклифлари билан мунтазам равишда танишиб боришлари мумкин, бунинг учун уларда фақатгина Интернет тизимида чиқиш имкониятлари бўлса бас.

Агросаноат биржаси ўз савдоларини ҳар куни марказлашган ҳолда вилоятлардаги барча савдо майдончаларига тенг имкониятлар яратилган шарт-шароитда олиб боради. Бир кунда савдо икки сессияда ўтказилади, бу соат 10-00дан 12-00гача ва 15-00дан 17-00гача.

Агросаноат биржаси тизимида ҳисоб (клиринг) палатаси (ХҚП) мавжуд бўлиб, у биржа битимлари бажарилишининг кафолат тизимини таъминлайди, биржа экспорт ва импорт шартномаларидаги қатнашчилар ўртасидаги ҳисоб-китобларини тезкор амалга оширади. ХҚП резидент бўлмаган миждоз билан биржада ҳисоб (клиринг) хизматини кўрсатишга шартнома тузади, уларни рўйхатга олади, фойдаланувчига индивидуал рақамини (ИНП) беради. Миждозларнинг топшириғига биноан ҳисоб-китобларни амалга оширади, миждозлар маблағини ҳисоби ва назоратини юртади, биржа битимларини рўйхатга олади ва бажарилишини кузатади. Бу ўз навбатида биржа орқали битимларни расмийлаштириш жараёнини тезлаштиради, резидент ва резидент бўлмаган миждозлар учун сезиларли қулайликлар туғдиради, пировард натижада товар айланишини тезлаштириб, товар бозорларини кенгайтиради.

Биржанинг ҳамкорлари:

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси; «Деҳқонсавдо» ташқи савдо бирлашмаси; Матлуботсавдо; «Ўзбек ипаги» уюшмаси; «Ўзузум-саноатхолдинг» уюшмаси; Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси; Ўзбекистон халқаро экспедиторлар уюшмаси; Товар ва озиқ-овқат биржаларининг уюшмаси (Москва ш.); Халқаро озиқ-овқат биржаси (Москва ш.); Киев агросаноат биржаси; Оренбург крестьян биржаси; Агросаноат комплекси корхоналари ва ҚҚ; Россия ишбилармонлари маркази.

Биржа ҳақидаги маълумотларни қуйидаги сайтлардан олиш мумкин:

**Биржа манзили: 700021, Ўзбекистон Республикаси,**

**Тошкент ш., Олмазор кўч., 67-уй.**

**Тел.: 139-15-51, 144-6033. Факс: 144-61-17.**

**Веб-сайт: [www.ruapb.sk.uz](http://www.ruapb.sk.uz); [www.ruapb.narod.ru](http://www.ruapb.narod.ru)**

**e-mail: [tvh@sarkor.uz](mailto:tvh@sarkor.uz) / [ruapb@sarkor.uz](mailto:ruapb@sarkor.uz)**

## **VI. ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### ***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ***

#### **ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ КЕЛУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Товарларни импорт қилиш ва уларни сотиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини янада тартибга солиш, савдонинг уюшган, маданиятли шаклларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»):

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи билан юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт;

«Эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлганда, божхона ва бошқа тўловлар тўланган тақдирда буюм бозорларида якка тартибдаги тадбиркорнинг фақат ўзи бевосита олиб келган импорт товарлар билан чакана савдони амалга оширишга ҳақлидирлар.

2. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»)ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияларида (ҳозир бўлиш тартибида) амалга ошириладиган тартиб белгилансин.

Юридик шахс бўлмасдан, импорт товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошириш учун:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтишлари;

тижорат банкида ҳисоб рақамлари очиши;

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсатномани белгиланган тартибда расмийлаштириш;

давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги солиқ органларидан импорт операциялар субъектининг ҳисобга олиш картасини олиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, Адлия вазирлиги юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялар субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни 2004 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва ҳудудий солиқ органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида илгари давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар 2004 йил 1 ноябргача бўлган муддатда яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар)нинг Давлат солиқ инспекцияларида қайта рўйхатдан ўтишлари шарт.

4. Юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун туманлар (шаҳарлар) солиқ инспекциялари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

юридик шахс бўлмасдан товарлар импорти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобга олиш регистри юритилишини, унга содир этилган импорт операциялари ва бюджетга тегишли тўловлар тўғрисидаги маълумотлар киритилишини;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва регистрга киритилган якка тартибдаги тадбиркорларга импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталари берилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги юридик шахс бўлмасдан товарлар импорти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказсин, 1 йил муддатга тегишли гувоҳнома берган ҳолда уларни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига тегишли ҳисобга олиш тартиб рақами билан киритсин.

7. Белгилансинки, мазкур қарор чиққунга қадар якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган ва «Вақтинча сақлаш» режимида жойлаштирилган товарларнинг божхона расмийлаштируви илгари белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг Раиси*

*И. Каримов*

*387-сонли*

*Тошкент шаҳри*

*12.08.2004 й.*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ КЕЛУВЧИ ЮРИДИК ШАХС БЎЛМАГАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ, ҲИСОБГА ҚЎЙИШ ВА ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ КАРТАЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 12 августдаги 387-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тижорат фаолияти учун товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти жисмоний шахсларнинг буюм бозорларидаги тадбиркорлик фаолияти амалга оширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, жисмоний шахсларга савдо ўринлари ноқонуний берилганлиги учун буюм бозорлари (савдо комплекслари)нинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини жиноий жазолашгача жавобгарликка тортинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг Раиси*

*И. Каримов*

*413-сонли  
Тошкент шаҳри  
02.09.2004 й.*



**«Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисида»ги НИЗОМ**

**I. Умумий қондалар**

1. Мазкур Низом тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни (кейинги ўринларда матнда «якка тартибдаги тадбиркор» деб юритилади) давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби ва муддатини белгилаб беради.

Мазкур Низомнинг амал қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларга татбиқ этилмайди.

**II. Якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни ҳисобга қўйиш**

2. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича унинг ўзи шахсан келгани ҳолда давлат солиқ инспекциясида амалга оширилади.

3. Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун рўйхатдан ўтказиш йиғими энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридан ундирилади, йиғимдан якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

Рўйхатдан ўтказиш йиғими қайтарилмайди.

4. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат солиқ инспекциясига (шахсан келиб) мазкур Низомнинг 1-илласига мувофиқ шакл бўйича якка тартибдаги тадбиркор томонидан ариза тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

3x4 ўлчамли тўртта фотосурат;

рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати;

якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи бўйича Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотнома-тасдиқномаси, муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада илова қилинади.

Ариза берилаётганда паспорт кўрсатилади.

5. Давлат рўйхатидан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилиши сабаблари кўрсатилган қарор зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай давлат солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинади.

6. Давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахс томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза берилгандан кейин етти кун мобайнида унга:

мазкур Низомнинг 2-илувасига мувофиқ шакл бўйича тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ёки ёзма равишдаги сабаблари кўрсатилган рад жавобини;

мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтиши карточкасини;

муҳр ва штамп тайёрлашга ички ишлар органининг рухсатномаси нусхасини эскизларнинг бир нусхаси билан биргаликда беради.

7. Ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир ой мобайнида:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиши;

чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатномани туман (шаҳар) ҳокимлигида белгиланган тартибда расмийлаштириши;

тижорат банкида талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақами очиши шарт.

8. Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома фақат барча зарур рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтилгандан кейин олинadиган импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси мавжуд бўлган тақдирда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

9. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар давлат солиқ инспекцияси томонидан белгиланган шакл бўйича давлат реестрига киритилади.

10. Давлат солиқ инспекцияси давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч кун мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шакл бўйича ариза берувчининг яшаш жойидаги ички ишлар органларига маълумотларни тақдим этади.

11. Фаолият тури ўзгарган тақдирда якка тартибдаги тадбиркор тегишли давлат солиқ инспекциясига Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани ва Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасини топшириши зарур.

12. Ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор), зарурат бўлганда, ваколатли банкларда ва фойдаланиш ташкилотларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун объектлар қуриш, уларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш ҳамда турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради. Рухсат берувчи тартиб-қоидаларни расмийлаштириш учун якка тартибдаги тадбиркор туманлар (шахарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қилиши мумкин.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтиш тартиби**

13. Жисмоний шахсни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида амалга оширилади.

14. Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза (паспортга доир маълумотлар, манзиллар, алоқа қилинадиган телефонлар ва импорт қилинадиган махсуслот номлари кўрсатилган ҳолда);

рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги квитанция;  
ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор)нинг паспорти нусхаси;  
давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

15. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги зарур тарзда расмийлаштирилган ҳужжатлар олинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисини тегишли рўйхатдан ўтказиш тартиб

рақами остида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига киритади ва унга импорт қилинадиган маҳсулотнинг номлари илова қилинган ҳолда белгиланган намунадаги рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беради (мазкур Низомга 4-илова) ёки сабабларини кўрсатган ҳолда рўйхатдан ўтказишни рад этади.

16. Якка тартибдаги тадбиркор ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги учун ариза берилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади. Ушбу маблағлардан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан мустақил фойдаланилади ва ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича харажатларни қоплашнинг манбаи ҳисобланади.

17. Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномасининг асл нусхаси йўқотилганда йўқотганлик тўғрисидаги ариза асосида якка тартибдаги тадбиркорга дубликат берилади.

18. Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномасининг амал қилиш муддати - бир йил. Мазкур муддат тамом бўлгандан кейин Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномаси ҳақиқий ҳисобланмайди.

19. Зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, бу ҳужжатлар қайта расмийлаштириш учун ариза берувчига қайтарилади.

#### **IV. Якка тартибдаги тадбиркорларни божхона органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби**

20. Якка тартибдаги тадбиркор ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиш учун яшаш жойи бўйича давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

доимий яшаш жойи манзили кўрсатилган ҳолда божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисининг гувоҳномаси нусхаси;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (руҳсат берувчи) тартиб-қоидаларидан ўтиши карточкаси.

21. Божхона органи икки кундан ортиқ бўлмаган муддатда (ҳужжатлар берилган кун бу ҳисобга кирмайди) тартиб рақами ва Ўзбекис-

тон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари масъул шахслари имзоси қўйилган тартиб рақами ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалари карточкасининг божхона белгилари қўйиш учун махсус ажратилган жойга рўйхатдан ўтказиш штампини босади.

22. Импорт қилинган товарларни божхонада расмийлаштириш учун якка тартибдаги тадбиркор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юк божхона декларацияси;

Ўзбекистон Республикасидан чиқишда белгиланган тартибда расмийлаштирилган Т-6 шакл бўйича божхона декларацияси (нақд хорижий валюта ва/ёки йўл чеклари олиб чиқилишини тасдиқлаш учун);

Ўзбекистон Республикасига киришда белгиланган тартибда расмийлаштирилган Т-6 шакл бўйича божхона декларацияси;

олиб кирилган товар қиймати олиб чиқилган нақд хорижий валюта ва/ёки йўл чеклари суммасидан кўпайиш томонга фарқ қилиши аниқланганда пул маблағлари олиш легитимлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади;

импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси билан бирга тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномаси;

транспорт ва товарга илова қилинадиган ҳужжатлар;

лицензия (лицензияланиши керак бўлган товарлар учун);

мувофиқлик сертификатлари (сертификатланиши шарт бўлган товарлар учун);

товарларнинг келиб чиқиш сертификатлари (унинг зарурлиги контрактда, олиб кириш мамлакатининг миллий қоидаларида қайд этилган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларида назарда тутилган ҳолларда);

фитосанитария ва карантин (ветеринария) сертификатлари (тегишли ҳолларда).

## **V. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан банк ҳисоб рақами очилиши ва ҳисоб рақами бўйича операциялар ўтказиш**

23. Банк ҳисоб рақами очиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилган жой бўйича амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобга олиш регистрида улар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар асосида:

- содир этилган импорт операциялари;
- бюджетга тегишли тўловлар;
- олиб келинган товарларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар назарда тутилади.

38. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ўн кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳамда ўз фаолиятини тўхтатган (ёки вақтинча тўхтатган) тадбиркорлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

39. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан олиб келинган ва олиб чиқилган товарлар ҳажми тўғрисида шахсларга доир ахборотни тақдим этади.

## **XI. Мазкур Низом бузилганлиги учун жавобгарлик**

40. Мазкур Низом талаблари бузилганлиги учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

41. Ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор) давлат органларининг қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) норози бўлган ёки рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасини бериш муддатлари бузилган тақдирда белгиланган тартибда юқори турувчи органларга ёхуд судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

42. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш тартиби, солиқ ҳақидаги қонунлар, савдо қоидалари, касса операциялари қоидалари ва нақд пул маблағлари айланиши қоидалари ҳамда мазкур Низом талаблари бузилган тақдирда якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан молиявий жазолар қўлланилади ҳамда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

43. Чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатномаларга эга бўлмаган жисмоний шахсларга савдо ўринлари берилган тақдирда буюм бозорларида, савдо комплексларига (ташкilotларга) ва бошқа юридик шахсларга нисбатан молиявий жазолар қўлланилади, уларнинг мансабдор шахслари эса қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

*Тижорат фаолияти учун  
мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик  
шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат  
рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт  
операцияларисубъектларининг ҳисобга олиш карталарини  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова*

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи солиқ органининг номи)

туманининг давлат солиқ инспекцияси

бошлиғи \_\_\_\_\_ га

(ДСИ бошлиғининг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ дан

(ариза берувчининг Ф.И.О.)

### АРИЗА

200\_йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача бўлган муддатга тижорат фаолияти учун  
мўлжалланган товарларни олиб келувчи сифатида юридик шахс бўлмас-  
дан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун дав-  
лат рўйхатидан ўтказишингизни илтимос қиламан.

Ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан:

Паспорт: серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ \_\_\_\_\_ томонидан

\_\_\_\_\_ да берилган

Уй манзили

\_\_\_\_\_ телефон рақами

Аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
4. \_\_\_\_\_
5. \_\_\_\_\_

(ариза берувчининг имзоси)

\_\_\_\_\_ (ариза қабул қилинган сана)

(рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг имзоси)

*Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова*

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтиши \_\_\_ - сон карточкаси \_\_\_\_\_ туман (шаҳри) давлат солиқ

Сана: \_\_\_\_\_ инспекцияси томонидан

\_\_\_\_\_ (якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.) га берилди. Паспорт: серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ томонидан

\_\_\_\_\_ да берилган Солиқ тўловчининг идентификация рақами

Фаолият тури: чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан экспорт-импорт операциялари

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган ва 200 \_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ гача муддатга гувоҳнома берилган.

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

(имзо)

№ \_\_\_\_\_ 200\_й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Мў

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

(имзо)

№ \_\_\_\_\_ 200\_й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Мў



3. \_\_\_\_\_ тижрат банкида

\_\_\_\_\_ (тижрат банкининг номи) ҳисоб рақами очилган

банк коди \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ (бошқарувчининг Ф.И.О. )

(имзо)

№ \_\_\_\_\_ 200\_й. «\_» \_\_\_\_\_

Мў

4. \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ билан савдо қилиш

(савдо қилинадиган жой) (товарлар тури) ҳуқуқини берадиган рухсатнома \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан берилган.

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

(имзо)

№ \_\_\_\_\_ 200\_й. «\_» \_\_\_\_\_

Мў \_\_\_\_\_ карточкаси \_\_\_\_\_ да олинди (якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.)  
(сана)

ДСИ бошлиғи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) (имзо)

Мў

*Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомга 5-илова*

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

Импорт операциялари субъектининг

ҲИСОБГА ОЛИШ КАРТАСИ\*

№ \_\_\_\_\_

2004 й. » \_\_\_\_\_ »

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.) фотосурат

МЎ

Солиқ тўловчининг идентификация рақами \_\_\_\_\_

Фаолият тури: чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан экспорт-импорт операциялари

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида 200\_\_ йил \_\_\_\_\_ да -сон билан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида 200\_\_ йил \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ сон билан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган.

3. \_\_\_\_\_ бўлимида \_\_\_\_\_ сон ҳисоб рақами очилган.

(тижорат банки номи) \_\_\_\_\_

\* импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасиз фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Код

4. \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ би-  
лан чакана (савдо қилинадиган жой) (товарлар тури) савдо қилиш ҳуқуқи-  
ни берадиган рухсатнома \_\_\_\_\_ туман (шахар) ҳокимлиги  
томонидан берилган

200 \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Ҳисоб картасининг амал қилиш муддати якка тартибдаги тадбиркор  
давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 1 йил

\_\_\_\_\_ туманининг ДСИ бошлиғи

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

(сана)

## **VII. МАҲСУЛОТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

#### **МАҲСУЛОТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТАРТИБОТИНИ СОДДАЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун қулай шарт-шароитлар шакллантиришни давом эттириш, маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнини соддалаштириш ва бу борадаги бюрократик тўсиқларни бар-тараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2004 йил 1 октябрдан бошлаб декларациялаш йўли билан маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш тизими жорий этилсин.

«Ўзстандарт» агентлиги икки ой муддатда Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқ:

четдан келтирилади органлар ва лабораториялар аккредитация қилинган органлар ва лабораториялар томонидан синов ўтказиш учун намуна олишнинг чекланган нормаларини белгиласинлар;

аккредитация қилинган органлар ва лабораториялар ўртасида синовларнинг такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида синовлар турларини белгиласинлар;

ўзларига қарашли аккредитация қилинган лабораторияларда маҳсулотларни синовдан ўтказиш хизматларига тарифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида (унинг ҳудудий бўлинмаларида) олдиндан декларация қилсинлар.

4. «Ўзстандарт» агентлиги ўзига қарашли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга тарифларни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан икки ҳафта муддатда келишиб олсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, мувофиқлик сертификатлари мавжудлигини текшириш фақат мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

6. «Ўзстандарт» агентлиги уч ой муддатда:

«Ўзстандарт» агентлигида «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида белгиланган стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифаларини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг ҳамда Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг ҳар бир турини уларда сертификатлаштиришнинг тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган хавфсизлик кўрсаткичлари кўрсатилган қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилишини;

мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотларнинг номенклатура рўйхати, уларнинг сифатини ва хавфсизлигини белгиловчи норматив ҳужжатларни кўрсатган ҳолда, нашр этилишини ҳамда божхона, солиқ ва аккредитация қилинган органларга жўнатилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги «EAN Uzbekistan» масъулияти чекланган жамиятни «EAN Uzbekistan» уюшмасига айлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси икки ой муддатда ушбу банднинг бажарилишини таъминласин.

8. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга сертификатлаштириш соҳасидаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни республикадаги барча тадбиркорларга, шу жумладан Интернет орқали етказиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

9. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхатини, сертификатлаштиришни ўтказиш, хавфсизлигини тас-

диқлаш талаб этиладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириш ва уларни унинг ташқарисига чиқариш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 12 августдаги 409-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 8-сон, 38-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши ва ушбу қарорга 1-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» 2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 12-сон, 75-модда) 2-бандининг учинчи хатбоши ва ушбу қарорга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш масалаларини тартибга солувчи идоравий ҳужжатларни бир ой муддатда хатловдан ўтказсинлар ва мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. Каримов**

318-сонли  
Тошкент шаҳри  
06.07.2004 й.

## **Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш (кейинги ўринларда матнда сертификатлаштириш деб аталади) тартибини белгилайди.

Бир турдаги маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича сертификатлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказиладиган сертификатлаштиришнинг тегишли қоидалари билан белгиланади.

Сертификатлаштириш давомида илгари текширилган хавфсизлик бўйича тавсифга таъсир этмайдиган маҳсулотнинг дизайни ёки ташқи тавсифлари ўзгариши замонавийлаштирилган маҳсулотга қўшимча сертификатлаштириш ўтказилишига олиб келмайди. Маҳсулот хавфсизлиги бўйича мажбурий тавсифлар стандартлаштириш бўйича тегишли норматив ҳужжатларда белгиланади.

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришга татбиқ этилади.

Мажбурий тартибда сертификатлаштириладиган, шунингдек уларнинг мувофиқлиги декларация билан тасдиқланиши мумкин бўлган маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

3. Сертификатлаштиришни амалга ошириш иловага мувофиқ схема бўйича, қоидага кўра, икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич бир вақтнинг ўзида, заруриятга кўра, ветеринария ва фитосанитария хулосалари тегишли равишда давлат ветеринария назорати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида расмийлаштирилган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган давлат санитария назорати органларида гигиеник сертификат расмийлаштирилишини ўз ичига олади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъекти:

гигиеник сертификатни расмийлаштириш учун ариза билан биргаликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларига (кейинги ўринларда сертификатлаштириш органлари деб аталади) мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш юзасидан ариза беришга;

зарурат бўлганда тегишли хулосалар олиш учун ветеринария ва фитосанитария назорати органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир.

Иккинчи босқич — сертификатлаштириш органлари томонидан мувофиқлик сертификати беришдир.

4. Сертификатлаштириш органлари тадбиркорлик субъектларининг ёзма аризасига мувофиқ давлат санитария назорати органларида, давлат ветеринария назорати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш давлат органларида сертификатлаштиришни ўтказиш ва барча зарур хулосаларни олиш юзасидан агентлик хизматлари кўрсатишга ҳақлидир.

Бунда намуналар танлаб олиниши, шунингдек, улар тўғри танланганлиги ва улар тегишли давлат органларига тақдим этилиши учун сертификатлаш органлари жавоб берадилар.

Кўрсатиб ўтилган хизматларга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

5. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва беришнинг умумий муддати ишларнинг мураккаблиги даражасига, кўп меҳнат талаб қилиши ва ўзига хослигига қараб, барча зарур ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан 1 ойгача доирада белгиланади.

## **II. Гигиеник сертификатини, ветеринария ва фитосанитария хулосаларини расмийлаштириш ва бериш тартиби**

6. Гигиеник, ветеринария, фитосанитария ва экология сертификатлари (хулосалар) сертификатлаштирилаётган маҳсулотларга норматив ҳужжатларда тегишли равишда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик нормалар ва талаблар мавжуд бўлган тақдирда расмийлаштирилади.

7. Гигиеник сертификатни олиш учун ариза берувчи давлат санитария назоратининг ҳудудий органига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага ишлаб чиқариладиган маҳсулотга норматив ҳужжатнинг нусхаси илова қилинади (Давлатлараро стандарт — ДС, Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти — OzDSt, Техник шартлар — TSh; ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари учун — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган технологик йўриқнома ва рецептура).

Четдан олиб келинадиган маҳсулотга гигиеник сертификат олиш учун қўшимча равишда:



Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келганлик тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда товарга илова қилинадиган ҳужжатларнинг (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура) нусхалари;

ишлаб чиқарувчининг келиб чиқиш мамлакати сертификати (товарнинг келиб чиқиши тўғрисида ишончли ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда) нусхалари тақдим этилади.

8. Илгари сертификатланмаган (синалмаган) махсус қўлланиладиган биологик актив моддалар ёки озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларининг озиқ-овқат қўшимчалари қўллаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёки маҳсулотларни четдан келтиришда давлат санитария назоратининг ҳудудий органи тегишли рухсатнома олиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсатнома бериш 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Лаборатория синовларини ўтказиш харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади.

9. Тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан кейин давлат санитария назоратининг ҳудудий органи томонидан белгиланган тартибда жойнинг ўзига бориб лаборатория синовлари ўтказиш ва ишлаб чиқариш объектини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари танлаб олинади. Маҳсулотларни гигиеник кўрсаткичларни аниқлаш учун синаш Ўзбекистон Республикаси Миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари лабораториялари томонидан амалга оширилади.

10. Агар маҳсулот келиб чиқишига кўра ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсига тегишли бўлган тақдирда, давлат санитария назоратининг ҳудудий органи ариза берувчидан ҳужжатлар олинган санадан кейинги кундан кечикмай ветеринария ёки фитосанитария хулосаси бериш бўйича ваколатли органларга мурожаат қилади.

Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси давлат ветеринария назоратининг туман (шаҳар) органлари ёки ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари томонидан берилади.

Давлат ветеринария назорати органи 20 кунгача бўлган муддат билан белгиланган тартибда ажратиб қўйиш-чеклаш тадбирлари (карантин) белгилаши мумкин. Бунда ветеринария хулосаси бериш тартиботи карантин муддати тамом бўлгунга қадар тўхтатиб турилади.

Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси тайёрлаш ва бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак.

Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси берилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади.

11. Ветеринария ва фитосанитария хулосалари олиниши ҳисобга олинган ҳолда гигиеник сертификатни расмийлаштириш ва бериш муддати 14 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Маҳсулотларни синашнинг аниқ муддати синовларнинг тегишли усуллари учун норматив ҳужжатларда назарда тутилган муддатларга қараб белгиланади.

12. Гигиеник сертификат бериш ишларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади.

13. Ветеринария ва фитосанитария хулосалари бериш бўйича ваколатли органларнинг хизматларига ариза берувчи томонидан ҳақ тўлаш давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари орқали ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширилади.

14. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга гигиеник сертификатнинг амал қилиш муддати — 3 йил.

Гигиеник сертификат четдан келтирилаётган маҳсулот учун маҳсулотнинг яроқлилик даврига берилади.

15. Гигиеник сертификат ариза берувчига давлат санитария назоратининг ҳудудий органи раҳбарининг имзоси билан берилади, у ушбу органнинг муҳри билан тасдиқланади, унга синовлар протоколи нусхалари илова қилинади.

Агар гигиеник сертификатлаштириш билан бир вақтда маҳсулотнинг фитосанитария ёки ветеринария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги синовдан ўтказилган тақдирда, ариза берувчига тегишли хулосалар ҳам берилади.

16. Лаборатория синовларининг салбий натижалари ҳамда ҳужжатлар тўлиқ туркумда тақдим этилмаслиги гигиеник сертификат бериш рад этилиши учун асос ҳисобланади, бу ҳақда давлат санитария назоратининг

ҳудудий органи қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига ёзма шаклда маълум қилади.

Аккредитация қилинган лабораториялар томонидан бир-бирини такрорловчи синовлар ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Ариза берувчи гигиеник сертификат ёхуд фитосанитария ва ветеринария хулосалари беришнинг рад этилиши юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

### **III. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби**

17. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш сертификатлаш органлари томонидан амалга оширилади.

Сертификатлаштириш органини танлаш аризачи томонидан мустақил амалга оширилади.

18. Ариза берувчи исталган вақтда, сертификатлаштириш органлари эса биринчи талабга кўра қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) мувофиқлик сертификати мажбурий тартибда бўлиши керак бўлган маҳсулот турларининг рўйхати ёки рўйхатдан кўчирма;

б) аккредитация қилиш соҳасига тааллуқли бўлган бир турдаги маҳсулотни сертификатлаш қоидалари;

в) сертификатлаштириш бўйича хизматлар нархлари (тарифлари) прејскуранти;

г) давлат ваколатли органида аккредитация қилинганликни тасдиқловчи ҳужжат.

Сертификатлаштириш органи кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар нусхаларини тақдим этганлик учун нусхаларни тайёрлаш харажатларидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов ундиришга ҳақлидир.

19. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун ариза берувчи сертификатлаштириш органига ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси;

маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);

гигиеник сертификат нусхаси.

Ариза берувчи томонидан айна бир вақтда гигиеник сертификат ва мувофиқлик сертификати олишга ариза берилган тақдирда гигиеник сертификат нусхаси, у мазкур Низомнинг 3-бандига мувофиқ, белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан кейин тақдим этилади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш учун қўйидагилар тақдим этилади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда);
- маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисида белги қўйилган товарнинг илова ҳужжати (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура) нусхаси;

20. Сертификатлаштириш мақсадида сертификатлаштириш органларига стандартлаш бўйича расмий, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатлар нусхалари тақдим этилади, бошқа ҳолларда, шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун, тасдиқланмаган нусхалардан фойдаланилиши мумкин.

21. Аризада назарда тутилган тақдирда, сертификатлаштириш органи сертификатлаштириш ишларини гигиеник сертификат (ветеринария ва фитосанитария хулосалари) нусхаларини олиш муддатини кечиктирган ҳолда бошлаши мумкин.

Бу ҳолда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификатини фақат ариза берувчи томонидан ижобий натижаларга эга бўлган ҳужжатларнинг барча зарур нусхалари тақдим этилгандан кейин беришга ҳақлидир.

22. Сертификатлаштириш органи ариза берилган кундан бошлаб икки кун муддатда жойига бориб сертификатция синовларини ўтказиш учун маҳсулот намуналарини танлаб олади ва идентификация қилади.

Намуналар сони, танлаб олиш тартиби, идентификация қилиш ва сақлаш қоидалари маҳсулотга норматив ҳужжатларда белгиланади.

23. Ариза берувчи ўз маҳсулотининг танлаб олинишида ва синовларда қатнашиш ҳуқуқига эга. Бунда лабораторияда махфийликни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилиши керак.

Намуналарнинг сақланиши, сифати ва синовларининг ишончилиги учун «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган лаборатория (марказ) жавоб беради. Синовлар протоколларини масъул мутахассислар имзолайди ва лаборатория раҳбари тасдиқлайди.

24. Ариза берувчи сертификатлаштириш органига аккредитация қилинган лабораториялардаги маҳсулот синовлари бўйича қўшимча ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Агар маҳсулотни алоҳида параметрлари бўйича синовлар турли синов лабораторияларида ўтказилган бўлса, у ҳолда синовларнинг ижобий натижалари билан бирга барча зарур прото-

колларнинг мавжудлиги маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигининг ижобий баҳоси ҳисобланади.

Республикада четдан келтириладиган, мажбурий тартибда сертификатланиши керак бўлган маҳсулотга норматив ҳужжат мавжуд бўлмаганда, сифат ва хавфсизлик бўйича сертификация синовлари маҳсулотнинг ана шундай турлари талабларига мувофиқлиги юзасидан амалга оширилади.

Аризачи томонидан четдан олиб келинаётган маҳсулотга зарур норматив ҳужжат ёки техник таснифномалар тақдим этилмаган тақдирда, мазкур маҳсулотни сертификатлаш маҳсулотнинг ана шундай турларига ҳужжатлар бўйича ёки гигиеник сертификат асосида, уни идентификация қилган ҳолда амалга оширилади (озиқ-овқат маҳсулотига ва озиқ-овқатга қўшиладиган маҳсулот учун).

25. Лаборатория синовларининг салбий натижалари, шунингдек ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган комплектини тақдим этиш мувофиқлик сертификати беришни рад этиш учун асос ҳисобланади, бу тўғрида сертификатлаштириш органи ариза берувчига аниқ қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар қилади.

Хулоса беришни рад этганлик юзасидан ариза берувчи белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

26. Сертификатлаштириш органи тақдим этилган ҳужжатлар ва синовларнинг ижобий натижалари асосида икки иш куни мобайнида мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради.

Мувофиқлик сертификати четдан олиб келинаётган маҳсулотларга маҳсулот яроқлилигининг кафолатли муддатига, кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун эса — 3 йилга берилади.

27. Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати бериш учун сертификатлаштириш органи ариза берувчида маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқариш учун шарт-шароитлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариладиган объектларни белгиланган тартибда текширади. Текшириш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилади, ундан мувофиқлик сертификати бериш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдаланилади.

Ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги маълумотлар мувофиқлик сертификатида келтирилади.

Текширишни ўтказиш муддати, ишлаб чиқаришнинг шакли ва тоифаларига кўра, синовлар учун намуналар танлаб олинган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан ошмаслиги керак. Текшириш ўтказилганлиги учун тўлов амалда сарфланган вақт бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар калькуляциясига биноан ундирилади.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати сертификатлаштириш органи томонидан синовлар натижалари олинган вақтдан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

28. Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун мувофиқлик сертификати берган сертификатлаштириш органи ҳар йили камида бир марта, маҳсулотнинг сертификатлаштиришда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида, сертификатлаштирилган маҳсулотни инспекция назорати текширувини ўтказди.

Инспекция назорати натижалари бўйича мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тасдиқланиши ёки тўхтатиб турилиши ёхуд белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

29. Лаборатория синовларини ўтказганлик, сертификатни расмийлаштирганлик ва берганлик учун тўлов тартиби, лицензия ажратмалари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда «Ўзстандарт» агентлигининг йўл-йўриқ ҳужжатларида белгиланади.

#### **IV. Чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш**

30. Сертификатлаштириш органи эътироф этиш тўғрисида битим тузилган МДҲ мамлакатларидан ва узоқ хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган маҳсулотга сертификатларни эътироф этиш ҳуқуқига эга.

Эътироф этиш тартиботи сертификатлаштириш органининг бир турдаги маҳсулотни сертификатлаштириш тартибида, «Ўзстандарт» агентлигининг норматив ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бўлиши керак.

Халқаро тизимлар ва битимлар доирасида амалга ошириладиган сертификатларни эътироф этиш ушбу тизимлар ва битимларда белгиланган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қоидаларга мувофиқ ўтказилади.

31. Сертификат талабларга мувофиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасида белгиланган ана шундай талаблардан қолишмайдиган маҳсулот учун эътироф этилади.

Норматив ҳужжатларда сертификатлаштириш учун шарт бўлган ёки контрактда белгиланган қўшимча талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот ушбу талабларга мувофиқлик юзасидан синаб кўрилиши керак.

32. Олинган ҳужжатлар ва материалларни таҳлил қилиш, шунингдек маҳсулотни идентификациялаш асосида сертификатлаштириш органи чет

эл мувофиқлик сертификатини эътироф этиш (этмаслик) тўғрисида қарор қабул қилади.

Экспорт қилувчи мамлакатнинг Миллий сертификатлаштириш тизимига берилган мувофиқлик сертификатини эътироф этиш уни импорт қилувчи мамлакатнинг мувофиқлик сертификатига қайта расмийлаштириш ва Ягона давлат реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

## **V. Маҳсулотни штрихли кодлаштириш**

33. Ариза берувчи ўз хоҳишига кўра таснифлаш Европа товар рақамланиши уюшмаси (EAN) томонидан кодлаштириш борасида корхонанинг рўйхатдан ўтказиш рақамини ҳамда ишлаб чиқариладиган товарнинг бир кун мобайнида бериладиган рақамли коддини олиш учун «EAN Uzbekistan»га мурожаат қилади.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан, белгиланган тартибга мувофиқ штрихли коднинг оригинал-макети тайёрланади ва берилади.

34. Код бериш бўйича хизматлар қиймати, шунингдек, аъзолик бадаллари миқдори «EAN Uzbekistan» қатнашчилари томонидан белгиланади. Штрихли коднинг оригинал-макетларини тайёрлаш ва бериш қиймати Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларация қилинган тарифлар бўйича белгиланади.

## **VI. Якуний қондалар**

35. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришади.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг  
2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарорига 2-илова*

**Мажбурий сертификация қилиниши лозим бўлган  
маҳсулотлар турларининг  
РЎЙХАТИ**

Номланиши	ТИФ ТН коди
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, шунингдек қадоқланган маҳсулотлар	0201+0210*
Балиқ ва қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқа умуртқасиз сув ҳайвонлари	0301+0307*
Сут маҳсулотлари (тайёр сутдан ташқари): парранда тухумлари (инкубаторларда ишлатиладиган тухумлардан ташқари); Табиий асал; Уй ҳайвонлари аъзоларидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари (фақат истеъмолда ишлатиладиган).	0401+0406, 0407, 0408 (0408 11 200, 040819 200, 0408 91 200, 0408 99 200 дан ташқари), 0409
Ҳайвонларнинг ички аъзолари ошқозоқ, ичак (балиқларникидан ташқари) бутун ёки бўлакланган, янги, совутилган, музлатилган, тузланган, қуритилган ёки дудланган	0504 00 000*
Сабзавотлар ва истеъмолда ишлатиладиган илдизмевалар.	0701+0714*
Мевалар ва ёнғоқлар, қовун ва цитруслиларнинг пўстлоғи ҳамда илдизи	0801+0814*
Қаҳва, чай ва зирavorлар	0901+0910*
Дон ўсимликлари	1001+1008 *
Бугдойни янчиш ва ун саноати маҳсулотлари: солуд, крахмал, нулин, бугдой елими.	1101+1109 00 000*
Ёғли уруғлар ва мевалар: бошқа уруғлар, илдизлар ва дон: доривор ўсимликлар ва техник мақсадларда ишлатиладиган ўсимликлар, ем-хашак ва сомон.	1202
Ўсимликлар экстракти ва соқлар: пектин моддалари, пектинат ва пектат: ўсимликларга тааллуқли қўшимчалар ва кўриниши ўзгартирилган ёки ўзгартирилмаган моддалар.	1302
Ўсимлик ёки ҳайвон ёғ ва мойлари, уларни парчалайдиган маҳсулотлар: тайёрланган истеъмол ёғлари, ҳайвон ёки ўсимликларга тааллуқли мумлар.	1501 00+ 1522
Гўшт, балиқ ва қисқичбақасимонлар ёки шунга ўхшаш сув ҳайвонларидан тайёрланган маҳсулотлар.	1601+1605
Қанд ва шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари	1701+1704*
Какао ва ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари.	1801+1806
Бугдой, ун, крахмал, сутдан тайёрланган маҳсулотлар, унли қандолат маҳсулотлари.	1901+1905
Мева, ёнғоқ ва сабзавотларни қайта ишлаб тайёрланган маҳсулотлар.	2001+2009*
Турли истеъмол маҳсулотлари	2101+2106
Алкогол ва алкогольсиз ичимликлар ва сирка.	2201+2209



Номланиши	ТИФ ТН коди
Умумий овқатланиш корхоналари томонидан аҳрлига сотиш учун тайёрланган истеъмол, кулинария маҳсулотлари ва яримтайёр маҳсулотлар.	0201 дан 2106 бандгача номланган товарлардан тайёрланган маҳсулотлар
Тамаки ва тамаки ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари	2401*, 2402+2403
Туз (фақат истеъмолга яроқли туз учун)	2501 00 100, 2501 00 91
Каолин, мрамор, гранит, гравий, цемент, асбест ва бошқ. минерал маҳсулотлар	2506+2530*
Минерал ёқилгилар, нефть ва уларни тортиш учун ишлатиладиган маҳсулотлар: бигумсимон моддалар: минерал мумлар.	2701+2705 00 000, 2707, 2710+2716 00 000
Даврий углеводородлар (фақат ёқилги сифатида ишлатиладиган маҳсулотлар учун)	2901+2902
Сульфонамидлар, провитаминлар, витаминлар, гормонлар, гликозидлар ва ўсимликларга тааллуқли алкалоидлар, антибиотиклар	2935+2939, 2941
Фармацевтика маҳсулотлари	3001+3006
Ўғитлар	3101+3105
Эфир мойлари ва резиноидлар; парфюмерия, косметика ёки шунга ўхшаш маҳсулотлар	3301+3307
Совун, юзаси актив органик моддалар, ювиш воситалари, мойлаш материаллари, сунъий ва таёёр мумлар, тозалаш воситалари, шамлар ва аналогик воситалар, пасталар, пластилинлар, тиш даволашда ишлатиладиган мум, гипсдан қилинган тиш даволаш воситалари	3401+3407
Портловчи воситалар; пиротехник буюмлар; гугурт; пирафор қотишмалари: айрим ёқилги воситалари	3601 00 000, 3602 00 000, 3604, 3605 00 000
Фотопластинкалар, текис фотоленкалар (медицина мақсадлари учун)	3701 10 100
Инсектицидлар, родентицидлар, фунгицидлар, гербицидлар	3808
Ўтга чидамли цемент	3816 00 000
Тормоз суоқликлари, ангифризлар.	3819 00 000, 3820 00 000
Пластмассадан ясалган буюмлар (трубалар, трубкалар, фитинглар, пол учун қопламалар, плиталар, листлар, плёнкалар, санитар-техник буюмлар, қадоқлаш воситалари, истеъмол маҳсулотларига тегиб турувчи, истеъмол маҳсулотлари учун ошхона идишлари)	3917+3923 30 909*
Трубалар, шланглар, шиналар ва пневматик шина қопламалари, резина камералар, гигиена буюмлари, хирургик қўлқоплар.	4009, 4011, 4013, 4014, 4015 11 000
Қора сақич (мум) билан бўктирилган ёғоч плиталар ва елимланган фанера	4410+4412*
Бочкалар, кичик бочкалар, чаналар, бошқа ёғоч идишлар, ёғочдан қилинган ошхона буюмлари (истеъмол мақсадларида ишлатиладиган)	4416*, 4419*
Табий "пробка"дан тайёрланган буюмлар	4503 10*
Қоғоздан тайёрланган гигиена воситалари, истеъмол маҳсулотларини тозалаш ва қадоқлаш учун ишлатиладиган қоғоз ва картон, папирос, об ой қоғози, истеъмол маҳсулотлари учун қоғоздан тайёрланган идишлар	4803, 4805 30, 4805 40 000, 4806, 4812 00 000*, 4813*, 4814*, 4818*, 4819*, 4823 20 000*, 4823 60*

Номланиши	ТИФ ТН коди
Пахта толаси, пахта толасидан тўқилган газламалар	5201, 5203 00 000, 5208-5212
Тўқимачилик материалларидан тайёрланган вата ва гигиена мақсадларида ҳамда медицинада ишлатиш учун ундан тайёрланган буюмлар	5601 10-5601 22
Қўлда тўқилган ёки машина ёрдамида тўқилган трикотаж кийимлар (болалар ассортиментини)	6105, 6111, 6112, 6115
Қўлда ва машина ёрдамида тўқилган (трикотаждан ташқари) кийимлар (болалар ассортиментини)	6207-6211
Оёқ кийим ва шунга ухшаш буюмлар (болалар ассортиментини) (фақат тайёр оёқ кийим)	6401-6405
Панеллар, плиталар, минерал боғловчи моддалар билан бойитилган плиткалар, гипс плита ва панеллар, цементдан, асбоцементдан ва бетондан тайёрланган буюмлар, тормоз нажладкалари	6808 00 000, 6809-6811*, 6813 10*
Керамик буюмлар (ғишлар, блоклар, плиталар, керамик трубалар, пол ва печлар учун плиткалар, лабораторияда ишлатиладиган керамик идишлар, ванналар, раковиналар, унитазлар, ошхона идишлари)	6901-6903*, 6904-6912*, 6914*
Автотранспорт воситалари учун хавфсиз ойналар, истеъмол маҳсулотлари ва дориларни қадоқлашда ишлатиладиган шиша идишлар, ошхона идишлари, лаборатория, гигиена ва фармацевтика мақсадларида ишлатиладиган шиша идишлар	7007, 7008, 7010, 7013*, 7017
Газ ва суёқликлар учун қора металлдан тайёрланган резервуарлар, цистерналар, идишлар, баклар, овқат тайёрлаш учун печлар (фриторница, қовуриш мосламалари), газ, суёқ ва куюқ ёқилғи ёрдамида иситиш мосламалари, егулик тайёрлаш ва истеъмол қилишда ишлатиладиган ошхона буюмлари	7309 00-7310*, 7311 00*, 7321*, 7323*, 7324 10 900-7324 29 000*, 7324 21 000*
Мисдан тайёрланган буюмлар (егулик тайёрлашда ишлатиладиган ускуналар ва ошхона буюмлари)	7417 00 000*, 7418*
Егулик тайёрлашда ишлатиладиган алюмин ошхона буюмлари	7615-7616*
Пичоқлар, қошиқ ва санҷилар, ошхона тўпламлари ва бошқа ошхона буюмлари	8215*
Ядро реакторлари, буғ қозонлари, ички ёниш двигатели, турбореактив гидротурбиналар, кучланиш мосламалари, ҳаво ва сув насослари, компрессорлар, ҳаво совутгичлар ва ҳаво сўриш шкафлари, ҳаво намлигини сақловчи мосламалар, ўт ёқиш мосламалари, лаборатория ва саноатда ишлатиладиган печка ва камералар, совутгичлар ва музлатгичлар, сув тозалагичлар, стериллаш ускуналари, центрифугалар, идиш-товуқ ювиш машиналари, маҳсулотларни тарозидан тортиш ускуналари, кўтаргичлар, турли хилдаги кўтаргич кранлар, автоюклагичлар, юкларни кўчириш учун машиналар ва ускуналар, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган машиналар, автомобил йўллар техникаси, қишлоқ хўжалиги учун ишлатиладиган аппарат ва мосламалар, чорвачилик ва озиқ-овқат тайёрлашда, тўқимачилик станоклари, нухса кўчириш машиналари, савдо-саноат автоматлари	8401, 8402-8402 20 000, 8403-8403 10 900, 8405-8405 10 000, 8407, 8413-8413 82 000, 8414-8414 80 900, 8415-8415 83 900, 8416-8416 30 000, 8417-8417 80 900, 8418-8418 69, 8419-8419 89, 8421-8421 39, 8422-8422 40 000, 8423-8424 89, 8425-8430 69 000, 8432-8432 80 000, 8433-8433 60 900, 8434-8434 20 000, 8435-8435 10 900, 8436-8436 80 990, 8437-8437 80 000, 8438-8438 80 990, 8439-8439 30 000, 8440-8440 10 900, 8444-8447 90 000, 8450-8450 20 000, 8452-8452 29 000, 8471-8471 41, 8472 10 000, 8476-8476 89 000, 8481

Номланиши	ТИФ ТН коди
<p>Электр машина ва ускуналар;  ўзгарувчан ток двигател ва генераторлари, аккумуляторлар, sanoat печлари ва камералар, микрофонлар, телефонлар, электр уй-рўзгор техникалари, электр сувиситичлар;  овоз ёзиш ва овоз чиқариш ускуналари, телевизион овозлар ва намоишларни ёзиш ва намоиш қилиш аппаратлари, электр лампа ва трубклар, чўланиш лампалари, изоляция қилинган симлар, изоляция қилинган арматуралар</p>	<p>8501+8502 40 900,  8504+8504 50 900,  8507+8507 80 990,  8508+8508 80 900,  8509+8509 30 000,  8514+8514 40 000,  8515+8515 80 990,  8516+8516 80 990,  8517+8517 80 900,  8518+8518 50 900,  8519+8519 40 000,  8521+8521 90 000,  8525+8525 30 900,  8526+8528 30 900,  8530+8530 80 000,  8531+8531 10 800,  8535+8537 20 990,  8539+8539 49300,  8540+8540 89 900,  8544+8544 70 000,  8546+8547 90 000</p>
<p>Ер усти транспортлари (тракторлар, авто транспорт воситалари, велосипедлар, мотоцикллар, моледалар, коляскалар, тиркама ва яримтиркамалар)</p>	<p>8701+8708 39 900,  8708 70,  8708 94+8708 99 500,  8709+8709 19 900,  8711+8713 90 000,  8715 00 100,  8716+8716 80 000</p>
<p>Медицина ёки хирургияда ишлатиладиган оптик прецизион асбоб ускуналар;  ўлчов ва назорат асбоб-анжомлари</p>	<p>9001 10,9008,9009,  9015+9015 80 900,  9016 00+9016 00 100,  9017+9017 80 900,  9018+9022 90 900,  9024+9024 80 990,  9025+9025 80 990,  9026+9026 80 990,  9027+9027 90 900,  9028+9028 30 900,  9029+9029 20 900,  9030+9030 89 990,  9031+9031 80 990,  9032+9032 89 900</p>
<p>Қурул ва ўқ дорилар</p>	<p>9303, 9304, 9306</p>
<p>Мебел (алоҳида буюртмага тайёрланган мебелдан ташқари); лампалар ва ёритиш ускуналари, бошқа жойда номланмаган ёки қўшилмаган</p>	<p>9401+9401 80 000,  9403+9403 80 000,  9405+9405 60 990</p>
<p>Болалар ўйинлари ва ўйинчоқлари</p>	<p>9501+9503 90 990</p>

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МАҲСУЛОТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТАРТИБОТИНИ СОДДАЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавfli бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш, маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш, мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш, истеъмолчини (сотувчини, ижрочини) ҳимоя қилиш, маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги ва «Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилинган.

Ушбу қонун ҳужжатларда маҳсулотларни сертификатлаш, бу борадаги ваколатли органлар, сертификатлаштириш объектлари ва субъектлари, сертификатлаштириш фаолиятига доир умумий талаблар ва бошқа қатор масалалар белгилаб қўйилган.

**Маҳсулотларни сертификатлаштириш** — маҳсулотларнинг белги-ланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолиятдир.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги — «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органидир.

Ўзстандарт» агентлиги «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ:

- сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, сертификатлаштириш ўтказиш юзасидан умумий қоидаларни белгилайди, улар тўғрисида расмий ахборотлар эълон қилиб боради;
- сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни ҳукумат муҳокамасига тақдим этади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда сертификатлаштиришнинг халқаро тизимларига қўшилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, шунингдек сертификатлаштириш натижаларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида битимлар тузади, сертификат-

лаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

- мажбурий равишда сертификатланадиган маҳсулотларнинг рўйхатини белгилайди;

- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини, синов лабораторияларини (марказларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини, шунингдек сифат бўйича эксперт-аудиторларни аккредитация қилади;

- сертификатланган маҳсулотларнинг, сифатни бошқариш тизимларининг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларининг, синов лабораторияларининг (марказларининг), сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг Давлат реестрини юритади, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда бундай маҳсулотни тайёрлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиши устидан ва сертификатланган маҳсулотлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширади;

- қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги учун мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгиларини бекор қилади ҳамда амал қилишини тўхтатиб қўяди, сертификатлаштириш органларининг аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини бекор қилади, синов лабораторияларининг (марказларининг) фаолиятини тугатади.

Амалдаги қонунчиликка кўра маҳсулотлар (шу жумладан дастурий ва бошқа илмий-техникавий маҳсулотлар), хизматлар, шунингдек сифат тизимлари сертификатлаштириш объектлари, яъни сертификат талаб қилиниши мумкин бўлган объектлар ҳисобланади.

«Ўзстандарт» агентлигининг ўзи, унинг томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органлари, сифат бўйича эксперт-аудиторлар, шунингдек маҳсулоти сертификатлаштирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жисмоний шахслар сертификатлаштириш субъектларидир.

Сертификатлаш объекти бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, бу соҳадаги давлат бошқарувини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган.

Қонунга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, уларнинг технологияларига гигиена сертификати талаб қилинади, яъни **гигиена сертификати** — озиқ-овқат маҳсулоти, технология, ускуна ва бошқа жараёнлар амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат томонидан нормалаш;
- озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўхатидан ўтказиш;
- озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;
- давлат назорати ва текшируви;
- озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат бошқарувининг турларидан бири озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлашдир.

Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун қулай шарт-шароитлар шакллантиришни давом эттириш, маҳсулотларни сертификатлаштириш жарёнини соддалаштириш ва бу борадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги, 318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга илова тарзида қабул қилинган «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом мавжуд бўлиб, ушбу Низомда сертификатлашнинг умумий қоидалари, гигиеник сертификатни, ветеринария ва фитосанитария хулосаларини расмийлаштириш ва бе-

риш тартиби, мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби, чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш, маҳсулотни штрихли кодлаштириш қоидалари белгиланган.

Маҳсулотларни сертификатлаштиришни амалга ошириш, қоидага кўра икки босқичда ўтказилади.

**Биринчи босқич** — бир вақтнинг ўзида, заруриятга кўра, ветеринария ва фитосанитария хулосалари тегишли равишда давлат ветеринария нazorати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида расмийлаштирилган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган давлат санитария нazorати органларида гигиеник сертификат расмийлаштирилишини ўз ичига олади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъекти:

- гигиеник сертификатни расмийлаштириш учун ариза билан биргаликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларига мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш юзасидан ариза беришга;

- зарурат бўлганда тегишли хулосалар олиш учун ветеринария ва фитосанитария нazorати органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир.

**Иккинчи босқич** — сертификатлаштириш органлари томонидан мувофиқлик сертификати беришдан иборат.

Низомга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва беришнинг умумий муддати ишларнинг мураккаблиги даражасига, кўп меҳнат талаб қилиши ва ўзига хослигига қараб, барча зарур ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан 1 ойгача доирада белгиланади.

Ариза берувчи ўз хоҳишига кўра таснифлаш Европа товар рақамлаши уюшмаси (EAN) томонидан кодлаштириш борасида корхонанинг рўйхатдан ўтказиш рақамини ҳамда ишлаб чиқариладиган товарнинг бир кун мобайнида бериладиган рақамли коддини олиш учун «EAN Uzbekistan»га мурожаат қилиши мумкин.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан, белгиланган тартибга мувофиқ штрихли коднинг оригинал-макети тайёрланади ва берилади.

Бунинг учун албатта мурожаат қилувчи «EAN Uzbekistan»га аъзо бўлиб, кириши лозим. Унга аъзолик тўғрисида бир йил давомида амал қилувчи гувоҳнома берилади, ушбу давр мобайнида «EAN Uzbekistan» ташкилоти томонидан тадбиркорга ишлаб чиқарган барча маҳсулотлар учун бепул штрих коди берилади.

Ушбу қарор билан мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхати тасдиқланган. Тасдиқланган рўйхатдаги маҳсулот турларидан бошқа бирор маҳсулотга сертификат талаб қилинмайди.

## **VIII. ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

Ўзбекистонда экспорт-импорт операциялари Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экспорт-импорт операцияларни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, "Экспорт-импорт операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш" Тартиби ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

#### ***Ташқи иқтисодий фаолият билан кимлар шуғулланиши мумкин?***

Ташқи иқтисодий фаолият билан Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган барча юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистонда доимий равишда истиқомат қилаётган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар шуғулланиши мумкин.

*Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий тамойиллари:*

- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг мустақиллиги ва иқтисодий эркинлиги;
- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг тенглиги;
- савдо-иқтисодий алоқаларни амалга оширишда турли камситишларга йўл қўймаслик;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш;
- давлат томонидан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

**Ташқи иқтисодий фаолият** деганда маҳсулот ва хизматларни экспорт ёки импорт қилиш тушунилади.

Маҳсулот Экпорти деб — Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан Ўзбекистонга қайтариб олиб кирмаслик шarti билан олиб чиқиб кетилган маҳсулотларга айтилади.

Маҳсулот Импорти деб — Ўзбекистон ҳудудига кейинчалик олиб чиқиб кетмаслик шarti билан келитирилган маҳсулотларга айтилади.

Иш (хизматлар) Экпорти деб — Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахслар томонидан, жойлашув манзилдан қатъий назар, хорижий юридик ёки жисмоний шахсларга кўрсатиладиган ишга (хизмат) айтилади.



Иш (хизматлар) Импорти деб — хорижий юридик ёки жисмоний шахслар томонидан, жойлашув манзилдан қатъий назар, Ўзбекистондаги юридик ёки жисмоний шахсларга кўрсатиладиган ишга (хизматга) айтилади.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш бўйича манфаатдор давлат ташкилотлари.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш бўйича фаолиятни манфаатдор ташкилотлар сифатида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Давлат божхона қўмитаси амалга оширади.

### ***Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтиши шарт бўлган контрактлар***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 августдаги 280-сонли Қарорининг 1-иловасида кўрсатилган давлатлараро битимга асосан клиринг асосида экспорт қилинадиган маҳсулотлар бўйича контрактлар (ТИАА, Молия Вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг қарори Адлия вазирлиги 2004 йил 14 июндаги 989-1-сонли).

2. Маҳсулотларни бартер асосида экспорт қилиш, агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.08.1996 йилдаги 280-сонли «Бартер асосида экспорт-импорт операцияларини қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 1-иловасига киритилмаган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарорларига асосан МДХ ва Болтиқ бўйи давлатларига тайёрловчи компаниялар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўлган тақдирда) ёки ишлаб чиқарувчи (экспорт қилувчилар) томонидан бошқа давлатдан ишлаб чиқариш жараёнига зарур бўлган маҳсулотларни айирбошлаш асосида тузилган контрактлар ТИАА бошқармаларидан рўйхатдан ўтиши шарт.

### ***Контрактларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати***

ТИААда контрактларни рўйхатга олиш қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади:

1. Ариза.
2. Контрактнинг асли ва нусхаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (нусха) ёки давлатлараро битим (нусха).
4. Рақобатчиларнинг нархлари, уларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан биргаликда.

*ТИААнинг ҳудудий бошқармаларидан контрактларни рўйхатга олиш қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади:*

1. Ариза.
2. Контрактнинг асли ва нусхаси.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг қарори (нусха).
4. Рақобатчиларнинг нархлари ва уларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

***Контрактларни рўйхатдан ўтказиш учун зарурий шартлар***

*Контрактларни рўйхатдан ўтиши учун қуйидагилар зарур:*

1. Контрактда кўрсатилган шартлар халқаро савдо қоидаларига, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мос келиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар олдида олган мажбуриятларига мос келиши.

2. Контрактда кўрсатилган нархларнинг жаҳон бозоридаги нархларга мос келиши.

3. Экспорт ва импорт қилинаётган маҳсулотлар нархининг эквивалентлигини кўзда тутиш.

4. Контрактларни рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этиш.

***Шартномада қуйидаги бандлар кўрсатилиши тавсия этилади***

1. Преамбула
2. Шартнома
3. Етказиб беришнинг асосий шартлари
4. Маҳсулотни етказиб бериш муддати
5. Маҳсулотнинг нархи ва умумий қиймати
6. Маҳсулотнинг қадоқланиши
7. Маҳсулот жўнатишнинг тартиби
8. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш тартиби
9. Маҳсулотнинг рекламаси
10. Кафолатлар
11. Маҳсулотнинг келиб чиқиш жойи
12. Санкциялар
13. "Форс-мажор" ҳолатлари
14. Арбитраж
15. Шартномани бажарилиш муддати
16. Томонларнинг реквизитлари
17. Шартнома тузилган тил
18. Шартномани тўхтатиш

Экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш тартиби қуйидагича (1, 2-расмлар):



1-расм. Тўғридан-тўғри экспорт операциясини амалга ошириш тартиби



2-расм. Тўғридан-тўғри импорт операциясини амалга ошириш тартиби

\* Халқаро молия корпорациясининг 2003 йилнинг якуни бўйича тайёрланган «Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого бизнеса» брошюрасидан олинди. (143, 145-бетлар). — Тошкент, 2003 йил.

**DAF – Delivered at Frontier .....**

**Чегарагача етказиб бериш (манзил номи) .....**

Чегарагача етказиб бериш термини, сотувчи томонидан юк барча божхонадаги экспорт бўйича расмиятчиликларидан ўтказилиб, лекин ҳали импорт шартлари асосида бўлмаган харидор қўлига етказиб беришни англатади. «Чегара» деганда сотувчи шахс давлатининг чегараси тушунилади.

Ушбу терминни шартлари қуруқликдаги барча турдаги транспорт воситаларида юк ташишга қўллаш мумкин.

Агарда юк сув транспорти орқали келтирилган бўлса ёки портда турган бўлса, бу ҳолда DEA ёки DEQ терминларининг шартлари қўлланилиши мумкин. Масалан, «DAF Тошкент».

**1-жадвал. Инкотермс-2000 шартлари асосида маҳсулотларни етказиб беришнинг асосий шартлари**

Гуруҳ	Рақамлар коди	Лотин тилидаги ҳарфлар коди	Рус тилидаги ҳарфлар коди	Юкни етказиб бериш шартлари
"E" гуруҳ - юкни жўнатиш	1.	EXW	EXB	Заводдан
"F" гуруҳ - Сотувчи томонидан асосий транспорт тури учун харажатлар қопланмайди	2.	FCA	ФСА	Юк ташувчида бепул
	3.	FAS	ФАС	Сув транспорти бортида бепул
	4.	FOB	ФОБ	Сув транспорти бортида бепул
"C" гуруҳ - сотувчи томонидан асосий транспорт воситаси харажатлари қопланади	5.	CFR	СФР	Нарх ва фрахт
	6.	CIF	СИФ	Нарх,суғурта ва фрахт
	7.	CPT	СПТ	Юк ташиш манзилгача тўланган
	8.	CIP	СИП	Юк ташиш ва суғурта манзилгача тўланган
"D" гуруҳ - юкнинг етиб келиши	9.	DAF	ДАФ	Чегарагача етказиб бериш
	10.	DES	ДЕС	Сув транспортдан етказиб бериш
	11.	DEQ	ДЕК	Қирғоқда етказиб бериш
	12.	DDU	ДДУ	Бож тўловларини тўламасдан етказиб бериш
	13.	DDP	ДДП	Бождарни тўлаб етказиб бериш

**2-жадвал. Транспорт воситаларининг турлари ва уларнинг  
Инкотермс-2000 шартларига мос келиши**

Барча транспорт воситалари, аралаш юк ташишларни ҳам инобатга олган ҳолда	EXW FCA CPT CIP DDU DDP DAF
Денгиз ва дарё транспорти	FAS FOB CFR CIF DES DEQ

Инкотермс-2000 бўйича қўшимча маълумотлар олиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг «Ахборот ва бизнес юритишга маслаҳат бериш» бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

## **IX. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

### **ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ДАЪВО АРИЗАЛАРИНИ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИДА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ**

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 1-моддасида хўжалик ишлари бўйича иш юритишнинг, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд ҳимояси билан таъминланганлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланганлигини билдирувчи асосий тамойиллардан бири мустаҳкамлангандир. Бузилган ва низолашаётган ҳуқуқлари ёҳуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи фуқароларнинг тадбиркорлик, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг алоҳида муҳим тури ҳисобланади.

Хўжалик судида низоли ишларни кўриб ҳал қилишнинг белгиланган босқичларида тегишли процессуал ҳаракатларни бажариш билан кўзланган мақсадга эришилади. Бу босқичлар қуйидагилардан иборат:

- 1) биринчи инстанция судида иш юритиш;
- 2) апелляция инстанция судида иш юритиш;
- 3) кассация инстанциясида иш юритиш;
- 4) назорат тартибида иш юритиш.

Ишларни юқорида қайд қилинган босқичларда кўрилиши манфаатдор шахсларнинг ишнинг якунидан қаноат ҳосил қилганлигига боғлиқ бўлади.

*Тадбиркорлик субъектлари фаолияти жараёнида юзага келган қуйидаги ишларни хўжалик судлари кўриб ҳал қилади:*

1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

## **Кимлар хўжалик судида иш қўзғатиши мумкин?**

*Хўжалик процессуал кодексининг 6-моддасига кўра қуйидаги шахслар иш қўзғатиши мумкин:*

1) манфаатдор шахслар- булар: даъвогарлар, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича арз қилувчилар, банкротлик ҳақидаги ишлар бўйича кредиторлар ва қарздорлар. Бу шахслар ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини талаб қиладилар ва улар ишнинг натижасидан моддий манфаатдордирлар;

2) давлат ва жамият, айрим юридик шахслар ва тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор;

3) давлат органлари ва бошқа органлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига фақат қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Хўжалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши керак.

Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддасига кўра хўжалик суди қуйидаги низоларни ҳал этади, яъни тадбиркор ушбу низолар юзасидан хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин:

1) тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

2) шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;

3) мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;

4) мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

5) мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

6) мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;

7) етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар;

8) шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

9) давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

10) ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

11) давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят;

12) агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса текширув вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

13) текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолар.

Юқорида келтириб ўтилган хўжалик судига таалуқли ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан кўрилади.

*Олий хўжалик суди қўйидаги ишларни кўради:*

Республика бошқарув органлари билан вакиллик ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар;

Ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар.

Олий хўжалик суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган хўжалик судидан олиб қўйиш ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритишига қабул қилишга, ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказишга ҳақли.



Одатда даъволар жавобгар жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилади. Юридик шахсга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятидан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма жойлашган ерда тақдим этилади.

Турли ерларда жойлашган бир неча жавобгарга нисбатан даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарларнинг бири жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилади.

Агар жавобгарнинг қаердалиги ноъмалум бўлса, даъволар унинг мол-мулки жойлашган ердаги ёки Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган охириги турар жойидаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ташкилоти ёки фуқароси бўлган ва аини пайтда бошқа давлат ҳудудида турган жавобгарга нисбатан даъволар даъвогар жойлашган ердаги ёки жавобгарнинг мол-мулки жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ижро этиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъволар шартнома ижро этиладиган ерда тақдим этилиши мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолларда тарафлар шартнома асосида қайси судга мурожаат қилиш масаласини ҳал қилишлари мумкин.

Хўжалик судлари томонидан кўриладиган иккинчи тоифа ишлар юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлардир.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар аризачи турган жойда кўрилади. Бинога, иншоотга, ер участкасига эгаликни аниқлаш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно бўлиб, улар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган ерда кўрилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар эса қарздор турган жойда кўрилади.

Қонунда ушбу масалаларнинг аниқ белгиланиши билан, аризачининг қайси судга ариза киритиш масаласи ҳал қилинади. Яъни иш қаерда кўрилса ушбу ҳудуддаги судга ариза киритилади.

Бино, иншоот, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги, бино, иншоот, ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгалигининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги даъволар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган ерда тақдим этилади.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган йўловчи, багаж ва юк ташувчига нисбатан даъволар, шу жумладан йўловчи, багаж ва юк ташувчи жавобгарлардан бири бўлган ҳолларда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган ерда тақдим этилади.

Хўжалик судлари томонидан ишларни кўриш жараёнида муайян харажатлар қилинади. Бу суд харажатлари деб аталади. Ишда иштирок этувчи тарафлар ушбу харажатларни қоплаши лозим.

Суд харажатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан: суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, хўжалик суди тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни ўз жойида кўздан кечириш учун тўланиши керак бўлган сумма, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан ташкил топади.

Суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларининг тахминий суммаси хўжалик суди томонидан белгиланади ва даъвогар томонидан хўжалик судининг депозит ҳисобварағига ўтказиб қўйилиши керак.

*Қуйидагилар учун давлат божи тўланади:*

- 1) даъво аризалари;
- 2) ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалар;
- 3) низо предмети юзасидан мустақил талаблар қўядиган учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалар;
- 4) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар;
- 5) хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари, шунингдек иш юритишни тугатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш, суд жарималари солиш тўғрисидаги ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари;
- 6) ҳакамлар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш варақасини бериш тўғрисидаги ариза;
- 7) ҳакамлар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ва ижро варақасини беришни рад этиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари.

Даъво талаблари кўпайтирилганида давлат божининг етишмаётган суммаси ҳал қилув қарори қабул қилинаётганда даъвонинг кўпайган суммасига мувофиқ ундирилади. Даъво қиймати камайирилганда тўланган бож қайтарилмайди.

Хўжалик судларига бериладиган даъво аризаларидан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 5 мартдаги 120-сонли «Давлат божи ставкаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган давлат божи ставкаларига мувофиқ қуйидаги суммаларда давлат божи олинади:

а) мулкий тусдаги даъво аризаларидан, даъво баҳоси:

1 млн. сўмгача бўлганда - даъво баҳосининг 3 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

1 млн. сўмдан ортиқ 10 млн. сўмгача бўлганда — даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида;

10 млн. сўмдан ортиқ бўлганда — даъво баҳосининг 1 фоизи миқдорида; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг мулкий тусдаги даъво аризаларидан — даъво баҳосининг бир фоизи миқдорида;

б) мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан, шу жумладан, корхоналар ва бирлашмаларнинг юқори турувчи органларининг актларини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги аризаларидан, шунингдек, жамоа хўжаликларининг, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ташкилотлари халқаро бирлашмаларининг мулкка оид бўлмаган даъво аризаларидан — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида;

в) банкротлик ҳақида иш қўзғатиш тўғрисида аризалардан — энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида;

г) хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш вақтида келиб чиқувчи низолар бўйича даъво аризаларидан — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида;

д) хўжалик судларининг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризалардан — низони биринчи инстанцияда кўриб чиқиш учун ариза берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий тусдаги низолар бўйича эса — талашилаётган суммадан ҳисоблаб чиқарилган ставкалар миқдорида;

е) хўжалик суди қарорлари, ажримлари ва бошқа қарорларининг дубликатларини ҳамда томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосларига биноан хўжалик судлари томонидан ишлардан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини берган — ҳужжатнинг ҳар бир саҳифаси учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида.

Алоҳида ҳолларда суд даъвогарнинг аризасига кўра унинг мулкий аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли.

*Ҳар бир қилинаётган даъво ўз қийматига эга бўлиб, даъвонинг баҳоси қуйидагича аниқланади:*

1) пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича - ундириладиган суммага қараб;

2) ижро этиш ҳужжатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар бўйича — низолашилаётган суммага қараб;

3) мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — шу мол-мулкнинг қийматига қараб;

4) ер участкасини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — ер участкасининг белгиланган баҳода, баҳоси бўлмаса — бозор баҳосида чиқарилган қийматига қараб.

Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатилган жарима (пеня), суммалари ҳам киритилади.

Бир неча мустақил талаблардан иборат бўлган даъвонинг баҳоси барча талабларнинг суммаси билан белгиланади.

Даъвонинг баҳоси нотўғри кўрсатилган тақдирда у хўжалик суди томонидан белгиланади.

Давлат божи «Давлат божи тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ қўйидаги ҳолларда қайтарилади:

1) низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилганда ва даъвогар ушбу тоифадаги ишлар учун низо-ни судгача ҳал қилишни белгиланган тартибига риоя этмаганлиги сабабли, даъво кўрмасдан қолдирилганда;

2) давлат божи жавобгардан давлат фойдасига ундирилиб бўлгандан кейин суд қарори тегишли тартибда бекор қилинган бўлса.

Давлат божи тўланган, лекин хўжалик судига келиб тушмаган ёки у қайтарган аризалар, апелляция ёки кассация шикоятлари бўйича ҳамда божни тўлиқ ёки қисман қайтаришни назарда тутувчи суд ҳужжатлари бўйича уни қайтариш суд томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади.

Давлат божини бюджетдан қайтариш тўловчининг аризаси асосида солиқ органи томонидан амалга оширилади.

Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади.

Агар ишда иштирок этувчи шахс томонидан шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибини бузиш (талабномани жавобсиз қолдириш, талаб қилинган ҳужжатларни жўнатмаслик) оқибатида келиб чиққан бўлса, хўжалик суди ишнинг натижасидан қатъий назар, суд харажатларини шу шахсга юклашга ҳақли.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд харажатларини тақсимлаш тўғрисида ўзаро келишсалар, хўжалик суди шу келишувга мувофиқ қарор қабул қилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация шикоятни беришлари билан боғлиқ суд харажатлари ушбу моддада баён қилинган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект юзага келган низоли масалаларни ҳал қилиш учун хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли. Низоли масалалар юзасидан судга мурожаат қилинганда хўжалик судига даъво аризаси тақдим этилади.

Даъво аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил сифатида тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатга эга бўлган ҳар қандай фуқаро иштирок этиши мумкин.

Вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши лозим. Ташкилот номидан берилган ишончномага унинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларида бундай ваколат берилган бошқа шахс имзо чекади ва бу имзо ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади. Фуқаро томонидан берилган ишончнома эса нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозим.

*Хўжалик процессуал кодексининг 112-моддаси талабига кўра даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:*

- ариза берилаётган хўжалик судининг номи;
- ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг почта манзиллари;
- агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
- даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- ундириладиган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;
- даъвогарнинг қонун ҳужжатларини далил қилиб келтирган талаблари, даъво бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса - уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар;
- низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тарафдаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар ҳам, шунингдек, даъвогарда мавжуд илтимосномалар кўрсатилади.

Ишга жавобгар сифатида жалб қилинган тараф иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳақлидир.

Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади. Қарши даъво аризаси асосида тегишли хўжалик судига мурожаат қилади.

*Қарши даъво қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:*

- қарши талаб дастлабки талабни ҳисоб қилишга қаратилган бўлса;
- қарши даъвони қаноатлантириш дастлабки даъвони қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмайдиган қилиб қўйса;
- қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низои тез ва тўғри кўришга олиб келса.

Даъво аризаси судга тақдим этилгач ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак.

Алоҳида ҳолларда ишни кўриш муддати хўжалик судининг раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Хўжалик судида иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири даъволи ишларда тарафларнинг келишув битими тузиш орқали ишларни ҳар қандай инстанцияда тамомлашлари мумкинлигидир.

Тарафларнинг келишув битимига эришиши улар томонидан ёзма тарзда расмийлаштирилади. Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланади, бу ҳақда ажрим чиқарилиб, унда иш юритиш тугатилганлиги кўрсатилади.

Хўжалик суди низои мазмунан ҳал қилишда ҳал қилув қарори қабул қилади. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асосланган бўлиши керак. Хўжалик суди ҳал қилув қарорини мажлисда текширилган далиллар билангина асослайди.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Апелляция шикоятни берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаса, апелляция инстанцияси қарор чиқарган пайтдан қонуний кучга киради.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади. Ушбу органлар томонидан чиқарилган ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топишнинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, ҳужжат ҳақиқий эмас деб топилгач, барча муносабатлар дастлабки ҳолига қайтади.

Хўжалик судлари томонидан иш юритишнинг иккинчи инстанцияси бу апелляция тартибида иш юритишдир. Ушбу инстанцияда иш юритиш хўжалик процессуал қонунчилигида янги институт бўлиб, қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилигини текширишга мўлжалланган.

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни бериш (протести келтириш)га ҳақлидир.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан тушган апелляция шикояти (протести) хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади.

*Қуйидагилар хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади:*

- иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;
- хўжалик суди аниқланган деб ҳисоблаган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;
- моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

Апелляция инстанцияси аризани кўриб чиқиб, қарор қабул қилади. Норози тараф апелляция инстанциясининг қарори устадан шикоят қилиши мумкин.

Хўжалик судида иш кўришнинг кейинги босқичи кассация инстанциясидир.

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти беришга, прокурор эса - кассация протести келтиришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан биринчи ва апелляция инстанцияларида қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ва қарорларнинг қонунийлигини текширади.

4) ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган хўжалик судининг ҳужжати ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар томонидан шу ҳужжатни қабул қилган хўжалик судига суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин.

Аризага унинг нусхалари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ариза белгиланган муддат ўтгандан кейин берилса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса ёхуд ариза нусхалари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаса, у судья томонидан аризачига қайтарилади.

Биринчи инстанцияда қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим шу ҳал қилув қарорини, ажримни қабул қилган хўжалик суди томонидан қайта кўрилади.

Янги очилган ҳолатлар бўйича апелляция, кассация ёки назорат инстанциясининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган қарорлари ва ажримларини қайта кўриш хўжалик судининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган инстанцияси томонидан амалга оширилади.

Хўжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани у тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда ўз мажлисида кўради. Аризачи ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб, аризани қаноатлантиради ва суд ҳужжатини бекор қилади ёхуд қайта кўришни рад этади.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.



## ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕКШИРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАНДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини амалга ошириш жараёнида солиқларни ўз вақтида ва тўғри тўлаб бориши, белгиланган қоидаларга риоя қилиш давлат томонидан текшириб борилади ва бу фаолият бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Текширишларни амалга оширувчи орган фақат қонунда белгиланган доирадагина ҳаракат қилиши мумкин.

Тадбиркор текшириш ўтказиш жараёнида нималарни билиши, ўз ҳуқуқларини қандай тартибда ҳимоя қилиши мумкин?

**Текшириш** — ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

Текширишлар режали, комплекс, режадан ташқари, қисқа муддатли, муқобил, тафтиш шаклида, назорат тартибида бўлиши мумкин.

**Режали текшириш** — Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш) томонидан тасдиқланган йиллик (чораклик) режа-жадвал асосида бир ёки бир неча назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текшириш.

**Режали текширишлар** — кўпи билан бир йилда бир марта ёки солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган ҳамда ҳар йилги аудиторлик хулосаси тайёрлаётган тадбиркорлик субъектларида кўпи билан икки йилда бир марта ўтказилади.

**Комплекс текшириш** — бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш. Комплекс текшириш режали текширишнинг бир тури бўлиб, текширувчи ва текширилувчининг вақтини тежаш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашув ҳолатларини чеклаш мақсадида, қоида тариқасида, бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилади.

**Режадан ташқари текшириш** — назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошираладиган, йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (шу жумладан қисқа муддатли).

Режадан ташқари текширишлар бундай текширишни ўтказиш заруритини талаб қилувчи ҳолларда ўтказилади. Текширувчи орган режадан ташқари текшириш ўтказиш учун Кенгаш томонидан рухсат этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бир қаторда, текшириш ўтказиш санаси ва текширишни ўтказиш юклатилган мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган тегишли буйруқни расмийлаштириши лозим.

*Режадан ташқари текширишлар қўйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:*

- текшириш ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорида текшириш ўтказиладиган корхонанинг номи кўрсатилган ҳолда назарда тутилган бўлиши мумкин;
- назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ёки бошқа қонун ҳужжатларининг бузилиши фактлари тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда. Бундай маълумот сифатида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган, аниқ асослантирилган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган қонун бузилиши фактлари кўрсатилган маълумот ҳисобланади;
- фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;
- санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

Режадан ташқари текширишлар корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган ҳоллардагина Кенгашнинг ҳудудий комиссияси ёзма рухсатига асосан алоҳида идоралар (масалан, санитария-эпидемиология назорати марказлари, солиқ инспекцияси, энергия назорати) томонидан ўтказилиши мумкин. Агарда, режадан ташқари текшириш корхонанинг молия-хўжалик фаолиятига тааллуқли бўлса, бундай текшириш фақат Кенгаш рухсати билан ўтказилади.

*Режадан ташқари текширишларнинг даврийлиги қонун билан белгиланмаган:*

**Қисқа муддатли текшириш** — назорат қилувчи орган томонидан бир иш куни давомида амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текшириш.

**Муқобил текшириш** — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув. Муқобил текшириш жиноят ишлари юзасидан тергов

олиб бориш жараёнида тегишли ҳуқуқни муҳофоза қилувчи органнинг текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарори асосида ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси қарорига биноан ўтказилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектда муқобил текшириш ўтказишга унинг текширилаётган ёки тергов олиб борилаётган корхона билан ўзаро хўжалик муносабатларига доир қисмидагина йўл қўйилади. Бундай хўжалик муносабатларининг мавжудлиги ҳужжатлар билан, шу жумладан шартнома юк ҳужжатлари ва бошқа маълумотлар жамланган тергов материаллари билан тасдиқланган бўлиши лозим. Муқобил текшириш предметига тааллуқли бўлмаган ҳужжатларни талаб қилиш ҳамда материалларни ёки бошқа маълумотларни ўрганиш қонун билан тақиқланган.

**Тафтиш** — молия ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқ, давлат статистика органларига ҳамда банкларга тақдим этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа ҳужжатларини текшириш.

**Назорат тартибида текшириш** — хўжалик юритувчи субъектларнинг илгари текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш. Бу турдаги текшириш назорат қилувчи органлар томонидан фақатгина аввалги ўтказилган текшириш натижаси бўйича тузилган далолатномада (маълумотнома) кўрсатилган ҳолатлар юзасидан ва муддатда ўтказилади. Назорат тартибида текшириш Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси билан қўшимча келишувсиз амалга оширилади.

Текширишлар жараёнида тадбиркорлик субъекти билан бир қаторда унинг манфаатларини ифода этиб, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакили ҳам иштирок этиши мумкин.

Ҳар қандай текшириш ўтказувчи назорат органи текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириши лозим. Назорат қилувчи органларнинг расмий вакили текшириш бошланишидан олдин Текширишларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзувлар киритиши лозим.

Текширишларни рўйхатга олиш китоби (кейинги ўринларда ТРОК) мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юритиладиган расмий ҳужжат ҳисобланиб, белгиланган намунага мувофиқ бўлиши, қаттиқ муқова билан қопланган ва рақамланган, тикилган, варақлар сони ва ТРОКни юритиш санаси кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак. Текшириш бошланишидан

олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор) текширувчи мансабдор шахсга ТРОКни тегишли устунларни тўлдириш учун тақдим этади.

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда ТРОК мавжуд бўлмаган тақдирда, текшириш далолатномасида (маълумотномада) бу ҳақда тегишли ёзув киритилиши шарт. Текширувчи мансабдор шахс Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортса, у текширишга қўйилмайди. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилгандан ва текшириш тугагандан сўнг мансабдор шахс - текшириш раҳбари ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор) унда қайд қилинган ёзувларни тўғрилигини ўзларининг имзолари билан сана ва вақтни кўрсатган ҳолда тасдиқлайдилар.

Текширишларни рўйхатга олиш китобида ўчириб ёзиш ва бўйаш таъқиқланади. Тўғрилашлар хато ёзувлар ўчирилиб, керакли маълумотларни устидан қайта ёзиш ёки қўлда устидан ёзиш йўли билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир бундай тўғрилаш мансабдор шахс — текшириш раҳбарининг ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг имзоси билан тасдиқланади.

*Текширувчи текширишни бошлашдан олдин қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишга мажбурдир:*

- Режали текширишда — назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаши ёки унинг тегишли ҳудудий комиссияси томонидан берилган текширишларни мувофиқлаштириш режа-жадвалидан кўчирма;
- Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаши ёки унинг тегишли ҳудудий комиссиясининг режадан ташқари ёки муқобил текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарори;
- Назорат қилувчи органнинг текшириш мақсади, текширувчилар таркиби ҳамда текшириш ўтказиш муддатлари кўрсатилган текшириш тайинлаш тўғрисидаги буйруғи;
- Назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текширишларни ўтказиш режаси;
- Текшириш ўтказишни тайинлаган назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг Хизмат гувоҳномаси;
- Текширувчининг аттестациядан муваффақиятли ўтганлиги ва текшириш ўтказиш ҳуқуқи борлигини тасдиқловчи махсус гувоҳнома;
- Жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш ўтказиш, шу жумладан муқобил текшириш ўтказишда-тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарори;

- Текширувга аудиторлик ташкилотлари ва экспертлар жалб этилган тақдирда, текширувчи орган билан аудиторлик ташкилоти ёки эксперт ўртасида тузилган шартнома нусхаси.

Ҳар бир текшириш якуни бўйича текширувчи ва текширилган идора маъсул шахси текшириш далолатномасини (маълумотномани) имзолаши шарт. Текшириш далолатномаси (маълумотномаси) текширувчи шахс ва текширилган идоранинг ваколатли шахси, хусусан директор ёки унинг ўринбосари, бош ҳисобчиси ёки бош молиячи ва бошқалар томонидан имзоланади. Агар Сиз, корхонанинг маъсул шахси бўлган ҳолда текшириш натижалари ва хулосаларидан норози бўлсангиз, текшириш далолатномасини (маълумотномани) имзолашда ўз эътирозингизни ёзма равишда билдиришингиз мумкин. Текшириш далолатномаси (маълумотнома) Сиз томонингиздан ва текширувчи шахс томонидан имзоланиши лозим бўлиб, унда Сизнинг эътирозларингиз нимадан иборатлиги кўрсатилиши шарт. Далолатнома (маълумотнома)нинг бир нусхасини ўзингизда қолдиришингиз лозим.

Тадбиркор текшириш натижалари бўйича ўз норозилигини билдириш ҳуқуқига эга. Тадбиркор тегишли маслаҳатлар олиш учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига ёки маҳаллий бизнес уюшмасига мурожаат қилиши мумкин.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кўзғатилган жиноий иш мавжуд бўлганда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида текшириш, шу жумладан муқобил текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарорида аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Текшириш корхонанинг далолатномани (маълумотномани) имзолашга ваколатли бўлган мансабдор шахсларининг йўқлиги сабабли бошқа муддатга кўчирилиши мумкин. Бундай ҳолатда тадбиркорлик субъекти текшириш бошлангунга қадар тегишли текширувчи органга текшириш муддатини кўчириш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эга.

Назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари тақдим этган асосларга биноан тегишлича Кенгаш ва унинг вилоят комиссиялари бундай тадбиркорлик субъектларини текширишни, истисно ҳолларда, бошқа муддатга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

Ҳуқуқлари бузилган тадбиркор Адлия вазирлигига, судга ҳам даъво аризаси бериши мумкин. Жиноят аломатлари (товламачилик, таъмагирлик ва бошқалар) бўлганда эса, тадбиркор ички ишлар ёки прокуратура органларига ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари текширувчи шахсларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар. Бунда, текширувчи мансабдор шахслар тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлашга мажбурдирлар. Агарда, текширувчи шахслар томонидан талаб этилаётган ҳужжатлар, шу жумладан тижорат сирини ёки махфий маълумот, текшириш предметига тааллуқли бўлмаса, Сиз уларни тақдим этишни рад қилишингиз мумкин.

Текшириш масаласи бўйича тадбиркорлар учун қонунда назарда тутилган ҳуқуқ ва кафолатларга асосан, тадбиркорлар Кенгаш ишчи органи ва унинг ҳудудий комиссияларидан текширув билан боғлиқ (текшириш тури, вақти, текширувчи органнинг номи, текшириш ўтказиш учун асос ва бошқалар) маълумотларни бепул олиш ҳуқуқига эга.

Кенгаш томонидан тасдиқланган режали текширишлар ҳақидаги маълумот хар ойда «Солиқ ва божхона хабарлари» газетасида чоп этилади. Тадбиркорга режали текширишлар, асосан комплекс тарзда ўтказиладиган текширишлар (режали комплекс текширишлар) туғрисида олдиндан маълумотга эга бўлиш учун ушбу газетани мунтазам равишда ўқиб бориш тавсия этилади.

*Тадбиркорлар текширишлар жараёнида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:*

1. Ўз фаолияти текширилиши туғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш.

2. Назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш.

3. Текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик, назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик.

4. Назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш.

5. Қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

### *Тадбиркорларнинг мажбуриятлари:*

Текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этиш, уларни текшириш объектларига киритиш, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашиш.

Текширувчилар томонидан корхона фаолиятида қоидабузарликлар ёки қонун ҳужжатларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, текширувчилар ўз ваколатларига мувофиқ аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга қаратилган барча зарурий чораларни кўришга ҳақлидирлар. Шу билан бир қаторда, текширувчилар ёки бошқа ваколатли мансабдор шахслар қоидабузарлик ҳолатидан текширилаётган тадбиркорлик субъектининг қонуний фаолиятига аралаштириш ёки бошқача чеклаш учун фойдаланишга ҳақли эмас.

Текширувчилар ёки текширувчи органнинг бошқа мансабдор шахсининг ҳар қандай ҳаракатлари устидан белгиланган тартибда судга ёки юқори турувчи назорат қилувчи ёхуд ўзга ваколатли органга, масалан, адлия идораларига шикоят қилиниши мумкин.

Текширишлар ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши юзасидан шахсан, жинойий жавобгарликкача бўлган жавобгарлик қонунга мувофиқ назорат қилувчи органлар раҳбарларига ва ваколатли шахсларига юклатилган.

Тадбиркор ўз фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги натижасида етказилган зарарни, шу жумладан ҳақиқатда етказилган зиённи, бой берилган фойдани, шунингдек маънавий зарарни назорат қилувчи органнинг айбдор мансабдор шахсидан суд орқали ундирилишини талаб қилиши мумкин.

*Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:*

- Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;
- Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш.
- Тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш.
- Текширувга аудиторлик ташкилотларини ва (ёки) экспертларни белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш.

- Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш.

- Режали текширишларни ўтказиш муддатини кўчириш тўғрисида, башарти бунга объектив асослар бўлса, Кенгашга тақдимнома киритиш. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

1. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш.

2. Хўжалик юритувчи субъектлар ишлашига халал бермаслик.

3. Текширишларни рўйхатга олиш китобига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзиб қўйиш.

4. Давлат сирини, тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш.

5. Текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириш.

6. Ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

*Тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан назорат қилинишини тартибга солиш* қуйидаги норматив ҳужжатлар мавжуд:

1. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 24.12.1998 йилдаги қонуни.

2. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 25.05.2000 йилдаги қонуни.

3. «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.1996 йилдаги ПФ-1503-сон Фармони.

4. «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.11.1998 йилдаги ПФ-2114-сон Фармони.

5. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом (Адлия вазирлиги томонидан 26.04.2001 йилда 1029-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2001 йил 15 майдаги 55-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юри-



тиш тартиби тўғрисидаги Низом (Адлия вазирлиги томонидан 15.05.2001 йилда 917-1 -сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

7. «Муқобил текширишларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири (08.01.2001 й., 20-21-2-сон), Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (10.01.2001 й., 7-3-01-сон), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири (10.01.2001 й., 1-сон), Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг (09.10.2001 й., 9/48-сон) қўшма кўрсатмаси.

8. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда қонунийликни таъминлаш буйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири (23.08.2001 й., 01-01-28-сон), Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (24.08.2001 й., 7-3-01-сон), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири (25.08.2001 й., 1/780-сон), Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси (27.08.2001 й., Ук-7-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг (27.08.2001 й., 01-5771-сон) қўшма кўрсатмаси.

## **Х. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ГЛОБАЛ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ**

### **«ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

#### *Электрон тижорат ва уни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси*

Ўзбекистонда ҳалқаро андозаларга мос равишда, янги ахборот технологиялари ва глобал телекоммуникация воситаларига асосланган иқтисодий тизимнинг жадал ривожлантириш борасида республикамизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сонли «Ахборотлаштириш тўғрисида» ги ва 562-II-сонли «Электрон рақамли имзо тўғрисида» ги, 2004 йил 29 апрелдаги 611-II-сонли «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги ва 613-II-сонли «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва бошқа норматив ҳужжатлар бунинг ёрқин мисолидир. Қуйида биз уларнинг айримлари билан Сизларни таништирамиз.

Иқтисодиётнинг жадал суратларда ривожланиши, тадбиркорликнинг янги тамойилларидан бири электрон тижоратни ҳаётга тадбиқ этиш заруратини келтириб чиқарди. Электрон тижорат, биринчи навбатда Интернет орқали битимлар тузишни англатади.

Бугунги кунда дунёнинг барча нуқталарига тижоратни Интернет орқали амалга ошириш кенг кириб бормоқда. Кўплаб йирик корхоналарнинг тажрибали бошқарувчилари эндигина ўсиб келаётган тадбиркорлик субъектларининг талабларидан келиб чиқиб бу ишларни амалга оширмоқдалар. Электрон тижоратнинг отаси Билл Гейтс 2005 йилга бориб корхоналарнинг қуйидаги икки турга бўлинишини таъкидлаб ўтган эди<sup>2</sup>:

- 1) Интернет орқали тижоратни амалга оширувчи корхоналар;
- 2) Тижоратдан чиқиб кетган корхоналар.

Иқтисодиётнинг ушбу янги тармоғини ривожланиши биринчи навбатда бу соҳадаги муносабатларни ва унда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилинишини талаб қилади.

Республикамизда электрон тижоратни тартибга солиш борасида ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, бу эса ўз навбатида ушбу тармоқни ривож-

лантиришга хизмат қилади. 2004 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун ана шундай ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир.

Хўш, электрон тижоратнинг ўзи нима, унинг ҳозирги кунда қандай турлари мавжуд электрон тижоратнинг тадбиркорлик субъектлари учун қандай афзалликлари бор?

### *Электрон тижорат турлари ва электрон шартномаларни тузиш тартиби*

Амалдаги қонунчиликка асосан электрон тижорат — бу ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолиятидир.

Электрон тижоратга берилган қонундаги тарифдан келиб чиқиб, электрон тижоратни уч турга бўлиш мумкин:

- 1) товарларни сотишга доир;
- 2) ишларни бажаришга доир;
- 3) хизмат кўрсатишга доир.

Ҳар бир тадбиркор бу уч соҳа бўйича тижорат битимлари тузиши, ўзаро ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиши мумкин, яъни **электрон тижорат иштирокчиси** сифатида қатнашиши мумкин. Ҳозирги кунда Интернет тармоғи орқали юқорида санаб ўтилган электрон тижорат турларидан ташқари тадбиркорлик субъектлари ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, кўрсатадиган хизматлар ва бажарадиган ишларнинг рекламасини амалга ошириши, маркетинг тадқиқотларини олиб бориши, кадрлар масаласини ҳал қилиши ва бошқа қатор ишларни амалга ошириш имкониятига эгадир.

Электрон тижоратда икки томон қатнашади:

- 1) электрон тижоратни амалга оширувчи, яъни маҳсулот сотувчи, хизматлар кўрсатувчи ва ишлар бажарувчи юридик ва жисмоний шахслардир;
- 2) харидор — юридик ёки жисмоний шахслар, давлат.

Шунингдек, электрон тижоратда учинчи тараф сифатида ахборот воситачиси ҳам иштирок этиши мумкин. Бугунги кунда бутун дунёдаги энг яхши электрон тармоқ бўлган Интернет бу ўринда воситачилик вазифасини бажариб келмоқда.

Интернет орқали амалга ошириладиган электрон тижоратни уларда иштирок этувчи субъектларга кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- B2B (business-to-business — корхонанинг корхона билан);
- B2C (business-to-consumer — кохонанинг истеъмолчи билан);
- C2C (consumer-to-consumer — истеъмолчининг истеъмолчи билан);
- бошқалар C2B (consumer-to-business — истеъмолчининг корхона би-

лан), G2B (government-to-business — давлатнинг корхона билан), G2C (government-to-consumer — давлатнинг истеъмолчи билан).

Ушбу келтирган мисолларимиз электрон тижоратнинг энг кенг тарқалган турлари ҳисобланади.

Business-to-business (B2B) — бу тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги электрон тижоратнинг кўп тарқалган тури бўлиб, хўжалик субъектларига электрон тармоқ орқали фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида, жумладан, реклама, кадрлар, молиявий, товарларни сотиш, хизматлар кўрсатиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, техник жиҳатдан таъминлаш ва бошқа соҳаларда ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш имконини беради.

B2B тижорат турига бирор бир корхонанинг интернетда ўтказиладиган аукцион ёки тендерда иштирок этишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бунда корхона ўзининг Интернетдаги манзилига бирор технологияни сотиб олиши ҳақида маълумотларни киритади. Мисол учун тадбиркор хўл мева-ларни қайта ишловчи технология сотиб олмоқчи дейлик, бунда технологиянинг тури, унинг суммаси, қандай тартибда сотиб олувчига етказиб берилиши каби ўзининг талабларини киритди дейлик. Иккинчи тараф, эса белгиланган талаблар бўйича ўзининг таклифини киритади. Бундай таклифлар бир неча мингта бўлиши мумкин. Талаб билан чиққан биринчи томон ўзига мақбул келган таклиф қилувчи билан битим тузади. Бугунги кунда Интернет сайтларида бундай рекламаларни минглаб учратишимиз мумкин.

Электрон тижоратни бу турининг салмоғи ҳақида бир мисолни келтиришнинг ўзи kifоя. Хорижий тадқиқот компаниялари, хусусан, Yankee Group компанияси томонидан берилган маълумотга кўра B2B-тижорат тури 1999 йилда эса бу кўрсаткич 138 миллиард долларни ташкил этганлигини, 2003 йилга келиб эса 541 миллиард долларни ташкил этганлигини маълум қилган. Visa International компаниясининг маълумотида кўра Европада 1998 йилда B2B тижорат тури орқали тузилган шартномалар 7,2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилга келиб 176 миллиард долларга етган.

Агар B2B электрон тижорат тури корхона билан корхона ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олса, Business-to-consumer (B2C) — бу мақсадига кўра Интернет орқали кенг оммага товарларни сотиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш ҳақида маълумотларни жойлаштириш ҳамда уларни амалга оширишдир.

Электрон тижоратнинг бу турини афзалликлари қуйидагилардан иборат:

**биринчиси**, бу тижорат шаклининг афзаллиги ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга, ҳам истеъмолчиларга маблағни иқтисод қилиш имконини беради. Сабаби, корхонага Интернет тармоғи орқали рекламани амалга ошириш арзонга тушса, иккинчи томондан оммавий ахборот воситалари орқали бе-

рилган рекламага нисбатан, Интернет тармоғи орқали берилган реклама ҳақида маълумот олувчилар сони бир неча минг баробар кўп бўлади. Бу эса ўз навбатида тадбиркорнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотининг сотиш ҳажми-ни оширади. Истеъмолчида эса танлаш имкони юқори бўлади.

**Иккинчиси**, қисқа вақт сарфланиши. Электрон тижорат жуда қисқа вақт ичида шартномалар тузиш имкониятини вужудга келтиради.

Ҳар қандай тадбиркорлик субъекти ўз фаолияти жараёнида ушбу электрон тижорат турларини амалга ошириши мумкин. Бунинг учун тадбиркор харидорларга қуйидаги ахборотлардан фойдаланишни эркинлигини таъминлаши лозим:

- юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолдаги тўлиқ номини ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- почта ва электрон манзили ҳамда ўзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензия борлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Электрон тижорат иштирокчилари ўз маҳсулотларини, хизматларини, бажарадиган ишларини шартномалар тузиш орқали амалга оширадилар. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунга асосан шартномалар уч хил йўл билан тузилади:

- 1) электрон ҳужжатларни айрибошлаш;
- 2) электрон ҳужжат кўринишида бўлмаган, қабул қилиб олинган оферта (шартнома тузиш таклифи) қабул қилинганлиги тўғрисидаги электрон ҳужжатни жўнатиш;
- 3) электрон ҳужжат кўринишида бўлган қабул қилиб олинган офертадаги шартнома шартларини бажариш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш.

Фуқаролик кодексининг 367-моддасига кўра бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади.

Офертада шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши керак. Оферта уни йўллаган шахсни оферта йўлланган шахс билан у офертани олган пайтдан бошлаб боғлайди.

Номуайян шахслар доирасига йўлланган реклама ва бошқа таклифлар, агар таклифда бошқача ҳол тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, офертага таклиф этиш деб қаралади.

Электрон тижоратда асосан оммавий офертадан фойдаланилади. Чунки электрон тармоққа киритилаётган маҳсулотлар, кўрсатиладиган хизмат-

лар ва бажариладиган ишлар ҳақида барча бирдай маълумот олади ҳамда фойдаланади.

Электрон тижоратда шартнома акцептни (таклифни қабул қилиниши) ўз ичига олган электрон ҳужжат элетрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс томонидан қабул қилиб олинган пайтда ёхуд офертани ўз ичига олган электрон ҳужжатда акцепт учун назарда тутилган ҳаракатлар товарлар (ишлар хизматлар) харидори томонидан амалга оширилган пайтда тузилган деб эътироф этилади.

Электрон ҳужжатлардан шартноманинг тузилганлиги ҳақидаги далил сифатида фойдаланиш мумкин.

### *Электрон тижоратда маълумотлар ҳимояси*

Бугунги кунга келиб тармоқ технологиялари ривожланган тадбиркорликнинг ажралмас қисмига айланган. Дунёда 60 миллионга яқин субъект ушбу тармоққа кириш имкониятига эга ва яқин келажақда 75 фоизга яқин корхоналарнинг компьютерлари Интернетга уланиши башорат қилинмоқда. Тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги алоқалар соҳасида бўлганидек, истеъмолчиларга ҳам фойдали маълумотларни етказишнинг янги имкониятларига эга бўлиб электрон тижоратда анъанавий тижорат тизимларига асосланилади.

Электрон тижорат фаолияти айрим жисмоний чекловларни бартараф этади. Корхоналар ўз компьютерларини Интернет тизимига улаш орқали дам олиш ва байрам кунларисиз сутканинг 24 соати давомида мижозларига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Ўз маҳсулотига куннинг исталган вақтида буюртма олиш имкониятига эга бўлади.

Электрон тижоратнинг ўзига хос хусусиятларидан бири барча ҳужжатларнинг электрон кўринишда тузилишидир. Шу сабабдан электрон тижоратни амалга оширишда махфийлик, яхлитлилик, айнанлик, маълумотнинг кимга тегишлилигининг аниқлиги, сир сақланиши ва кафолатланиши каби асосий талаблар мавжуд. Агар юқорида санаб ўтилган дастлабки тўртта талабни техник воситалар орқали таъминлаш имкони бўлса, сўнгги иккитасини бажариш ҳам техник воситалар, шунингдек алоҳида шахсларнинг, ташкилотларнинг жавобгарлигига, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини сотувчиларнинг фирибгарликларидан ҳимоя қилувчи қонун нормаларининг амал қилишига боғлиқ.

Электрон тижоратга таҳдид солишнинг бир неча турлари мавжуд:

- 1) маълумотларни олдиндан режалаштирган ҳолда олиш ва танишиш;
- 2) маълумотларни олдиндан режалаштирган ҳолда ўзгартириш;
- 3) дастурий-аппарат ҳимоясини бузиш;
- 4) фойдаланувчиларнинг бир тармоқдан бошқа бир тармоққа рухсатсиз кириши.

Ҳозирда бу таҳдидларга қарши курашни таъминловчи турли технологияларга асосланган, масалан, айнан маълумотларни ўқиш ва ўзгартиришга тўсиқ бўлувчи шифрланган-кодли маълумотлар; жўнатувчи ва қабул қилиб олувчининг ҳақиқийлигини текширувчи электрон имзолар, электрон калитлардан фойдаланувчи Stealth технологиялари; вертуал ва хусусий тармоқлар мавжуд.

Давлатимизда тадбиркорларни юқорида келтириб ўтилган электрон тижорат соҳасидаги таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асос яратилган. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикасининг «Электрон имзолар тўғрисида»ги Қонунини келтиришимиз мумкин. Бу ҳақда кейинги ўринларда тўхталиб ўтамыз.

### *Электрон тижоратнинг афзалликлари*

Электрон тижорат тадбиркорлик субъектлари ўртасида қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан рақобатни ривожланишига ва уларнинг имкониятларини кенгайтишига имконият яратади:

• **Вақтнинг тежалиши.** Электрон тижорат орқали вақтдан унумли фойдаланишга эришиш мумкин. Ахир бутун дунё учун ягона бўлган тармоқ тадбиркорлик субъектига ўзини қизиқтираётган бошқа давлатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳақида исталган пайтда маълумотга эга бўлиш имконини беради. Яъни электрон тижоратда тегишли маълумотни олиш учун сарфланадиган вақт қисқаради. Иккинчи томондан тадбиркорнинг фойда келтириши мумкин бўлган бошқа ишлар учун сарфлаши мумкин бўлган бўш вақтини кўпайтиради. Масалан, сотиб олувчи соат 10 да ўтказиладиган ким ошди савдосида қатнаша олмаслиги мумкин. Электрон тижоратда эса сотиб олувчи сутканинг 24 соати давомида ўзи учун қулай бўлган вақтда, ўзи учун керакли бўлган маҳсулот ҳақида маълумот олади. Шунингдек унда танлаш имконияти катта бўлади. Бунда ҳар бир маҳсулот таклиф этувчи ўз маҳсулотни ўтказиш учун миждозга қўшимча хизматларни ҳам таклиф этади.

• **Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқлиги таъминланади.** Масалан, Сиз ўзингиз ишлаб чиқарган маҳсулотингиз ҳақидаги маълумотларни Интернетга киритдингиз дейлик, бунда, албатта, маҳсулотларнинг афзалликлари, унинг ўзига хос фойдали томонлари ҳақида харидорни хабардор қилишга ҳаракат қиласиз. Бошқа ҳудди шундай маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ҳам Интернетга ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳақидаги маълумотларни киритади. Харидорда ҳам таклиф этилаётган маҳсулотнинг энг яхшисини танлаш, унга ўз баҳосини бериш имкониятини яратади. Электрон тижоратнинг бу хусусияти ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатиладиган хизматлар ва бажариладиган

ишларни таққослаш имконининг кўплиги билан рақобатнинг ўсишига хизмат қилади.

• **Максимал даражада ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш имкониятининг вужудга келиши.** Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ўзининг маҳсулотларини ўз дўконлари орқали ёки шартнома асосида сотиши мумкин. Бунда аниқ бир ҳудуддаги миқозларга, ёки ўзининг доимий ҳамкори бўлган корхоналарга ёхуд шахсларга ўз маҳсулотларини сотиш имконига эга бўлади. Электрон тижоратда эса чекланмаган доирадаги миқозларга хизмат кўрсатилади. Бу биринчидан, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни туриб қолмаслигига шароит яратса, иккинчидан, ишлаб чиқариш қувватини оширишга имконият яратади.

• **Ҳамкорларнинг кўпайишига имконият яратилиши.** Электрон тижорат бозорга киришдаги «тўсиқ»ни олиб ташлаш имкониятини яратади. Масалан, Сиз ўзингиз ишлаб чиқараётган маҳсулотни экспорт қилмоқчисиз дейлик. Бунинг учун Сиз хорижий ҳамкорни топиш мақсадида чет элга чиқасиз, у билан келишув ишларини олиб борасиз ва ҳоказо. Бу ишларни амалга ошириш учун, албатта, катта маблағ ва кўп вақт талаб этилади. Ўзининг фаолиятини эндигина бошлаган ва ҳали оёққа туриб улгурмаган фирма учун эса бундай харажатларни қилиш қийинчилик туғдиради. Электрон тижоратда эса бундай харажатлар қилиш ҳамда ортиқча вақт сарфлашга ҳожат қолмайди. Сиз жуда арзон нархда Интернет тармоғига ўзингизнинг таклифингизни киритасиз ҳамда қисқа вақт ичида маҳсулотингиз экспортини йўлга қўйишга эришасиз

• **Тузиладиган битим нархининг арзонлиги.** Сотувчи ва истеъмолчи ўртасида тузиладиган ҳар қандай битим муайян харажатларни талаб қилади. Булар харидорни излаш (харидор учун эса маҳсулот ҳақида маълумотлар йиғиш), келишув ишларини олиб бориш, шартномани тайёрлаш ва уни амалга ошириш, маҳсулот етказиб бериш ва ҳоказо. Электрон тижоратда эса бу ишларнинг барчасини бир жойнинг ўзиде туриб амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Харидор қидириш, келишув ишларини олиб бориш ҳатто шартномани тузиш ҳам Интернет орқали амалга оширилиши мумкин.

• **Бунда Интернет воситачи технология сифатида иштирок этади.** Интернет товар ишлаб чиқарувчилар, ишлар бажарувчилар ҳамда хизмат кўрсатувчилар ва миқоз ўртасида, яъни у ёки бу битимлардан манфаатдор бўлган электрон тижорат иштирокчиларининг учрашув жойи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Интернет бошқа воситачилардан фарқли равишда, ўзининг оммавийлиги ҳамда арзонлиги билан битимларни тузиш харажатларини камайтиради.



• **Универсаллиги.** Интернет тармоғида мавжуд бўлган маълумотлардан дунёнинг барча нуқтасидан туриб фойдаланиш, улар ҳақида билиш мумкин, яъни сотувчи ва харидор учун географик жойлашганликнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди, бу эса ўз навбатида шартнома тузиш вақтини қисқартиради. Масалан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳақидаги маълумотларнинг Интернетга киритилиши билан бу ҳақда бутун дунё хабардор бўлади. Ўз навбатида рақобат кучаяди. Бу эса тадбиркорнинг бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиши учун доимо изланишда бўлишига мажбур қилади.

• **Зарур маълумотларга эга бўлиш имкониятининг кенглиги.** Электрон тижоратнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, тадбиркор ўзи учун зарур бўлган маълумотлардан мунтазам равишда хабардор бўлиш имкониятига эга бўлади. Ўзининг бозордаги рақобатчилари, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар кўлами ва бошқалар ҳақида. Бу эса тадбиркорни «ижодкорлик»ка ундайди.

## **«ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

XXI аср ахборотлар асри деб аталган экан, бу даврда барча маълумотлар тез ва аниқ ҳолда уни қабул қилиб олувчисига етиб бориши, барча ҳужжатлар электрон шаклда ҳаракатда бўлиши лозим. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

**Қонуннинг мақсади ва тадбиркорлар учун аҳамияти** шундан иборатки, Қонун электрон ҳужжатларнинг айланиши соҳасидаги қуйидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган:

1. Электрон ҳужжатларни, шунингдек электрон шаклдаги хўжалик шартномаларини жўнатиш, қабул қилиб олиш ҳамда сақлаш.
2. Электрон ҳужжатлар (электрон шаклдаги хўжалик шартномаларини)дан фойдаланиш қоидаларини ҳамда тартибини белгилаш.
3. Электрон ҳужжатлар айланиши соҳасидаги муносабатлар иштирокчиларини, хусусан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Электрон ҳужжат биринчидан тадбиркорнинг беҳуда сарфланиши мумкин бўлган вақтини тежаса, иккинчидан, ҳужжатларни ягона маълумотлар базасида сақлаш имконини беради, бу орқали исталган ҳужжатни исталган вақтда зудлик билан топиш имконияти вужудга келади.

Электрон ҳужжатнинг ўзи нима, ундан қай тартибда фойдаланиш мумкин, буларнинг барчасига қуйида тўхталиб ўтамыз.

**Электрон ҳужжат деганда** электрон шаклда ифодаланган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда Қонунда белгиланган мажбурий реквизицларга эга бўлган ҳужжат тушунилиши керак.

*Демак, ҳужжатни электрон ҳужжат деб ҳисоблаш учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:*

1) Ҳужжатдаги ахборот электрон тарзда ифодаланиши, яъни интернет ёки бошқа турдаги электрон воситаларда ўз аксини топиши керак.

2) Ҳужжат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим. Электрон рақамли имзо деганда эса электрон ҳужжатлардаги ахборотлардан очиқ ва ёпиқ электрон калитлар орқали фойдаланиш мумкин бўлган ушбу ахборот эгасининг қонунда кўрсатилган тартибда сертификатланган ҳамда рўйхатга олинган имзоси тушунилади. Электрон ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ушбу ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги билан белгиланади. Яъни электрон ҳужжатни амалдаги қонунчилик бўйи-

ча амалда деб ҳисоблаш учун электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш керак бўлади. Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги эса бундай имзонинг ёпиқ калити эгасига тегишлилиги ҳамда ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини текшириш билан тасдиқланади. Электрон рақамли имзонинг ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши электрон ҳужжатга, тадбиркорлик субъекти ўртасида тузилган шартноманинг ҳақиқий эмас деб топишга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ҳозирги кунда электрон рақамли имзо билан қўлда қўйилган имзонинг юридик жиҳатдан бир хил аҳамиятга эга деб ҳисоблаш янги муносабатларни вужудга келтириб, қуйидаги шартлар бўлганда ушбу иккала имзолар бир хил аҳамиятга эга деб эътироф этилади:

- электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса;
- ҳужжатни имзолаётган пайтда электрон рақамли имзо калитининг сертификати амалда бўлиши керак;
- электрон рақамли имзодан унинг амалдаги сертификатда кўрсатилган мақсадларда фойдаланилиши лозим.

*1. Юқорида кўрсатилганлардан ташқари электрон ҳужжат қуйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши керак:*

- электрон рақамли имзо;
- электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;
- ҳужжат яратилган сана.

Яъни тадбиркор интернет ёки бошқа турдаги электрон воситалар орқали хўжалик, меҳнат ёки фуқаролик шартномаларини тузаётганда ушбу шартномада юқорида кўрсатилган шартлар (реквизитлар) бўлсагина у ҳақиқий ҳисобланади, акс ҳолда ушбу ҳужжатга нисбатан Фуқаролик Кодексининг «Битимни ҳақиқий эмас деб топиш» тўғрисидаги қоидалари қўлланилиши мумкин. Шуни ҳам инobatга олиш керакки, бундай реквизитлар қатъий ҳисобланмасдан, булардан ташқари тадбиркорлар бошқа шартларни ҳам назарда тутишлари мумкин. Масалан, тадбиркорлик муомаласи одатлари билан боғлиқ шартлар.

Бундан ташқари, электрон ҳужжатлар ушбу ҳужжатдан фойдаланувчилар, яъни жўнатувчи ва қабул қилувчи учун тушунарли тилда ёзилган, мантқиқий жиҳатдан тўғри тузилган, шунингдек тушунарсиз белгилар ишлатилмаган ҳолда тузилган бўлиши лозим.

*Электрон ҳужжатларни қуйидаги турлари мавжуд:*

1. Битим, шу жумладан шартномалар. Яъни тадбиркорлик субъектлар ва бошқа шахслар электрон ҳужжатлар орқали нафақат хўжалик, бал-

ки фуқаролик, меҳнат соҳасида шартномалар тузишлари мумкин. Масалан, корхона филиалидаги ходим асосий корхона директори билан электрон ҳужжат орқали меҳнат шартномасини бекор қилиши ёки ўзгартириши ёхуд корхона раҳбаридан унга иш берувчи томонидан етказилган талабни қоплашни талаб қилиши мумкин.

2. Ҳисоб-китобга оид ҳужжатлар. Яъни шахслар, хусусан тадбиркорлар банк муассасалари, биржалар ва бошқа молия органлари билан электрон воситалари орқали бевосита ҳисоб-китобларини амалга оширишлари ва ҳужжатлар тузишлари мумкин. Масалан, тадбиркор банк муассасасига электрон ҳужжат орқали тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, мемориал ордер, инкассо топшириқномаси каби ҳужжатларни жўнатиши мумкин. Лекин тадбиркорлик субъектлари ва бошқа шахслар бундай ҳужжатларни фақатгина уларни қабул қилиб олиш ҳуқуқи берилган шахсларга, яъни банк раҳбари билан ушбу турдаги моддий-жавобгарлик бўйича меҳнат шартномаси тузган шахслар, банк муассасасининг бош бухгалтери ёки унинг ўринбосарига жўнатишлари кераклигини эътибордан четда қолдирмасликлари лозим.

3. Расмий ва норасмий ҳужжатлар. Яъни бундай ҳужжатлар орқали тадбиркорлик субъектлари ва бошқа шахслар давлат органларига ариза, шикоят, таклиф ва хат билан мурожаат қилиши, шунингдек норасмий тарзда иш билан боғлиқ ўзаро учрашувлар белгилашлари мумкин. Масалан, тадбиркор юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш учун керакли таъсис ҳужжатларини тегишли маҳаллий ҳокимият органига тақдим қилиши мумкин.

Электрон ҳужжатларнинг айланиши — бундай турдаги ҳужжатларни жўнатиш, қабул қилиб олиш ва сақлаш жараёни ҳисобланади. Бундай жараён бевосита ахборот тизими орқали амалга оширилиб, ахборот тизими деганда ахборотдан фойдаланиш учун қўлланиладиган ахборот воситалари ва технологияларини тушуниш лозим. Масалан, Интернет, ундаги WWW ва сайтлар.

**Ахборот тизими** корпоратив ва очиқ тизимли бўлиши мумкин. Яъни корпоратив ахборот тизимида тадбиркорлик субъектлари ва бошқа шахслар фақат маълум бир корхона доирасидагина электрон ҳужжатларни жўнатиш ва қабул қилиб олишлари мумкин. Масалан, ходим иш берувчига моддий ёрдам ёки иш ҳақига қўшимча пул маблағлари қўшиш масаласида ариза билан мурожаат қилиши, шунингдек маъмурий чора-тадбирларни кўриш масаласида ҳам бундай турдаги электрон ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин. Очиқ ахборот тизимида эса хўжалик юритувчи субъектлар ва шахслар электрон ҳужжатларни эркин тарзда хоҳлаган кор-

хонага ёки давлат органига жўнатишлари ва бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан бундай ҳужжатларни қабул қилиб олишлари мумкин. Масалан, ташкил қилинган хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун маҳаллий давлат ҳокимиятларига ариза билан муружоат қилиш, ишлаб чиқариш воситалари (технологиялари) юзасидан лизинг шартномасини тузиш ёки корхонани капитал таъмирлаб бериш бўйича пудрат шартномасини тузиш ва ҳ.к.

Қонунга биноан, **электрон ҳужжат ва қоғоз ҳужжат бир хил юридик кучга эга**. Яъни электрон ҳужжатлар қоғоз ҳужжатлар каби Қонунда кўрсатилган вақтдан бошлаб амал қилади ва ҳужжатни белгиланган тарафлар учун бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Электрон ҳужжатларнинг нусхасини асл нусхаси деб эътироф этиш учун ушбу ҳужжат Фуқаролик Кодексига мувофиқ ўз ўзидан ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилмаган бўлиши керак. Электрон ҳужжатнинг қоғоз нусхаси эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланиши ва сақланиши лозим. Масалан, корхона олди-сотди шартномасининг қоғоз нусхаси албатта, ушбу корхонанинг муҳри ҳамда раҳбар имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

**Электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари** — электрон ҳужжатни жўнатувчи, қабул қилиб олувчи ҳамда ахборот воситачилари ҳисобланади.

Электрон ҳужжатни жўнатувчи деганда, ушбу ҳужжатга ўз номини кўрсатган ҳолда уни қабул қилиб олувчига йўллаган жисмоний ёки юридик шахс ёхуд уларнинг ахборот воситачиси тушунилиши керак.

Электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи эса жўнатувчи томонидан электрон ҳужжат номига йўлланган юридик ёки жисмоний шахсдир. Шунингдек, давлат органлари ва унинг мансабдор шахслари ҳам электрон ҳужжатларни жўнатувчи ва қабул қилувчи сифатида электрон ҳужжатларнинг айланиш тизимида иштирок этиши мумкин.

Ахборот воситачиси деганда эса шартнома асосида электрон ҳужжатларнинг айланиши билан боғлиқ, яъни электрон ҳужжатни жўнатиш ва қабул қилишни ташкиллаштиришга оид хизматларни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсни тушуниш мумкин. Ахборот воситачилари электрон ҳужжатларнинг мазмунини ва ундан фойдаланиш тартибини ўзгартиришга ҳақли эмас, шартномада бевосита назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Яъни тадбиркор ёки бошқа шахслар ахборот воситачиси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахсга ўз номидан шартнома мазмунини ёки улардан фойдаланиш тартибини ўзгартириш ҳуқуқини топшириши ҳам мумкин.

Бундай иштирокчилар бир вақтнинг ўзида электрон тижорат субъектлари ҳисобланиб, улар хўжалик шартномаларини тузишдан олдин электрон воситалар орқали контрагент томон ҳақида қонунчиликда таъқиқланмаган барча маълумотларни талаб қилиб олишга ҳақли, иккинчи томон эса бундай маълумотларни эркин ва ўз вақтида етказиб берилиши учун жавобгар ҳисобланади.

### ***Электрон ҳужжатлари жўнатилган ва қабул қилиб олинган деб ҳисоблаш вақти***

Электрон ҳужжатнинг жўнатилган деб ҳисоблаш вақти деганда ушбу ҳужжатни жўнатувчи юридик ёки жисмоний шахс ёхуд уларнинг ахборот воситачиси томонидан қабул қилиб олувчи номига йўлланган вақтни тушуниш керак. Лекин ушбу ҳужжат жўнатувчи томонидан юборилган вақт ичида бекор қилинмаган бўлиши лозим. Ҳужжатни жўнатиш вақтида бекор қилиш масаласи шартномада ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

*Электрон ҳужжатнинг қабул қилиб олиш вақти сифатида Қонунда қуйидагилар белгилаб қўйилган:*

- Жўнатилган электрон ҳужжат қабул қилиб олувчининг электрон манзилига келиб тушган вақт ушбу ҳужжатнинг қабул қилиб олинган вақти ҳисобланади.

- Электрон ҳужжатни қабул қилиб олиниши таъминланган ахборот тизими бошқа жойда жойлашган бўлса ҳам, ушбу ҳужжат қабул қилиб олувчи томонидан қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

### ***Электрон ҳужжатларни сақлаш***

Электрон ҳужжатлар, электрон тижорат шартномалари ушбу Қонунда белгиланган тартибда сақланади, уларнинг қоғоз нусхалари эса ҳар иккала томонда сақланиб, уларнинг сақланиши архив қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Чунки бундай ҳужжатлар тегишли давлат органи томонидан (масалан, монополияга қарши курашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат органлари ёки солиқ инспекциялари томонидан) талаб қилиб олинганда тушуниб бўладиган ва Қонунда белгиланган шаклга эга бўлган ҳолда тақдим этилиши керак.

Бундан ташқари, электрон шаклдаги шартнома тузган тадбиркорлар ушбу шаклдаги ҳужжатни ахборот воситасида тегишли тартибда “файл” сақланишини таъминлаб, уларнинг йўқолиб кетишини олдини олиш чораларини олдиндан кўриши керак. Шунингдек, электрон ҳужжатларни сақлаш давомида электрон воситалардаги файллар билан ишлаш қоидаларига алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Чунки бундай қоидаларга риоя этмаслик улардаги маълумотларга эга бўла олмаслик даражасига олиб

келиши мумкин (масалан, хўжалик шартномаси ифодаланган электрон ҳужжат “электрон вирус” билан зарарланиши ва ҳ.к.). Электрон шаклдаги шартнома тузган тарафлар улардан эркин фойдаланиш ҳамда талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тақдим этиш имкониятини таъминлаб беришлари лозим.

Электрон ҳужжатни сақлаш муддати шунга ўхшаш мақсадга мўлжалланган қоғоз ҳужжат учун белгиланган муддатдан кам бўлмаслиги керак. Шунга ўхшаш мақсад деганда, асосан, хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган бошқа мақсадларда электрон ҳужжатларни ишлатишни тушуниш лозим.

### *Электрон ҳужжатларни айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш*

Электрон ҳужжатлар бевосита ушбу ҳужжатни қабул қилувчи, жўнатувчи, шунингдек уларнинг ахборот воситачилари томонидан муҳофаза қилинади. Бундан ташқари, ушбу ваколатли давлат органи томонидан муҳофаза қилиниши мумкин. Электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш ташкилий ва ҳуқуқий аҳамият касб этиши мумкин. Электрон ҳужжатларни ташкилий жиҳатдан муҳофаза қилиш деганда электрон ҳужжатдаги маълумотларнинг иштирокчилар томонидан қандай белгиланган бўлса шундай сақланиб қолинишини таъминлаш чора-тадбирларини тушуниш лозим. Электрон ҳужжатларнинг ташкилий жиҳатдан муҳофазасига эътибор бермаслик, унинг ҳуқуқий жиҳатдан бузилишига олиб келиши мумкин. Масалан, электрон шаклда тузилган хўжалик шартномасидаги маълумотларнинг тарқалиши бевосита шартномани имзолаган томонлардан бирининг тижорат сирининг ошкор этилишига ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат эса ушбу ҳужжатнинг ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинишини талаб қилади. Электрон ҳужжатни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш деганда эса электрон ҳужжат юридик кучининг амал қилиб туриши ҳамда ушбу ҳужжатни уни имзолаган томонлар учун салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуини тушуниш керак. Чунки электрон ҳужжатдаги маълумотларнинг ўзгартирилиши уни имзолаган тарафларнинг ҳуқуқларни бузилишига ёки бундай шахсларга ноқонуний равишда қўшимча мажбуриятлар юклатилишига олиб келиши мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АСОСИДА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими янада ривожлантиришни рағбатлантириш, улардан чакана савдода, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва республика тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган 1-иловага мувофиқ 2006 йил охиригача тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тармоғини кенгайтиришнинг прогноз жадвали маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар уюшмаси уч ой муддатда Банклараро процессинг маркази негизида савдо ва хизматлар соҳаси ташкилоти ёхуд пластик карточка эгасига қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъий назар барча савдо шохобчаларида банк операцияларини ягона режимда амалга ошириш имконини берувчи Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги Ягона умумреспублика процессинг марказини ташкил этсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари билан биргаликда 2-иловага мувофиқ чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектларини, автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларини ва аҳолидан нақд пул қабул қилиш бошқа пунктларини тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар билан:

Тошкент шаҳрида — 2005 йил 1 январгача;

вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда — 2005 йил 1 июлгача таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2004 йил ва 2005 йилнинг биринчи ярим йиллиги яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, пластик карточкалардан фойдаланиб товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда ҳужалик юритувчи субъект-



лар томонидан бериладиган терминал чеклари кванциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

5. Чакана савдо корхоналарига юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни ойлик товар айланиши ҳажмида сотувлар улуши чекланмаган ҳолда сотишга рухсат берилсин.

6. Пластик карточкаларнинг эмитентлари бўлган тижорат банклари:

- 2005 йил 1 январгача барча филиаллар, минибанклар ва жамғарма кассаларида тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар ўрнатсинлар;

- айланма маблағлар тақчиллигига дуч келаётган чакана савдо ва хизматлар соҳаси ташкилотларининг тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар сотиб олиши учун ўз мижозларининг сўровлари бўйича имтиёзли кредитлар берсинлар (Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкаси бўйича);

- терминал тармоғининг узлуксиз ишлаши ва пластик карточкалардан фодаланган ҳолда ўз мижозларига кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

7. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази:

- банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналари ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналардан, шуниңдек дастурий таъминот сифатидаги мол-мулкдан 2005 йил 1 январдан бошлаб 3 йил муддатга мулк солиғи тўлашдан;

- пластик карточкалар, сарфланадиган материаллар, график ва электрон шахслаштириш қурилмалари, терминаллар, банкоматлар ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналарни импорт қилишда 2007 йил 1 январгача божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулкдан солиқ тўлаш бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида республикада ўз материаллари негизда микрочиплари бўлган пластик карточкалар ва тўлов терминаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма

корхона ташкил этиш юзасидан 2004 йил охиригача Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда жойлашган, савдо майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчаларига чакана савдони амалга ошириш учун рухсат берувчи гувоҳномалар беришда уларда тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш имконини берувчи терминаллар мавжуд бўлишини назарда тутсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг Раиси*

*И. Каримов*

*445-сонли  
Тошкент шаҳри  
24.09.2004 й.*

**Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг  
маркази томонидан тўловларни пластик карточкалар бўйича  
амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулкдан солиқ  
тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналаридан ва тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналардан мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш, шунингдек уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини белгилаб беради.

2. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналаридан ва тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналардан, шунингдек дастурий таъминлашдан мулк солиғи тўлашдан 2005 йил 1 январдан бошлаб 3 йил муддатга озод этилган.

**II. Мол-мулк қийматини ва солиқ суммасини  
ҳисоблаб чиқиш тартиби**

3. Банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналари ва тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналар, шунингдек дастурий таъминлаш бўйича имтиёзларни қўллаш ва бўшаб қоладиган маблағларни ҳисобга олиш мақсадида тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан йилнинг ҳар чорагида мазкур Низомга иловага мувофиқ тегишли мол-мулкнинг қиймати ҳисоб-китоби тузилади.

4. Тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулк таркибига балансда турган қуйидаги мол-мулк:

- банкомат;
- тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар;
- тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш ва маълумотлар массивларини қайта ишлаш учун фойдаланиладиган компьютер ускуналари ва серверлар;

- лицензия тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган дастурий таъминлаш;
- коммутация ускуналари;
- карт-ридерлар (пластик карточкаларни ўқиш ва ёзиш учун қурилма);
- шахслаштирувчилар (пластик карточкаларга идентификация белгилари қўйиш қурилмаси);
- берилётган ахборотни шифрлашда фойдаланиладиган ускуна киритилади.

5. Тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулк қийматини ҳисоблаш чиқиш тижорат банклари томонидан банкларнинг барча филиалларини ҳисобга олган ҳолда жамлаштириш асосида амалга оширилади.

6. Тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулк қиймати тўғрисидаги маълумотлар тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича республика солиқ хизмати органларига берилади.

7. Мулк солиғини ҳисоблаб чиқиш тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 25-сон ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2002-13-сонли қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 11 мартда 1107 рақамли билан рўйхатдан ўтказилган) Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

### **III. Бўшаб қоладиган маблағларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

8. Бўшаб қоладиган маблағларнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 52-сон, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2002-21-сонли ва Давлат божхона қўмитасининг 02/8-6-сон Қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 25 июнда 1155 рақами билан рўйхатдан ўтказилган) Юридик шахсларга солиқлар, божхона тўловлари ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

9. Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулкнинг қиймати ва қўлланилаётган имтиёзлар суммаси тўғри аниқланиши учун жавоб берадилар.

## XI. ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ВА УСКУНАЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

### *Ускуна ва технологиялар ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи миллий корхоналар*

№	Компания ва ташкилотлар номи.	Манзили ва телефонлари	Таклиф этилаётган технологиялар
1	"Ales penobeton" МЧЖ	Тошкент ш., Лутфий кўч., 6-уй. Тел.: 41-19-12, 110-77-05.	Курилишда ишлатиладиган кўликсимон бетон блокларни ишлаб чиқариш технологияси ва ускунаси.
2	"Akvateh" Илмий-ишлаб чиқариш корхонаси	Тошкент ш., Гавҳар кўч., 125-уй. Тел.: 117-51-15. Факс: 79-79-00.	Озиқ-овқат саноати учун сув таъминотини комплекслаштириш усули Сузиш бассейнлари учун сув таъминлаш станциялари, филтрлар.
3	"Artur Alik" МЧЖ	Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси, 57-уй. Тел.: 116-43-31.	Резинали крошка ишлаб чиқариш, автопокришқаларни қайта ишлаш ускуналари.
4	"AZNTehno" ХК	Тошкент ш., Ж. Обидова кўч., 160-уй. Тел.: 53-23-19. Факс: 50-83-05, 134-34-75.	Савдода фойдаланиладиган ва музлатгич ускуналари
5	"Elektrosvarka" ҚК	Қўқон ш., Навбахор кўч., 22-уй. Тел.: (37355) 4-35-00. Факс: 4-23-21.	Электрпайвандлаш ускуналари.
6	"EKOAGRO" МЧЖ	Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, 20 даҳа, 1-уй, 57 хона. Тел./факс: 133-11-73	Ёнғоқ пастаси, писта, қовурилган ер-ёнғоқ, ҳолва ишлаб чиқариш учун ускуналар мажмуаси. Буғли-вакуум агрегати. Ҳолва ишлаб чиқариш учун вакуумли мослама. Сут, винолар, соқларни суюлтириш, меваларни тез музлатиш ускуналари ва қадоқлаш ускуналари
7	"FOTON" ОАЖ	Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўч., 13-уй. Тел.: 133-42-30. Факс: 136-01-16, 136-09-33.	Касса-назорат машинаси. Рангли телевизорлар, электрон техникалар, кўёш нуруни электр энергиясига айлантириш мосламалари ишлаб чиқариш.
8	"GRINTEK" Экологик корхонаси	702132, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Ядро Физикаси Институти. Тел.: 60-61-44, 60-62-15, 131-04-32	Сувни юмшатувчи, тозаловчи, зарарлантирувчи мосламалар. Газ чиқиндиларини тозаловчи, маиший ва саноат чиқинди сувларини тозаловчи ускуналар.
9	"Infar" Илмий-ишлаб чиқариш маркази	Тошкент ш., Сарабўстон кўч., 3Б-уй. Тел./факс: 139-19-03, 152-38-34.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини инфракүзгил нурлар ёрдамида қуриғиш ускунаси

10	"NIELMASH" Конструкторлик- тадқиқот фирмаси	Тошкент ш., 8-март кўч., 57-уй. Тел.: 191-12-48.	Печенье ва вафли ишлаб чиқариш линиялари. Мурабболар (жем, повидло), концентрацияланган шарбатлар ишлаб чиқариш станциялари ва бошқалар. Шоколад аралашмасини тайёрлаш станцияси. Шоколад билан қоплаш (глазировка) учун линия. Томат пастаси ишлаб чиқариш линиялари.
11	"Oqqush" Машинасозлик фирмаси	Тошкент ш., Уйғур кўч. 314-уй. Тел.: 107-31-12.	Макарон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва гўштни қайта ишлаш линиялари. Гўшт қиймалаш ускунаси. Колбаса ишлаб чиқариш учун шприцлар.
12	"Paxtagin KB" ОАЖ	Тошкент ш., Мараимова кўч., 5-уй. Тел.: 67-52-78. Факс: 67-52-77.	Жунни бирламчи қайта ишлаш ускунаси. Жун тозалаш, титиш, линтни қайта ишлаш машинаси.
13	"Qurilishgelioservis" Ltd	Тошкент ш., Мавлонов кўч., 2Б-уй. Тел.: 133-64-47, 35-41-60. Факс: 133-64-47.	Қуёш энергияси ёрдамида иссиқ сув билан таъминловчи гелео ускуналар.
14	"Suv mash" ОАЖ	Тошкент ш., Х. Бойқаро кўч., 13-уй. Тел./факс: 30-20-93.	Сув узатиш учун горизонтал маркашлаттирилган электронасос ускуналар ишлаб чиқариш
15	"SVC O LD" МЧЖ	Тошкент ш., Самарқанд Дар- воза кўч., 1-уй. Тел.: 188-61-42, 45-85-72, 189-61-42.	Курилишда қўлланиладиган бетонли черепица ишлаб чиқариш ускуналари.
16	"Taraqqiot Arkus" ҚК	Тошкент ш., Буюк Ипак Йўли кўч., 38-уй. Тел.: 68-64-00, 67-77-34.	Касса-назорат машиналари
17	"Toshqishloq mash" ОАЖ	Тошкент ш., Ҳамза кўч., 2-уй. Тел.: 136-72-27, 130-32-19, 132-03-74, 133-37-30.	Пахта териш машиналари. Ерни қайта ишлаш машиналари. Картошка қазувчи мосламалар. Ем-хашак ўрувчи машиналар. Ёғочни қайта ишлаш, намунали қирқиш станоклари. "Рабица" сеткасини тўқиш станогги. Трубаларни қайириш мосламаси. Вентиляторлар. Автоматик қадоқлаш машинаси. Фишл ишлаб чиқариш агрегати. Спорт инвентарлари.
18	"Upak mashavtomat" Конструкторлик бюроси	Тошкент ш., Бобур кўч., 77-уй. Тел.: 55-13-00, 55-16-20. Факс: 55-14-70.	Пиллоқ ишлаб чиқариш ускунаси. Сутни қайта ишлаш ва пастеризациялаш ускуналари мажмуаси. Томат пастаси ишлаб чиқариш ускуналари мажмуаси. Джем, концентрацияланган шарбатлар ишлаб чиқариш линиялари. Қадоқлаш автоматлари. ПЕТ бутилкалари тайёрлаш ускунаси ва уларга газланган сув қуйиш мосламалари. Суяқ истеъмол товарларини шиша идишларга қуйиш линияси. ПЕТ бутилкаларига ўсимлик ёғини қадоқлаш линияси.
19	"VNR-Tehno" МЧЖ	Тошкент ш., Широқ кўч., 110-уй. Тел.: 46-83-83, 170-71-28	Печенье ва вафли ишлаб чиқариш линияси, шоколад қоплаш линияси ишлаб чиқариш.

20	"Агрегат заводи" ОАЖ	Тошкент ш., Уста Ширинкўч., 117-уй. Тел.: 148-02-40. Факс: 148-11-02.	Ерни қайта ишлаш машиналари. Чанглатиш ва пуркаш мосламалари. Картошка экиш мосламалари. Тракторлар учун эҳтиёт қисмлар, сеялкалар.
21	"Агрихим" ҚК	Тошкент ш., С.Машхадий кўч., 210-уй. Тел.: 169-49-33. Факс: 169-49-44.	Моторли ва қўлда чанглатиш ва пуркаш мосламалари.
22	"Аль Бай Металл" ҚК	Тошкент ш., Чилонзор даҳ., Шайхзода кўч., 1 А-уй Тел.: 72-01-68. Факс: 72-56-93.	Тери маҳсулотларини қайта ишлаш, терини ошлаш ускуналари. Баркас, барабанлар ишлаб чиқариш ускуна- лари. Кулолчилик дастгоҳлари. Оқ қанд, конфетлар, парварда, новвот и.ч. ускуналари. Фишт ишлаб чиқа- риш ускуналари. Тегиронлар.
23	"Алгоритм" ОТАЖ	Тошкент ш., И.Усмонов кўч., 71-уй Тел.: 170-56-42. Факс: 170-46-20.	Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқа- риш ускунаси. Хамир қориш ускунала- ри, пекарнялар. Қуририш шкафлари.
24	"Академ прибор" Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.	Тошкент ш., Академиклар ша- ҳарчаси, Ф. Хўжаев кўч., 28-уй. Тел.: 162-72-73, 169-02-26.	Ёғ ишлаб чиқариш мини заводи. Металлни лазерда пайвандлаш уску- наси. Металлни вакуумли чанглатиш, сепиш йўли билан керамик, ойнали ва бошқа буюмларга турли хил нақшлар чизиш ускунаси.
25	"Андижонмаш" ОАЖ	Андижон ш., Соё кўч., 5-уй Тел.: (374220) 5-62-45, 5-61-44	Қишлоқ хўжалиги техникалари учун ишичи органлар ишлаб чиқариш. Сув насослари ишлаб чиқариш.
26	"БМКБ Агромаш" АЖ	Тошкент ш., С.Машхадий кўч., 210-уй. Тел.: 169-78-16, 169-69-20. Тел./факс: 169-69-23.	Ерэнғоқни тозалаш, қайта ишлаш ускунаси
27	"Богдорчилик машинасозлик заводи" АЖ	Тош. вил., Михайловка кўрғони. Тел.: 125-72-06. Факс: 125-72-31.	Бог ва узумзорларда ишларни механизациялаштириш машиналари.
28	"Бухоро ихтисослаш- тирилган тадқиқот за- води" Тижорат корхонаси.	Бухоро ш., Халқлар Дўстлиги кўч., 16-уй. Тел.: (36522) 2-75-80. Факс: 4-27-83.	Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш.
29	"Вольфсон Шарк Интерпрайзис" ҚК	Тошкент ш., Миробод кўч., 19а-уй. Тел.: 54-54-59.	Қадоқлаш ускуналари мажмуаси. Суоқ маҳсулотларни қадоқлаш уску- налари. Этикеткалар чиқариш маши- налари. Макарон маҳсулотлари иш- лаб чиқариш машиналари. Бугдой яниш ускунаси. Пластмасса қуйиш ускуналари. ПЕТ бутилкалари тайёр- лаш ускунаси. Шлакоблок қуйиш ус- кунаси. Бетон қориш ускунаси. Қури- лиш фиштлири тайёрлаш ускунаси.
30	"Ўзбекхиммаш заводи" ОАЖ	Чирчиқ ш., Меңделев кўч., 2-уй. Тел.: (37171) 5-34-26, 6-57-03. Факс: (37171) 6-44-73, 6-57-96.	Кимёвий қоришмалар, сувлар учун насослар, электр насослар, вентиля- торлар ишлаб чиқариш, нефтгаз соҳаси учун ускуналар.

31	"Истал" Илмий-ишлаб чиқариш корхонаси	Тошкент ш., Ж.Остонов кўч., 12-уй Тел.: 195-50-30, 195-45-69, 195-07-58, 195-04-58.	Иситиш ускуналари. Суяқ ёқилгиларни қуйиш қурилмаси ва станцияси. Сув иситиш ускуналари. Автомат сув иситиш мосламалари. Иситиш генераторлари.
32	"Коршунов С. М." ХК	Тошкент ш. Тел.: 127-88-32, 128-87-32, 105-88-31.	Сутни қайта ишлаш линиялари. Гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари.
33	"Мададкор" Илмий-ишлаб чиқариш маркази	Тошкент ш., Одилхўжаев кўч., 1-уй Тел.: 191-77-47, 191-58-75. Факс: 191-40-88, 191-77-47.	Медицина мебеллари
34	"Машсервис" МЧЖ "Тошқишлоқмаш" ОАЖ	Тошкент ш., Ҳамза кўч., 2-уй Тел.: 67-68-13.	Кунжут, ерёнғоқ, семечка, сафлор уруғларидан ўсимлик мойи ишлаб чиқариш линиялари. Ўсимлик мойини тозалаш, рафинациялаш ва дезодорациялаш ускуналари. Макарон маҳсулотларини пресшлаш ускуналари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари. Тегиримонлар.
35	"Мехмаш" ОАЖ	Наманган ш., Оромгоҳ кўч., 27-уй Тел.: (36922) 4-28-01, 4-43-94 Факс 4-37-80.	Гилам тўқиш станоклари. Мәрмар, гранит кесиш ускуналари. Газон ўриш мосламалари. Ўзи юрар электроаравалар.
36	"Навоий машинасозлик заводи" НТКМК ИБ	Навоий ш., ИБ "НМЗ" НТКМ Тел.: (436)223-39-75, 223-18-50. Факс (436)223-48-78, 223-18-50.	Металлни қайта ишлаш станоклари. Ёғочни қайта ишлаш станоклари.
37	"ПГС" ХК	Тошкент ш., Гавҳар кўч., 125-уй. Тел.: 79-38-54, 79-15-70, 79-25-23.	Мини-пекарнялар. Сабзавотларни, меваларни, макарон маҳсулотларини ва бошқаларни қуритиш ускуналари. Автомобиллар учун қуритиш ускуналари. Калориферлар.
38	"Руми" ХК	Тошкент ш., Ц-5-43, 23. Тел.: 185-83-17, 135-52-77, 68-34-62.	Ерёнғоқ пастаси ишлаб чиқариш линияси. Қуритилган сут ишлаб чиқариш мини-заводи. Қуруқ ва суяқ концентратлар ва соқлар ишлаб чиқариш мини-заводи. Конвектив қуритиш линияси. Қишлоқ хўжалиги хошхўшлик қайта ишлаш ускуналари.
39	"СтанУз" ИТФ	Тошкент ш., С.Машхадий кўч., 210-уй Тел.: 169-69-14 Факс: 169-69-10.	Мих ишлаб чиқариш автоматлари. Паркет тайёрлаш учун станоклар мажмуаси. Гранит ва мәрмарни қайта ишлаш учун станоклари мажмуаси. Металл, тош қирқувчи ва ёғочни қайта ишловчи ускуналар. Цемент, оҳақ ва бошқа қоршималар учун насослар.
40	"Супромед" Илмий-ишлаб чиқариш фирмаси	Тошкент ш., Қатортол кўч., 28-уй Тел.: 173-86-45. Факс: 173-91-19.	Медицина ашёлари ишлаб чиқариш.



41	"ТТЗ Оил Сервис" Илмий-ишлаб чиқариш маркази	Тошкент ш., ТТЗ Тел.: 64-87-29.	Автотрактор мойларини тозалаш ускуналари.
42	Тошкент "Компрессор" заводи ОАЖ	Тошкент ш., Уста Ширин кўч., 16-уй Тел.: 48-25-80. Факс: 48-35-90.	Аэрозольтранспорт учун компрессорлар. Сиқилган ҳавони узатиш компрессорлари. Компрессор станциялари.
43	"Тошкент трактор заводи" ДАЖ	Тошкент ш., Буюк Ипак йўли кўч., 434-уй Тел.: 64-17-40, 64-08-12 Факс: 64 06-16.	Барча турдаги кичик ҳажмли қишлоқ хўжалиги тракторлари. Трактор тиркамалари. Яримтиркамалар. Мелиоратив ва ерни қайта ишлаш мосламалари.
44	ТҚХИМ Институти	Тошкент ш, Ниёзов кўч., 39-уй. Тел.: 137-09-92	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун универсал қуритиш мосламаси
45	"ТЭК и "КМЧЖ"	Тош.вил, Зангиота т.ни, Эшонгузар кўрғони, Навбахор кўч., 1-уй Тел.: 170-37-55, 170-37-56.	Тегирмон мажмуалари. Инкубатор. ёғ пресслаш ускуналари. Макаронпресслари. Кукуруз таёқчалари ишлаб чиқариш ускунаси. Рафинад қанд ишлаб чиқариш ускунаси. Концентратланган суг (сгущенное молоко), мева ва сабзавот пасталари тайёрлаш ускунаси. Донни, ўтни ва бошқаларни майдалаш комбайнлари. Дон тозалаш мосламаси. Сабзавотларни кесиш мосламалари. Туз йодлаш ускунаси.
46	"Ўзбекқишлоқмаш" ОАЖ	Тошкент ш., Ж.Обидова кўч., 160-уй. Тел.: 135-11-51. Тел./факс: 134-34-50.	Сейлжалар. Минерал ўғитларни сепиш ускуналари. Ўт ўриш машиналари. Косилжалар. Далада пахта тўдаларини тозалаш ускунаси.
47	"ЎзКейсТрактор" ҚК	Тошкент ш., Буюк Ипак Йўли кўч., 434-уй. Тел.: 120-73-54 Факс: 120-73-55.	Универсал ер ҳайдаш тракторлари Плуглар, сейлжалар.
48	"Ўзэлектротерм" АЖ	Наманган ш., 8 Март кўч., 3-уй Тел.: (36922) 6-52-31. Факс: 6-47-71.	Электр сув иситгичлар. Электр плиталар. Пайваңдлаш трансформаторлари. Электр иситгичлар. Электр калориферлар. Маҳсулотларни пишириш электр шкафлари.
49	"Ургенчозуқамаш" ОАЖ	Урганч ш., Хонқа кўч., 26-уй Тел.: (362) 225-69-07. Факс: 225-42-17.	Косилжалар. Сейлжалар. Ерни қайта ишлаш машиналари.
50	"Ҳаракат Плюс" ХК	Чирчиқ ш., Кангли кўч., 16А-уй. Тел.: (271)5-40-62 Факс: (271)5-47-91.	Ишлаб чиқариш, яшашга мўлжалланган контейнерлар. Сув иситиш, иситиш идишлари.

51	"Хориқжурилиш" Компанияси	Тошкент ш., Шарофобод кўч., 3.2-уй. Тел.: 132-03-07. Факс: 132-03-08.	Пенобетон ишлаб чиқариш учун ускуналар мажмуаси.
52	"Чирчиққишлоқмаш" ОАЖ	Чирчиқ ш., Навоий кўч., 92-уй. Тел.: (37171) 6-21-58, 9-46-25. Факс: 6-40-58.	Фермер хўжаликлари учун машиналар. Ерни қайта ишлаш машиналари. Каноп қозиш ускунаси.
53	"Элга-Азия" ҚК	Тошкент ш., Фетисов кўч., 1-уй. Тел.: 191-76-93, 199-50-49.	Электр плиталар ишлаб чиқариш. қора металлдан турли қопламалар ишлаб чиқариш.
54	"Gazavtomatika" ОТАЖ	Тошкент ш., А.Икромов т-ни, Чилонзор-20-уй. Тел.: 72-36-29.	Текстиль саноати учун газ ускуналари ишлаб чиқариш.
55	"IRIS" ИТ	Тошкент ш., Хамза т-ни, С.Машхадий кўч., 210-уй Тел.: 169-78-36.	Ностандарт ускуналар ишлаб чиқариш.
56	"Мухандис сервис" МЧЖ	Тошкент ш., Хамза т-ни, Фаргона йўли кўч., 11-24-уй Тел.: 187-53-11.	Металлдан ностандарт ускуналар ишлаб чиқариш.
57	"Ўлчов асбоблари" МЧЖ	Тошкент ш., М.Улуғбек т-ни, Исмоил-ота кўч., 1-уй Тел.: 67-98-00.	Ностандарт ускуналар ишлаб чиқариш.
58	"Юқри Сифат" МЧЖ	Тошкент ш., М.Улуғбек т-ни, Абдуллаев к., 41-уй Тел.: 162-71-70.	Ностандарт ускуналар ишлаб чиқариш.
59	"БИБ" ХФ	Тошкент ш., Яккасарой т-ни, Муқимий кўч., 7-уй Тел.: 53-43-07.	Ностандарт ускуналар ишлаб чиқариш.
60	"Энком"	Тошкент ш., Навоий кўч., 40-уй. Тел.: 42-27-28. Тел./факс: 120-58-32.	Автоном иссиқлик билан таъминлаш ускунаси. Контейнер иситиш қурилмалари.
Қадоқлаш жиҳозлари ва материаллари чиқарувчи корхоналар			
61	"ASTEL" ҚК	Тошкент ш., А.Икромов кўч., 25-уй. Тел.: 132-01-22. Факс: 132-01-23.	Қопқоқлар, қадоқлаш материаллари
62	"DEMIR GROUP" Компанияси	Тошкент ш., Бухоро кўч., 26-уй Тел.: 133-06-00, 132-13-08, 152-13-09, 56-12-98. Факс: 152-13-35.	Полиэтилен ва полипропилен пакетлар ишлаб чиқариш.
63	"COLORFLEX" ҚК	Тошкент ш., Магазин Мавзук кўч., 254-уй. Тел.: 148-09-17, 148-09-22.	Ўзи ёпишадиган этикеткалар ишлаб чиқариш.
64	"UNIPACK" корхонаси	Тошкент ш., Зокиров кўч., 8-уй Тел.: 34-63-66. Факс: 133-81-84.	Картон (қоғоз) қутилари.
65	"UZPOLPET"	Тел.: 133-94-54, 68-25-04, 189-44-06.	ПЭТ преформалар ишлаб чиқариш.

66	"Sanoatqalinqog'oz-savdo" OAJ	Ангрен ш., Гулбоғ кўргони. Тел.: (37166)2-24-20, 3-45-52. Факс: 2-66-51. Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси "Тошкент- картонгара", Навоий кўч., 7-уй, офис 416. Тел.: 144-31-83, 144-87-64. Факс: 144-87-63.	Картон (қоғоз) қутиллар.
67	"Gussin Central Asia" ХК	Тошкент ш., Ракатбоши кўч., 27-уй. Тел./факс: 139-14-63, 139-14-59.	Пластикдан қадоқлаш таралари тайёрлаш
68	"SAVDO NASHRIYOTI" УК	Тошкент ш., 3 тор кўча Жўра Ота Хожиев кўч., 163-уй. Тел.: 199-52-99, 199-55-87, 199-52-95.	Картондан қадоқлаш таралари ишлаб чиқариш.
69	"TECHNOPAK systems" ҚК	Тошкент ш., Гавҳар кўч., 122-уй. Тел.: 120-55-26, 79-85-44, 79-95-03, 79-94-58. Факс: 120-55-26.	Этикеткалар ва қадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш.
70	"Кварц" АЖ	Фарғона вил., Қувасой т-ни, Мустақиллик кўч., 2а-уй. Тел.: (37337) 3-27-53, 3-21-73, 3-38-49. Факс: (37337)3-38-23.	Шিশали тара ишлаб чиқариш.
71	"ПОЛИМАКС" МЧЖ	Тошкент ш., Чимбой-2 кўч., Талант пр., 3-уй. Тел./факс: 29-32-78.	Қадоқлаш рулон материаллари ва пакетлар ишлаб чиқариш.

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ  
АСОСЛАРИ**

*Муҳаррир* **Ф. Саматов**  
*Мусахҳиҳлар* **У. Қўлдошев, Б. Авазов**  
*Компьютерда саҳифаловчи* **А. Рўзиева**  
*Мусаввир* **А. Шавалиев**

Босишга рухсат этилди 14.01.2005 й. Қоғоз бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
TextBook Uzbek гарнитураси. Шартли босма табоғ 15. Адади 3000 нусха.  
52-сонли буюртма. “Консаудитинформ-Нашр” нашриёти.

Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 6-уй.  
Тошкент шаҳри тезкор босмахонасида чоп этилди.  
700200, Тошкент ш., Радиал тор кўчаси, 10-уй. 57-сонли буюртма.